

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

**“НУТҚ МАДАНИЯТИ”
ф а н и д а н**

МАЪРУЗА МАТНИ

Тузувчи:
Филология фанлари номзоди,
доцент М.Мирзаев

Фарғона - 2015

М У Н Д А Р И Ж А

М а њ р у з а л а р:

1. Кириш. Тилнинг ижтимоий моҳияти.
2. Нутқ одоби.
3. Нутқий муомала шакллари.
4. Диалогик нутқда тил воситаларидан фойдаланиш.
5. Монологик нутқнинг услубий фарқланиши.
6. Нутқ услубларида синонимия имкониятларидан фойдаланиш.
7. Ўзбек муншаоти тарихи. Тарихий ҳужжатлар турлари.
8. Расмий ва шахсий хатлар, уларнинг ўзаро фарқлари.
9. Хизмат доирасидаги коммуникация шакллари. Телефонда расмий сўзлашув.
10. Мажлис баённомасининг кўчирмаси ва шартнома матни.
11. Таъриф-мулоҳаза матнли ҳужжатлар: тақриз, аннотация.

С е м и н а р м а ш ғ у л о т л а р и:

1. Нутқда синонимларни қўллаш.
2. Тил ва нутқ софлиги.
3. Эллипсис ва нутқ маданияти.
4. Мурожаат шакллари ва нутқ маданияти.
5. Таъбу ва мулоқот маданияти.
6. Ташкилий ҳужжатлар устида ишлаш.
7. Фармойиш ҳужжатлари устида ишлаш.
8. Маъкумот-ахборот ҳужжатлари устида ишлаш.
9. Хизмат ёзишмалари устида ишлаш.

К И Р И Ш

Мустақиллик даврида таълим-тарбия масалаларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ, жиддийроқ эътибор берила бошланди. Чунки бизнинг эртанги кунимиз бугунги ёшлар қўлида экан, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиши эртанги кунимизнинг баркамол бўлиши демакдир.

“Биз бундан буён эскича яшолмаймиз, - дея таъкидлаган эди мухтарам Юртбошимиз ўз раҳбарлик фарлиятининг дастлабки кунларидаёқ, - бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди.¹”

Шунинг учун ҳам ўқитишда янгиликка интилиш, инновацион методлар, янги педтехнологияларни қўллаш керак бўлади.

Талабаларга билим беришда замонавий таълим технологияларининг аҳамияти тўғрисида сўз борганда Президентимиз И.А.Каримовнинг "Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор"² деган сўзларини таъкидлаш ўринлидир. Бу масала "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ҳам асосий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган.

Мажмуада келтирилган таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машғулотнинг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини мужассамлаштирган. Шунингдек, бу ўқув машғулотининг технологик харитасини, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади. Мажмуа таркиби кириш, таълим технологиясининг констептуал асослари, ҳар бир мавзу бўйича семинар машғулотларида ўқитиш технологиясидан иборат. Маълумотлар мақимал даражада умумлаштирилган ва тартибга солинган. Уларни

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011, 8-б.

² Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. — Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағ'ишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

ўзлаштириш ва ёдда сақлаб қолишни кучайтириш учун жадвал ва чизмалардан фойдаланилган. Китобнинг констептуал асослари қисмида дастлаб “Нутқ маданияти” фанининг долзарблиги ва аҳамияти, мазкур ўқув фанининг таркибий тузилиши, ўқитишнинг усул ва воситаларини танлашда таянилган констептуал фикрлар, коммуникациялар, ахборотлар берилиб, сўнгра лойиҳалаштирилган, ўқитиш технологиялари тақдим қилинган. Семинар машғулотида муаммоли семинар, билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган семинар, аниқ ҳолатларнинг эчими бўйича семинар ўтиш технологиялари мавжуд ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда жаҳон тажрибасидан кўриниб турибдики, таълим жараёнига ўқитишнинг янги, замонавий усул ва воситлари кириб келмоқда ҳамда улардан амалда самарали фойдаланилмоқда. Ўқитувчи билим олишнинг ягона манбаи бўлиб қолиши керак эмас, балки талабалар мустақил ишлаш жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси, ўқув жараёнининг менежери бўлиши лозим. Таълим технологиясини ишлаб чиқиш асосида айнан шу ғоялар ётади.

РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ

Ж о р и й н а з о р а т (6 марта):

Жорий назорат бўйича маҷимал балл – 50

2 марта оғзаки – (5 балдан) – 10 балл;

1 марта ёзма – 10 балл.

Мустақил иш (оғзаки ва ёзма) – 30 балл.

О р а л и қ н а з о р а т – 2 марта:

1-оралиқ назорат (тест эчиш). Маҷимал балл – 10.

2-оралиқ назорат (оғзаки. Маҷимал балл – 10.

Я к у н и й н а з о р а т – 30 балл (оғзаки).

Ёзма (оғзаки) ишларни баҳолаш мезонлари

(оралиқ ва якуний назорат бўйича):

1. “Аъло” баҳоланади (86-100):

- вариант саволларининг барчасига атрофлича, аниқ ва тўғри жавоблар берилса (ёзилган бўлса);
- талаба берилган масалалар бўйича қўшимча маълумотлардан хабардор бўлса;

- қонун-қоидалар, назария ва тахминлар, тушунчалар ва тасаввурлар тўғри ва аниқ айтилса (ёзилган бўлса);

- баёнда илмий хатоликларга йўл қўйилмай, материал мазмунининг илмийлиги ва мантикийлиги сақланган (пухта ёзилган) бўлса;

- баёнда орфографик ва грамматик хатоликлар учрамаса.

2. "Яхши" баҳоланади (71-85):

- вариант саволига берилган (ёзилган) жавоблар тўғри, аммо фақатгина ўқув дастури талаблари доираси билан чекланиб қолган;
- жавобларда илмий лик бузилмаган;
- баён мазмунида мантиқ сақланган;
- қонун-қоидалар, назария ва тахминлар, тушунча ва тасаввурлар баёнида хатоликлар учрамаса;
- баёнда орфографик ва грамматик хатоликлар учрамаса;
- берилган саволларнинг (топшириқларнинг) биттасига тўлиқ жавоб (ёзилмаган бўлса) берилмаса.

3. "Қониқарли" баҳоланади (55-70):

- саволларга тўлиқ жавоблар берилмаган (ёзилмаган) бўлса;
- вариант саволларига берилган (ёзилган) жавоблар оғзаки. Баъзи бир мантикий кетма-кетлигига таъсир кўрсатмайдиган грамматик хатолар мавжуд бўлса;
- баёнда баъзи бир мантикий чалкашликлар қайд этилса;
- қонун-қоидалар, назария ва тахминлар, тушунча ва тасаввурлар баёнида хатоликларга йўл қўйилган бўлса;
- баён орфографик ва грамматик томондан нотўғри бўлса.

4. "Қониқарсиз" баҳоланади (0-54):

- a. вариант саволларининг 1-3 га ёки умуман жавоб берилмаган (ёзилмаган) бўлса;
- b. вариант саволларига берилган (ёзилган) жавоблар нотўғри ёки аниқ берилмаган (ёзилмаган) бўлса;
- c. жавобларда ноаниқлик ва мантикий чалкашликлар қайд этилса;
- d. баён матнида орфографик ва грамматик жиҳатдан хатолар кўп бўлса.

1-МАВЗУ: КИРИШ. ТИЛНИНГ ИЖТИМОИЙ МОҲИЯТИ

2. Дарс тури: Назарий дарс

3. Дарс вақти: 80 дақиқа

4. Дарс тип: Янги мавзунини ўзлаштириш.

5. Дарсда қўлланиладиган усуллар: “Мустақил иш” усули, муаммоли маъруза.

6. Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:

- фронтал саволлар;
- тест саволликлари;
- мустақил иш тури.

7. Дарс мақсадлари:

А. Таълимий мақсад:

- фаннинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бериш;
- тилнинг ижтимоий моҳияти ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- тил ва нутқнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш;
- тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқ томонлари ҳақида тушунча бериш.

Б. Тарбиявий мақсади:

- ўқувчиларда намунали нутқ кўникмаларини шакллантириш;
- фикр ва мулоҳаза ифодасида тил бирликларидан фойдаланиш малакасини шакллантириш;
- ўқувчидаги ахлоқий ва эстетик тушунчалар асосида нутқий муомала кўникмасини шакллантириш;
- давлат тилига муҳаббат туйғусини ривожлантириш.

В. Ривожлантирувчи мақсад:

- мустақил фикрлаш ва ўз фикрини аниқ, тўлқ баён қилиш кўникмасини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантириш.

8. Дарсни ўтиш жойи: факултетнинг ўқув хонаси.

9. Дарснинг дидактикаси(интеграция).

А. Фандаги мавзулар аро боғланиш:

Мавзу: 1. Нутқий саводхонлик ва нутқ маданияти асослари.

Б. Фанлараро боғланиш:

1. Она тили ва адабиёт:

Мавзу.1. Тил ва тафаккур. Уларнинг ўзаро муносабати. Тилнинг ижтимоий моҳияти.

2. Рус тили. Введение. Социальный суть языка.

В. Ҳаёт билан боғлаш:

- ҳаётда тилнинг ўрни билан боғлаб тушунириш.
- медицина амалиётидаги нутқий муомаладан фойдаланиш.

10. Керакли билимлар доираси:

- фаннинг мақсад ва вазифалари;
- тилнинг ижтимоий моҳияти ҳақида тушунча;
- тил ва нутқнинг хусусиятлари;
- тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати.

11. Дарсни жиҳозлаш: Нутқ маданияти, тил ва нутққа оид кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, кодоскоп, слайд.

Дарснинг хронологик харитаси

№	Дарснинг хронологик харитаси	Вақти
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа

5	Янги мавзуни мустаҳкамлаш	7 дақиқа
6	Дарсинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

13. Ўқитувчи учун адабиётлар:

- А. Асосий:** 1. Мўминов С., Мамажонов М. . Нутқ маданияти. Маъруза матнлари.
2. Мўминов С., Нурмонова Д., Каримова О. Нутқ маданияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.
3. Қўнғуров Р., Бегматов э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992 .
4. Каримов С.А., Маҳматмуродов Ш.М., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2003 .
5. Маҳмудова Н., Рафиев А., Юлдошев И.. Давлат тилида иш юритиш. Академик лцейлар учун дарслик. – Т.: ШАРҚ НМАК Бош таҳририяти. 2004.
6. Аминов М. ва б. Иш юритиш. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.

Б. Қўшимча:

1. Қудратов Т. Нутқ маданиятлари асослари. – Т. : Ўқитувчи. 1993 .
2. Тожиев Ё., Ҳасанова Ҳ., Саидова Р. Нутқ маданиятлари ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1998.
3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. 1991 йил.
4. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. - Т.: Чўлпон, 2002 .

ДАРС БОСҚИЧИНИНГ МАЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади. Ўқув хонасининг тозалигини текширади, хонани кўргазмали қуроллар, техник-ахборот воситалар билан жиҳозланиши, ўқитиладиган мавзуга мослигига эътибор беради. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларнинг тайёргарлиги (китоб, дафтари, ручка каби ўқув қуроллари ва кийиниши)ни текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи ўтилган дарсда олинган билимларни аниқлайди, сўнг янги мавзу номини айтади ва дарс ўтиш режаси, дарснинг мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни доскага ёзиб қўяди. Оқитувчи ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга тайёрлаши керак. Ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқа маълумотлар беради.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўқувчиларнинг она тили ва адабиёти фанидан ўтилган мавзу бўйича олган билимини текшириш мақсадида бошланғич назорат синови ўтказади. (тестлар илова қилинади.)

Фан бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражасини изоҳлайди ва ўқувчиларни ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб ёдошади.

Ўқитувчи мавзунини умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилаб тушунтиради. Ўқувчиларни баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади.

4. Янги мавзунини тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг фан ҳақидаги тасаввур даражасини билиб олиш мақсадида ўқув дастурига асосланиб фронтал саволлар беради.

1. Нутқ маданияти деганда нимани тушунаси?

2. Чиройли гапириш учун нималарга амал қилиш керак деб ҳисоблайсиз?

Жавобга қараб ўқувчиларга керакли билим доираси бўйича мавзунини тушунтиради ва ўқувчилар маърузанинг асосий қисмларини дафтарга ёзиб оладилар. Оқитувчи янги мавзунини тушунтиришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар ҳамкорлигида уларнинг фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлайди.

5. Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

Фронтал саволлар:

1. “Нутқ маданияти” фанининг асосий мақсадини айтинг.

2. Тилнинг ижтимоий аҳамияти нимада?

6. Дарснинг якуни:

Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига жавоб беради. Дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб, ўқувчилар билимини баҳолайди баҳоларни изоҳлайди ҳамда дарсни якунлайди.

7. Уйга вазифа: С.А.Каримов, Ш.М.Маҳматмуродов, О.Н.Каримова. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Тошкент -- «Ўқитувчи» -- 2003 й. 4- 9 бетлар.

Дарснинг технологик харитаси

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	технология		
				Метод	Шакл	Восита

1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва технологик харита тузиш Кичик гуруҳларни шакллантириш ва уларга топшириқлар бериш. Мақсад: ўқувчилар билимини чуқурлаштириш, янги мавзунини ўзлаштириш	Ўқувчилар дарсга кирмасдан олдин махсус белгиларни қўйиб, ўша қўғозчада кўрсатилган гуруҳга бориб ўтиради.	Интерфакс	Гуруҳларни шакллантириш	Таксимлаш қўғозчалари,
2	Мавзуга кириш 5 дақиқа	Дарсни бошланишидан олдин ўқувчилар билан танишади. Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини эълон қилади.	Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини дафтарига белгилаб олади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг фикрларини ёзади.	Мавзу	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, расмий ва шахсий хат ёзилган кўргазма доска, бўр
3	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш 20 дақиқа	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш учун 1. Фронтал саволлар 2. Уйга вазифани сўраш	Ўқувчилар савол ва тарқатма материалларга жавоб беришади. уйга вазифани тақдим қилишади.	Аъанавий усул, Мустақил иш усули ва тест усули	Гуруҳчалар	Турли саволликлар Тарқатма материаллар Доска ва бўр, тест Кўргазма Ўқув дафтарлари
4	Янги мавзунинг баёни 40-дақиқа	Янги мавзу юзасида фронтал саволлар беради, сўнг жавоб ва қараб янги мавзунинг баён қилинади. Мавзунинг баён қилишда кўргазмадаги матнларни таҳлил қилиб беради.	Саволларга жавоб беришади, Мавзуга оид маълумотларни ёзиб олишади. кўргазмадаги матнлар таҳлилинини кузатишади.	Ноанъанавий. “Музёра” усули, Муаммоли маъруза	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, мавзу Бўйича ёзилган материаллар Доска ва бўр
5	Тақдимот 15 дақиқа	Саволлар беради ва кичик гуруҳларда бажарилган ишларни эшитишади, камчиликларни тузатади.	Фронтал саволларга жавоб беришади. Гуруҳ сардорлари жавобни матнининг тақдим қилади.	Муҳокама ва мустақил ишлаш	Гуруҳчалар	Дафтар, матн намуналари Доска ва бўр. Баҳолаш мезонининг варағи.
6	Баҳолаш 3 дақиқа	Кичик гуруҳларга берилган топшириқлар ва	Гуруҳчалар бир-бирларининг Баҳолайдилар.	Мунозар	Гуруҳчалар	Доска, бўр, кўргазмали қуроллар

		саволлар натижаларини умумлаштиради. Қайси гуруҳ ғолиб эканлигини эълон қилади.	Жаволларнинг тўғисини ёзиб олади			тарқатмалар
7	Умумлаш- тириш 2 дақиқа	Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Тинглайдилар. Умумлаштири- ш бўйича ўз фикрларини билдирадилар.	Сунбат- мулоҳаза	Гуруҳчала- р	Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга яқун яшаш 3 дақиқа	Дарсни яқунлайди. Уйга вазифа беради Ўқув адабиёти: С.А.Каримов ва б. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т. 2003 й. 188 - 191бетлар.	Тинглайдилар. Топшириқлар ўқув адабиётлар номини ёзиб оладилар.	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар Дафтарлар Доска ва бўр

МАВЗУ: Кириш.Тилнинг ижтимоий моҳияти

РЕЖА:

1. Фаннинг мақсад ва вазифалари.
2. Тил – алоқа воситаси.
3. Тил ва тафаккур.
4. Тил ва нутқ.

Таянч сўз ва ибора: фаннинг мақсади, предмети, тил, тафаккур, нутқ, алоқа воситаси, сўзлашув жараёни, тафаккур қонуниятлари, тил воситалари, коммуникатив, аккумулятив, ижтимоий ҳодиса, табиий инстинкт, фикрнинг моддийлашуви.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош ғояларидан бири ҳар томонлама етук мутахассисларни тарбиялаш ва тайёрлашдан иборатдир. Бу эса нутқ маданиятини тўла эгаллаш, маданий нутқ тузиш малакасига эга бўлишни тақозо этади. Малака бўлмас экан, намунали нутқ тузиб бўлмайди. Бу эса доимий ва изчил машқларни, доимий фаолиятни талаб этади. Шунинг учун ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълимида тизимига “Нутқ маданияти” фани киритилган.

“Нутқ маданияти” сўз бирикмасининг луғвий маъноси икки сўзга боғлиқдир. “Нутқ” сўзи арабча-ўзбекча сўз бўлиб, “фикрни сўз орқали ифодалаш қобилияти, маҳорати, амалдаги тил, сўзлашув жараёнидаги сўз” деган маънони билдиради. “Маданият” сўзи ҳам арабча-ўзбекча бўлиб, ўқимишлилик, зиёилик, тарбия кўрган каби маъноларни англатади. Демак, “нутқ маданияти” атамаси сўзлашув жараёнида чиройли сўзлашиш, фикрни аниқ, тушунарли ва таъсирли қилиб баён этиш кай маъноларни ахглатади.

“Нутқ маданияти” фани эса ўқувчиларнинг нутқий саводхонлиги ошириш, уларга намунали нутқ тузишни ўргатиш, маданиятли нутқ малакасини шакллантириш каби мақсадларни амалга оширади. Бунинг учун фан ўз олдига турли вазифаларни қўйган. Улар билан дарсларимиз жараёнида танишиб борамиз. Шулардан бири тилнинг ижтимоий моҳияти, тил ва тафаккур, тил ва нутқ муносабатларидир.

Бундан ташқари “Нутқ маданияти ва давлат тилида иш уйритиш” фани ижтимоий-

гуманитар фанлар она тили ва адабиёти, хорий тиллар, тарих, фалсафа, манавият асослари, коммуникация асослари, шахс ва жамият, ҳуқуқшунослик, миллий истиқлол ғояси каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Мазкур фан энг аввало она тили ва адабиёти, рус тили, инглиз тили, маънавият асослари, коммуникация асослари фанларини ҳам яхши лозим талаб этади.

Нутқ маданиятнинг асосини тил ташкил этади. Кишилар ўзаро алоқада турли тил воситалардан фойдаланадилар. Бунга тил ва тил бирликлри, турли имо-ишора, қўл алифбоси, кўрлар алифбоси, морзе алифбоси, йўл қоидалари белгилари, байроқ ва ракета орқали амалгам ошириладиган сингналлар, математик, химик, физик рамзлар каби алоқа воситалари киради. Лекин буларнинг қўлланиш доираси чегараланган бўлиб, тилдан кескин фарқ қилади. Тил фаолиятининг кенглиги, ҳамма соҳада ҳам баробар фойдаланиш имконияти борлиги, қулайлиги билан алоқа воситалари ичида ажралиб туради. Демак тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир. Тил оддий алоқа воситасигина эмас. Тил – алоқанинг кишилиқ шаклидир. Одамлардан бошқа жонзотлар муомаласида тил воситасидан фойдаланилмайди. Тил фақат кишиларга хос бўлиб, у фақат кишилар алоқаси учун хизмат қилади. Аслида тилкишилиқ жамияти томонидан ўзаро алоқага киришиш эҳтиёжи натижасида яратилган. Тилнинг ижтимоий табиати унинг айрим шахслар эмас, балки жамият мавжудлигини тақазо этади. Яъни тил бўлиши учун кишилиқ жамияти бўлиши шарт. Масалан, бола одамлардан алоҳида ҳолда яшаса, унга тилга эҳтиёж бўлмайди. У ўз муносабатини ҳайваноний инстинктлар ёрдамида ифодадлаши мумкин. Аммо, сўзловмайди. Бунга тарихда мисоллар кўп.

1920 йилда Ҳиндистонда овчилар бир яда икки бўри боласи ва икки қизчага дуч келадилар. Қизлар ўзларини бўри сифат тутардилар. Гапиришни билмасдилар. Уларда табиий ҳодисалар – овқатланиш, нафас олиш, ривожланиш кабилар кузатилган, аммо ижтимоий ҳодиса, яъни тил ривожланмаган. Уларни “ижтимоийлаштириш” жараёни қийин кечган. Шунда ҳам улар яхши фикр юритмаганлар ва тўрт йил давомида атига 50 та сўзни ўрганганлар ҳолос.

Тилнинг ижтимоий ҳодис эканлигига бошқа мисол келтирсак, одамнинг қайси тилда қандай гаплашиши унинг муҳитига боғлиқ. Агар боланинг ота-онаси ўзбек бўл туриб, уни инглиз ёки араб тилида гаплашувчи муҳитда тарбияланса, у ўзбек тилини билмайди ва инглиз ёки араб тилида гаплашувчи бўлиб вояга етади. Демак, тил наслдан наслга ўтмайди, балки у кишилиқ жамияти маҳсули, ижтимоий ҳодисадир.

Тилнинг белгилари уни алоқанинг бошқа воситаларидан фарқлаш ва ижтимоий ҳодиса сифатида баҳолаш имконини беради. Умуман олганда, тил кишилиқ алоқасининг муҳим воситаси сифатида жамият билан, унинг маданияти, турмуши ва меҳнат фаолиятида кенг ўрин тутди. Кишилар ўзаро алоқада ўз фикрларини, истакларини, сезги ва руҳий кечунмаларини ифода қилиб, бир-бирларига таъсир қиладилар, бир-бирларини тушунадилар. Тилнинг жамиятдаги алоқа курули вазифасини бажариши унинг коммуникатив функциясин дейилади. Бу тилнинг ижтимоий функциясидир. Бундан ташқари тил эппрессив ва аккумулятив функцияни ҳам бажаради.

Тилнинг маълум информация ифода қилиб, суҳбатдошга таъсир кўрсатиш унинг эппрессив функцияси ҳисобланади. Хабар, сезги ва ҳис-туйғу, хоҳиш ифода қилиш биргаликда тилнинг эппрессивга киради. Бунда турли тил воситаларидан, масалан, риторик сўроқ, модал сўзлар, Грамматик тартиб кабилардан фойдаланилади.

Тил кишиларнинг алоқа воситасигина бўлмай у миллатлараро тажриба алмашиш, тўпланган билим ва кўникмаларни келажак авлодга етказиш воситаси ҳамдир. Бу тилнинг аккумулятив(лотинча—тўплаш) функцияси ҳисобланади.

Тилнинг функцияларини унинг жамиятдаги киши онги ва фикрлаш қобилияти билан алоқасини аниқламай туриб чуқур англаб бўлмайди.

Тил билан тафаккурнинг муносабати ниҳоят даражада мураккаб процесс бўлиб, уни фалсафа, тилшунослик, психология, физиология каби фанлар ҳам ўрганади. Нутқ маданиятида тафаккур тилнинг ажралмас қисми сифатида олинади.

Киши дунёни кўриш, эшитиш, сезиш, таъм билиш, ҳид билиш, ўрганиш орқали англайди. Ана шу анланган нарсa тафаккур ҳисобланади, лекин у ҳали бизнинг онгимиздан ташқарига чиқмаган. Агар уни баён қилмоқчи бўлсак, тилдан фойдаланамиз ва онгимиздаги анланган тушунча моддийлашади. Хулоса қиладиган, биз дунёни кўриб, тушуниб у ҳақда фикр юрицак бу таффакур ҳисобланади. Оша фикрни кимга изҳор қилсак эса у моддийлашади. Бир сўз билан айтганда, тилнинг асоси онг, тафаккурнинг моддий қобиғи тилдир. Тил бирликларисиз фикр шакланмайди. Бу ҳол фикрни тил нуқтаий назаридан ўрганишни тақазо этади. Демак, тил ва тафаккур чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Лекин тилнинг қонунияти тафаккур қонуниятидан фарқ қиладди. Тафаккур силлогизм, дедуция, инкорни инкор, ҳукм, тушунча каби қонуниятларга эга. Тил эса фонетик, грамматик, синтаксис каби қонуниятларга асосланади. Тил қонунлари билан тафаккур қонунларининг тузилиши ва ривожланиш бир хил эмас. Тил ва тафаккур мураккаб, карама-қаршиликларга бой бўлган диалектик бирлик. Лекин улар бир-бирисиз мавжуд бўлмайди. Инсон объектив борлиқни икки хил йўл билан қабул қиладди: 1) предмет ва ҳодисаларнинг кишининг сезги органларига бевосита таъсири орқали, 2) сўзларнинг таъсири орқали. Биринчи йўл ҳайвонларга ҳам, инсонларга ҳам хосдир, аммо иккинчиси фақат инсонларга хосдир. Иккин йўл инсон фаолийтида тилнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида муҳим маълумот беради. Йъани тафаккурнинг рўёбга чиқишида тилнинг ўрни чециз. Тафаккур тил воситаларисиз амалгам ошмайди.

Тил воситалари эса албатта нутқ орқали бўлади. Тил инсон нутқий фаолиятининг умумий базаси бўлиб, унда алоқа вақтида керак бўлдиған товуш, сўз, ибора, гап каби бирликлар сақланади. Улардан амалда фойдаланиш жараёни нутқ дейиладди. Тил воситалари фойдаланилмай қолиш ҳудуди тил дейиладди. Демак тил алоқа жараёнида керак бўладиган ва жуда қадим замонлардан бери тўпланган воситалар мажмуи, нутқ эса улардан лозим пайтида фойдаланиш жараёнидир. Шунинг учун ҳам “нутқ” сўзнинг маъноси “сўз”, “маъно” деган тушунчаларга тенг.

Умуман олганда тил кишиларнинг ўзаро алоқа воситасидир. Лекин у тафаккурсиз амалгам ошмайди. Шунингдек тил бирликларидан фойдаланиш нутқ дейиладди. Бир-бирига яқин бу тушунчалар бирдек туюлсада, аслида улар алоҳида, ўзига хос тарзда мавжуд бўлади. Уларнинг ўз тараққиёт йўли, ички қонунияти, ривожланиш йўли бор.

Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Фаннинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Нутқ маданияти деганда нимани тушунаиз?
3. Тилнинг ижтимоий моҳияти нимада ?
4. Тил ва тафаккурнинг боғлиқ томонларини айтинг.
5. Тил ва тафаккурнинг фарқлари нимада?
6. Тил ва нутқнинг фарқини биласизми?

2-МАВЗУ: НУТҚ ОДОБИ

1. Дарс тури: Назарий
2. Дарс вақти: 80 дақиқа.
3. Дарс типи: Янги мавзунини ўзлаштириш.
4. Дарсда қўлланиладиган усуллар: Ноанъанавий ўқитиш усуллари, инновацион технология асосида «Ақлий ҳужум», «Мустақил иш», «Гуруҳчалар» усуллари.
5. Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:
 - оғзаки.
 - тест саволлари.
 - муаммоли саволлар.
 - Мустақил иш
6. Дарс мақсадлари:

А. Таълимий мақсад:

- маданий нутқнинг асосий белгилари нимадан иборат эканлиги ҳақида билиш;
- нутқ одоби ва нутқнинг хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- Ўзаро муомалада объектив муносабатни ифодалаш кўникмасини шакллантириш.
- Адабий тил меъёрларини билиш;
- тил нормаларининг қандай шаклларда намоён бўлишини ўргатиш.

Б. Тарбиявий мақсади:

- миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурани ўқувчилар онгида шакллантириш.
- мутахассисликка қизиқишини масъулият ҳиссиётларини шакллантириш.
- ўқувчиларда инсонпарварлик, меҳр-шафқат туйғуларини шакллантириш.
- коммуникациявий ва маънавий жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.
- мавзуларни ўрганиш борасида маънавий баркамол мутахассисларни тарбиялаш.

В. Ривожлантирувчи мақсад:

- ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш.
- ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш.
- мавзуни ўрганиш борасида ўқувчиларни ижодий ёндашишга йўллаш.
- ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва мустақил мулоҳаза юритишни шакллантириш.
- ўқувчиларни мантикий фикрларини ривожлантириш.
- ўқувчиларда давлат тилига нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш.

7. Дарсни ўтказиш жойи: факултетнинг ўқув хонаси.**8. Дарснинг дидактикаси (интеграция).****А. Фандаги мавзулараро боғланиш:**

Мавзу: Нутқий асосий хусусиятлари.

Б. Фанлараро боғланиш:

И. Маънавият асослари. Мавзу: Инсон маънавиятининг ботиний белгилари.

В. Ҳаёт билан боғлаш:

– ҳаётда учрайдиган ҳамширанининг одоби, ширин сўзи билан боғлиқ воқеалар билан боғлаш.

9. Керакли билимлар доираси:

- ўзаро муомалада объектив муносабатни ифодалаш кўникмасини шакллантириш.
- адабий тил нормалари кўникмасига эга бўлиш.
- тил нормаларининг қандай шаклларда намоён бўлишини ўргатиш.

10. Дарсни жихозлаш: кўргазмалар, куруллар, тарқатма материаллар, “Бобур” видеофилмидан парча, телевизор, видеомагнитофон, кодоскоп, слайд.**Дарсни хронологик харитаси**

№	Дарснинг таркибий қисмлари	Вақт
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа
5	Янги мавзуни мустаҳкамлаш	7 дақиқа
6	Дарснинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

11. Ўқитувчи учун адабиётлар:

- А. Асосий:** 1. Мўминов С., Мамажонов М. . Нутқ маданияти. Маъруза матнлари.
2. Мўминов С., Нурмонова Д., Каримова О. Нутқ маданияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.
3. Қўнғуров Р., Бегматов Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992 .

- 4.Каримов С.А., Махматмуродов Ш.М., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2003 .
5. Махмудова Н., Рафиев А., Йўлдошев И.. Давлат тилида иш юритиш. Академик лцейлар учун дарслик. – Т.: ШАРҚ НМАК Бош таҳририяти. 2004.
6. Аминов М. ва б. Иш юритиш. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси,2000.

Б. Қўшимча:

1. Қудратов Т. Нутқ маданиятлари асослари. – Т. : Ўқитувчи. 1993 .
2. Тожиев Ё., Ҳасанова Ҳ., Саидова Р. Нутқ маданиятлари ва услубият сослари. – Т.: Ўқитувчи, 1998.
3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. 1991 йил.
4. Солижонов Й. НУТҚ ВА УСЛУБ. - Т.: ЧЎЛПОН, 2002 .

ДАРС БОСҚИЧИНИНГ МАЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади, ўқув хонасининг тозаллигини текширади, Хонани кўргазмалар куруллар билан жиҳозланиши, ўтиладиган мавзуга мослигига эътибор беради. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларни машғулотга тайёргарлигини (иш жойи, ташқи кўриниши, китоб, дафтари) текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи ўтиладиган янги мавзу номи, дарс ўтиш режаси, мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни доскага ёзиб қўяди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга тайёрлаши керак. Ўтилган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқа маълумотлар беради.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўтилган машғулот мавзуси мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг билимларини аввал фронтал саволлар билан текширади.

Фронтал савол ва мустақил иш

1. Нутқнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.
2. Нутқнинг асосий хусусиятларига амал қилган ҳолда кичикроқ матн тузинг ва уни таҳлил қилинг.

Ўтилган мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш даражасини изоҳлайди ва ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб йўналтиради. Ўқитувчи ўтилган мавзунини умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилаб тушунтиради. Мавзунинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаган қисмларини қисқача сўзлаб беради.

4. Янги мавзунини тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқув дастурига асосланиб, ўқувчиларга керакли билим доираси бўйича мавзунини тушунтиради ва ўқувчилар маълумоти асосий қисмларини дафтарга ёзиб оладилар. Ўқитувчи янги мавзунини тушуниришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар ҳамкорлигида уларни фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлаши керак.

5. Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

1. Нутқ одоби деганда нималарни тушунаси?
2. Саломлашиш қоидаларини биласизми?
3. Телефонда сўзлашганда нималарга эътибор бериш керак?
4. “Тилга эътибор — элга эъфибор” иборасини шарҳланг.

6. Дарснинг якуни:

- Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича тушунмаган саволларга жавоб беради, дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб, ўқувчилар билимини баҳолайди ва дарсни якунлайди.

6. Уйга вазифа. Қ.Йўлчиев, А.Йўлчиева. . Нутқ маданияти. Маъруза матнлари. 27-30 бетлар.

Дарснинг технологик харитаси

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	технология		
				Метод	Шакл	Восита
1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва технологик харита тузиш Кичик гуруҳларни шакллантириш ва уларга топшириқлар бериш. Мақсад: ўқувчилар билимини чуқурлаштириш, янги мавзунини ўзлаштириш	Ўқувчилар дарсга кирмасдан олдин махсус белгиланган коғозларни олиб, ўша коғозда кўрсатилган гуруҳга бориб ўтиради.	Интерфакс	Гуруҳларни шакллантириш	Таксимлаш коғозчалари,
2	Мавзуга кириш 5 дақиқа	Дарсни бошланишидан олдин ўқувчилар билан танишади. Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини эълон қилади.	Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини дафтарига белгилаб олади. Ҳар бир ўқувчининг фикрларини ёзади.	Мавзу	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, расмий ва шахсий хат ёзилган кўргазма доска, бўр
3	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш 20 дақиқа	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш учун 1. Фронтал саволлар 2. Уйга вазифани сўраш	Ўқувчилар савол ва тарқатма материалларга жавоб беришади. уйга вазифани тақдим қилишади.	Аъанавий усул, Мустақил иш усули ва тест усули	Гуруҳчалар	Тарқатма материаллар Доска ва бўр, тест Кўргазма Ўқув дафтарлари
4	Янги мавзунинг баёни 40-дақиқа	Янги мавзу юзасида фронтал саволлар беради, сўнг жавоб ва қараб янги мавзунинг қилинади. Мавзунинг баён	Саволларга жавоб беришади, Мавзуга оид маълумотларни ёзиб олишади.	Ноанъанавий. “мустақил иш.” усули, Муаммо	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, видеофилм, мавзу бўйича ёзилган

		қилишда кўргазма даги матнларни таҳлил қилиб беради.	кўргазма даги матнлар таҳлилни кузатишади.	ли маъруза		материаллар Доска ва бўр
5	Янги мавзуни мустаҳкамлаш 7 дақиқа	Саволлар беради ва кичик гуруҳларда бажарилган ишларни эшитади, камчиликларни тuzатади.	Фронтал саволларга жавоб беришади. Гуруҳ сардорлари жавобни матнини тақдим қилади.	Муҳокама ва мустақил ишлаш	Гуруҳчалар	Дафтар, матн намуналари Доска ва бўр. Баҳолаш мезонини варағи.
6	Дарснинг якуни 3 дақиқа Уйга вазифа	Кичик гуруҳларга берилган топшириқлар ва саволлар натижаларини умумлаштиради. Қайси гуруҳ ғолиб эканлигини эълон қилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Гуруҳчалар бир-бирларини Баҳолайдилар. Жаволларнинг тўғисини ёзиб олади Тинглайдилар. Умумлаштириш бўйича ўз фикрларини билдирадилар.	Мунозара Сунбат-мулоҳаза	Гуруҳчалар	Доска, бўр, кўргазмали куроллар тарқатмалар Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга якун яшаш 3 дақиқа	Дарсни якунлайди. Уйга вазифа беради: Қ.Йўлчиев, А.Йўлчиева. . Нутқ маданияти. Маъруза матнлари. 27-30 бетлар.	Тинглайдилар. Топшириқлар ўқув адабиётлар номини ёзиб оладилар.	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар Дафтарлар Доска ва бўр

МАВЗУ: НУТҚ ОДОБИ

РЕЖА:

1. Нутқ одоби ҳақида.
2. Саломлашиш одоби.
3. Сўзлашиш одоби.
4. Донишмандлар нутқ одоби ҳақида.

Таянч сўз ва ибора: нутқ одоби, саломлашиш қоидалари, самимийлик, очиқ чехра, ҳушмуомала.

Инсоннинг ҳулқ–одоби, аввало унинг бошқа кишиларга бўлган муносабатида кўзга ташланади. Одоби, ширинсўз, ҳушмуомала кишилар одамларга нисбатан эътиборли ва сезгир бўладилар. Шунинг учун ота-боболаримиз нутқ одобига алоҳида эътибор беришган.

“Нутқ одоби” атама сифатида сўзлашиш, суҳбат одоби деган маънони билдиради. Сўзлашиш эса саломдан бошланади. Ҳалқимизда «Суҳандонлик саломдан, иш интизомдан бошланади» деган ҳикматли ибора бор. Дарҳақиқат, салом билан бошланган суҳбат, ёмон ниятни қайтариб ёпиқ эшикларни очар ва нифокни йўкотар экан.

“Ҳа, “Ассалому алайкум” каломининг қудрати шу қадар буюкки, буни англаб етиш учун унинг маъносидан боҳабар бўлмоғимиз лозим. Бу жумла аслида “Ас-салом алайкум” шаклида, яъни, “ас” ажратиб ёзилиши керак. Лекин бу сўзни қабул қилган кўпчилик халқларда қулайлик учун қизикчасиз “ассалом” шаклида қўшиб ёзиш одат тусига кириб кетган. “Салом” сўзи арабча “салима”—ҳозирги-келаси замон шакли “ясламу” феълидан олинган бўлиб, “саломатлик, тинчлик, ҳавф-хатарсиз, нуқсонсизлик, поклик, осойишталик, ҳалос бўлиш, итоаткорлик, бўсуниш, нажот топиш” каби қатор маъноларни билдиради.

“Алайкум” каломи ҳам икки қисмдан иборат. Биринчиси арабча “ала” кўмакчиси, яъни олд қўшимча бўлиб, ўзбек тилидаги “га” жўналиш келишигига тўғри келади. “Алайкум”нинг иккинчи қисми “кум” эса иккинчи шахс кўплик “сиз”ни билдиради. Шундай қилиб, “Ассалому алайкум” сўзи “Сизга саломатлик, тинчлик ва осойишталик бўлсин” маъносида ишлатилиб келинмоқда.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, араблар Исломгача даврда ниҳоятда ўжар, уришқоқ халқ бўлган. Бир қабила иккинчи қабила билан битта эркак қолмагунча уришиб, бир-бирини қирғин қилган пайтлар ҳам бўлган. Шу боисдан бўлса керак, арабларда тинчлик, осойишталик доимо биринчи ўринда турган ва кейинчалик улар “Ассалому алайкум” сўзини қабул қилиб, бир-бирини кўрганда шу сўз ёрдамида мурожаат қилишган...

Саломлашишнинг аҳамияти ҳақида ҳиндларда шундай нақл бор: “Битта салом билан бешта нарсаси—ўзини енгил сезиш, шон-шухрат топиш, қут-баракали, илмли бўлиш ва ниҳоят узоқ умр кўришга эришилади”. Бунинг ёрқин мисолини ўзбек халқ эртақларидаги девлар ҳузурига келган кишиларга «Ғар саломинг бўлмаганда, икки ямлаб бир ютардим», дея афв этиш ҳолларида ҳам кўрамыз.

Ҳа, саломда гап кўп. Аммо саломлашиш, салом беришнинг ўзига яраша қонун-қоидалари бор.

Аввало ҳар бир муслим ва муслума саломлашиш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини яхҳси англаб етмоғи лозим. Чунки “Сўз боши—салом” деганларидек, суҳбатдошлар мулоқоти “ассалому алайкум”, “ваалайкум салом” жумлалари билан бошланади. Бу суҳбатдошларнинг таниш ёки нотанишлигидан қатъи назар, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром белгиси ҳисобланади”.

Ҳадиси шарифда: Учрашганда қайси бирларингиз биринчи бўлиб салом берсангиз, ўша одам тангрига итоатлироқдир, дейилган. Ким олдин — салом берса, савоб, олижаноблик, улуғлик унинг томонида бўлади. Салом-алик одамийлик белгиси эканлиги халқ мақоллари, ҳикоят, ривоят, эртақ, дostonларда ўз ақини топган. Масалан, “Аввал салом, кейин калом”, “Одобнинг боши—тил”, “Қаттанинг ҳурмати—қарз, Кичикка салом—фарз”, “Салом—қаттадан, Алик—нуқтадан”, “Одобилик белгиси—егилиб салом бергани, Яқинлиқнинг белгиси—келиб-кетиб тургани” каби мақоллар шулар жумласидандир.

Сўзлашув — икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро фикр олишуви бўлиб, жамиятнинг барча аъзолари иштирок этиши мумкин бўлган жараёндир. Одамлар орасидаги алоқани боғлайдиган ип сўзлашувдир. Агар ўша ип мустаҳкам бўлса, жамият тараққиёти ҳам, жамият аъзоларининг ҳаёти ҳам яхши болади. Шунинг учун ҳам ота — боболаримиз сўзлашув одобига алоҳида аҳамият берганлар, тилдан, тилнинг маҳсули бўлган сўздан одоб билан фойдаланганлар.

Инсон эзгуликка, буюк мақсадларга эришишда, дўсту ёрларини бисёр этишда, ҳар қандай мураккаб муаммоларни ижобий ҳал қилишда ширинсуҳан бўлиши катта аҳамиятга эга. Шуринсуҳанлик — инсон қалб мулкининг дури гавҳари. Шундай ҳислатлар билан ҳазрати Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Абдуқодир Бедиллар халқлар ўртасидаги низоларни бартараф — этиб, уларни яқдил қилганликларидан тарих шохидлик беради.

Сўз—қудратли куч. Ундан ўринли фойдаланиш эзгулик сари, ноўрин фойдаланиш эса ёмонлик сари олиб боради. Кичик бир оиланинг тинч бўлиши ҳам, бутун ер қуррасининг тинчлиги ҳам сўзсинг қудратига боғлиқ. Кишилар ноаҳил бўлсалар уйдан ҳам, юртдан ҳам барака кўтарилади. Уруш-жанжал бошланади.

Сўзлашув одобига риоя қилиш кўникмасини киши дастлаб оилада олади. Чунки, боланинг тили чиқиб, у дастлаб оила аъзолари билан, сўнгра бошқалар билан сўзлаша бошлайди. Ясли, боғча, мактаб ва бошқа тарбия даргоҳларида тарбия давом эттирилади, келгуси ҳаётга тайёрланади.

Сўзлашув одоби ўзгалар билан муомалада синалади. Сўзлашув одобининг энг муҳим омили эса тилдир. Тил воситасидагина сўзлашув жараёни давом этади. Бу жараённинг натижаси тилдан қандай фойдаланишга боғлиқ. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий:

“Оғзига келганни демак нодоннинг иши,
Олдига келганни емак ҳайвоннинг иши”,

деган экан. Асрлар оша синалган бу фикр сўзлашувчилар учун ўта муҳимдир. Сўзлашув чоғида етти ўлчаб бир кесмоқ, яъни ҳар бир сўзни ўйлаб кейин гапирмоқ керак.

Сўзлашув одоби ҳақида гап кетганда бир-бирига боғлиқ бўлган қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш керак. Булар—сўз меъёри, тинглаш одоби, суҳбатдошлар шахси. Сўз меъёрига эътибор берилмаса, суҳбатдошини зериктиради, ҳафсаласини пир қилади. Кўп гап қадрсиз бўлиб, сўзловчининг ҳам қадрини кетказди. Оз ва мазмунли сўзлаш, айтиш чоғида сўзларни бузмасдан тиниқ талаффуз қилиш лозим, ўқувчилар орасида ҳам, катталар орасида ҳам турли миллат сўзларини аралаштириб гапирадиган, ўзбекча сўзларни тартибсиз ишлатадиганлар учраб туради. Ўзбекистонимиз мустақилликни қўлга киритди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Энди тилимизга доғ туширишга, сўзларни бузиб талаффуз қилишларга чек қўйиладиган давр келди. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов «Нутқ ҳақида» шеърида Ўткир номли ўқувчининг нутқи ҳақида қуйидагиларни ёзади:

Ҳар сўзида “бу”, “ану”,
“Ҳалиги”, “сўнг”, “анақа”.
“Бу-бу” дейди, нима бу?
“Анақаси” қанақа?
Гоҳи қовушмай сўзи
Гапидан тўхтаб қолса,
Яхши билса ҳам ўзи
Зўрғагина “З” олса,
Ўзингиз ўйлаб кўринг
Нима бу, қанақаси
Қачон қолар Ўткирнинг
“Нима”, бу “анақаси”.

Ўткирга ўхшаган ўқувчилар сўзлашув одобига риоя этиши, давлат аҳамиятига эга бўлган тилимизни севмоғи ва ҳурмат қилмоғи лозим.

Нутқ одобига амал қилиш мақбул ҳислатдир. Ҳамислиа чиройли, очиқ ва мазмундор сўзлашга интилиш лозим. Бу ҳақда бобокалонларимизнинг қуйидагича насихат қилишади:

Сўз—мўжиза, уни тўғри ёзиш, тўғри талаффуз қилиш ва ундан яхшилик учун фойдаланиш доно кишининг иши. Абу Райҳон Беруний.

Шундай бўладикки, уларни фақат сўз билан даволамоқ зарур. Абу Али Ибн Сино.

Сўнгини тийиб юр, бошинг ёрмасин.

Тилингини тийиб тур, тишинг синмасин. Юсуф Хос Ҳожиб.

Ортиқ сўздан асло бўларми фойда,

Зиёндан бўлак йўқ, сўз ортиқ жойда. Юсуф Хос Ҳожиб.

Киши сўз туфайли бўлади малик,

Ортиқ сўз бу бошни этади эгик. Юсуф Хос Ҳожиб.

Кўнгул маҳзанининг қулфи тил

Ва ул маҳзаннинг калидин сўз бил. А.Навоий.

Ақлли киши бир масала ҳақида сўзламоқчи бўлса, у масаланинг моҳиятидан яхши ҳабардор бўлиши ва нима демоқчи эканини ўйлаб, очик, мазмундор сўзлайди. Жоҳил одам эса хатто ўзи нима деяётганини тушунмайди, нима демоқчи эканини ҳам яхши англата олмайди.

Агар бир одамнинг камчилигини сезиб, унга насихат қилмоқчи бўлсанг, аввал унинг табиатини, руҳий ҳолатини яхши билиб олиб, сўнг насихат қил. Агар у нодон бўлса, қилган насихатинг бекор кетади.

Кишиларга айтадиган сўзингни ямшоқлик, мулойимлик билан айт, одамлар сўзлаган сўзингдан сенинг ким эканингни, мартабанг ва даражангни билиб олишади. Чунки, кишининг ким экани, даражаси сўзидан билинади, ҳар кишининг феъл-атвори сўз остида пинҳондир. Бир ҳил фикрни икки ҳил ибора билан ифодалаш мумкин. Бирини айтганда дил ҳира торца, иккинчисида эса кўнгил таскин топади. Сўзга эпчил, нотик, суҳангўй одам сўзини қайси ибора билан айтишни билади.

Кишилиқ жамиятида сўзнинг ўрни, сўзлаш ва қандай сўзлаш жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ота – боболар ана шунинг учун ҳам ўзларининг кўплаб мақоллари орқали авлодларга сўзлаш одоби юзасидан қимматли маслаҳатлар, насихатлар айтиб қолдиришган: «Таом лаззати–ўзида, одам лаззати–сўзида», «Юзинг чиройли бўлгунча, сўзинг чиройли бўлсин», «Куч эгмаганни сўз эгар», «Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади». Модомики шундай экан, ёмон гапни–гапиргандан кўра, сукут сақлаган маъкул. Чунки, токи яхши гапни гапирган маъкулдир.

Ҳалқимизда «Дилдаги сўз тилга чиқади», деган ибора ҳам бежиз айтилмаган. Айниқса, шифокорларга, тарбиячиларга, ота – оналарга бу ҳислатлар – сув билан ҳаводек зарур. Чунки шифокорнинг беморга ёқимли муомаласи буюрган дориси билан биргалашиб ижобий таъсир қилади. Тарбиячилар билан ота – оналар ёшларни ҳар томонлама камол топтириши, миллий урф – одатларимизни қадрлайдиган ва уни давом эттирадиган инсонларни етиштириш масъулияти борлигини унутмасликлари керак.

Одамнинг сўзи ўзига ҳам дўст, ҳам душмандир. Ҳикоя қилишларича, қадим замонда бир юрт подсахси туш кўради. Тушида ўттиз иккита тишидан ўттиз биттаси суғуриллб, биттаси қўлган экан. Шоҳ бу ҳолдан ҳайрон бўлиб, тонгда таъбирчини ҳузурига чақиртириб, кўрган тушуни баён қилиб берибди.

Таъбирчи шундай жавоб берибди: «Шоҳим, ҳамма бола – чақангиз, кариндошларингиз ўлиб, битта ўзингиз қолар экансиз».

Шоҳ бу гапдан ғазабланиб таъбирчини зиндонга ташлашни буюрибди.

Бошқа таъбирчини ҳузурига келтириб, ҳеч нарса бўлмагандек, кўрган тушининг таъбирини сўраганда: «Шоҳим, ҳамма ҳеш – ақрабларингиз ичида энг умри боқийси, узоқ яшайдигани сиз экансиз», деб таъбир қилибди. Шоҳ бундай ёқимли гаплардан хурсанд бўлиб, унинг шаънига зиёфат бериб, уни совға –саломлар билан саройдан кузатган экан.

Хуллас, нутқ одоби кишининг зийнати, одамни одамийлигини билдирувчи энг олий фазилат. Шунинг учун сўзлашганда одоб доирасидан чиқмасдан сўзлашишни ёддан чиқармаслигимиз керак.

Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Нутқ одоби деганда нималарни тушунаси?
2. Саломлашиш қоидаларини биласизми?
3. Телефонда сўзлашганда нималарга эътибор бериш керак?
4. “Тилга эътибор — элга эъфибор” иборасини шарҳланг.
5. Саломлашиш ва сўзлашув одоби ҳақидаги ҳадиси шарифлардан намуналар келтиринг.
6. «Дилозордан –худо безор» ҳикматини шарҳланг.

7. Гурундошларингиз ўртасидаги ўзаро муносабат сизга ёқадими? Нима учун эканлигини изоҳланг.
8. Ёқмаса, бунинг ҳам сабабларини аниқ мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

3-МАВЗУ: НУТҚИЙ МУОМАЛА ШАКЛЛАРИ

- 3. 2. Дарс тури:** Назарий
- 3. Дарс вақти:** 80 дақиқа.
- 4. Дарс типи:** Янги мавзунини ўзлаштириш.
- 5. Дарсда қўлланиладиган усуллар:** Ноанъанавий ўқитиш усуллари, инновацион технология асосида “Ақлий ҳужум”, “Мустақил иш”, “Гуруҳчалар” усуллари.
- 6. Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:**
 - оғзаки.
 - тест саволлари.
 - муаммоли саволлар.
 - мустақил иш
- 7. Дарс мақсадлари:**
 - А. Таълимий мақсад:**
 - маданий нутқнинг асосий белгилари нимадан иборат эканлиги ҳақида билиш;
 - нутқ одоби ва нутқнинг хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик ҳақида тушунчага эга бўлиш;
 - ўзаро муомалада обектив муносабатни ифодалаш кўникмасини шакллантириш;
 - адабий тил меъёрларини билиш;
 - тил нормаларининг қандай шаклларда намоён бўлишини ўргатиш;
 - Б. Тарбиявий мақсад:**
 - миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурани ўқувчилар онгида шакллантириш.
 - мутахассисликка қизиқишини масъулият ҳиссиётларини шакллантириш.
 - ўқувчиларда инсонпарварлик, меҳр-шавқат туйғуларини шакллантириш.
 - коммуникациявий ва маънавий жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.
 - мавзуларни ўрганиш борасида маънавий баркамол мутахассисларни тарбиялаш.
 - В. Ривожлантирувчи мақсад:**
 - ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш.
 - ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш.
 - мавзунини ўрганиш борасида ўқувчиларни ижодий ёндашишга йўллаш.
 - ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва мустақил мулоҳаза юритишни шакллантириш.
 - ўқувчиларнинг мантиқий фикрларини ривожлантириш.
 - ўқувчиларда давлат тилига нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш.
- 8. Дарсни ўтказиш жойи:** факултетнинг ўқув хонаси.
- 9. Дарснинг дидактикаси (интеграция).**
 - А. Фандаги мавзулараро боғланиш:**

Мавзу: Нутқнинг асосий хусусиятлари.
 - Б. Фанлараро боғланиш:**

И. Маънавий асослари. Мавзу: Инсон маънавиятининг ботиний белгилари.
 - В. Ҳаёт билан боғлаш:**

– ҳамширанинг одоби, ширин сўзи билан боғлиқ воқеаларга боғлаш.
- 10. Керакли билимлар доираси:**
 - ўзаро муомалада обектив муносабатни ифодалаш кўникмасини шакллантириш.
 - адабий тил нормалари кўникмасига эга бўлиш.
 - тил нормаларининг қандай шаклларда намоён бўлишини ўргатиш.
- 11. Дарсни жихозлаш:** кўргазмалар, куруллар, тарқатма материаллар, “Бобур” видеофилмидан парча, телевизор, видеомагнитофон, кодоскоп, слайд.

Дарсни хронологик харитаси

№	Дарснинг таркибий қисмлари	Вақт
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа
5	Янги мавзунинг мустаҳкамлаш	7 дақиқа
6	Дарснинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

13. Ўқитувчи учун адабиётлар:

- А. Асосий:** 1. Мўминов С., Мамажонов М. . Нутқ маданияти. Маъруза матнлари.
 2. Мўминов С., Нурмонова Д., Каримова О. Нутқ маданияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.
 3. Қўнғуров Р., Бегматов Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992 .
 4. Каримов С.А., Махматмуродов Ш.М., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2003 .
 5. Махмудова Н., Рафиев А., Йўлдошев И.. Давлат тилида иш юритиш. Академик лицейлар учун дарслик. – Т.: ШАРҚ НМАК Бош таҳририяти. 2004.
 6. Аминов М. ва б. Иш юритиш. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.

Б. Қўшимча:

1. Қудратов Т. Нутқ маданиятлари асослари. – Т. : Ўқитувчи. 1993 .
 2. Тожиев Ё., Ҳасанова Ҳ., Саидова Р. Нутқ маданиятлари ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1998.
 3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. 1991 йил.
 4. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. - Т.: Чўлпон, 2002 .

ДАРС БОСҚИЧИНИНГ МАЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади, ўқув хонасининг тозаллигини текширади, хонани кўргазмалар қуроллари билан жиҳозланиши, ўтиладиган мавзуга мослигига эътибор беради. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларни машғулотга тайёргарлигини (иш жойи, ташқи кўриниши, китоб, дафтарини) текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи ўтиладиган янги мавзу номи, дарс ўтиш режаси, мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни доскага ёзиб қўяди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга таййорлаши керак. Ўтилган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқа маълумотлар беради.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўтилган машғулот мавзуси мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг билимларини аввал фронтал саволлар билан текширади.

Фронтал савол ва мустақил иш.

5. Нутқ одоби деганда нималарни тушунасан?
6. Саломлашиш қоидаларини биласизми?
7. Телефонда сўзлашганда нималарга эътибор бериш керак?
8. “Тилга эътибор — элга эътибор” иборасини шарҳланг.

Ўтилган мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш даражасини изоҳлайди ва ўқувчиларнинг фикрлаш қobiliятини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб йўналтиради. Ўқитувчи ўтилган мавзунини умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилаб тушунтиради. Мавзунинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаган қисмларини қисқача сўзлаб беради.

4. Янги мавзунини тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқув дастурига асосланиб, ўқувчиларга керакли билим доираси бўйича мавзунини тушунтиради ва ўқувчилар маърузани асосий қисмларини дафтарга ёзиб олади. Ўқитувчи янги мавзунини тушуниришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар ҳамкорлигида уларни фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлаши керак.

5. Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

1. Нутқий муомала ҳақида тушунча беринг.
2. Нутқий муомала босқичларини сананг.

6. Дарснинг якуни:

- Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича тушунмаган саволларга жавоб беради, дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб, ўқувчилар билимини баҳолайди ва дарсни якунлайди.

6. Уйга вазифа. Қ.Йўлчиев, А.Йўлчиева. Нутқ маданияти. Маъруза матнлари. 27-30 бетлар.

Дарснинг технологик харитаси

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	Технология		
				Метод	Шакл	Восита
1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва технологик харита тузиш Кичик гуруҳларни шакллантириш ва уларга топшириқлар бериш. Мақсад: ўқувчилар билимини чуқурлаштириш, янги мавзунини ўзлаштириш	Ўқувчилар дарсга кирмасдан олдин махсус белгили қоғозларни олиб, ўша қоғозчада кўрсатилган гуруҳга бориб ўтиради.	Интерфасл	Гуруҳларни шакллантириш	Тақсимлаш қоғозчалари,
2	Мавзуга кириш 5 дақиқа	Дарсни бошланишидан олдин ўқувчилар билан танишади. Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини эълон қилади.	Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини дафтарига белгилаб олади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг фикрларини ёзади.	Мавзу	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, расмий ва шахсий хат ёзилган кўрғазма доска, бўр

3	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш 20 дақиқа	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш учун 1. Фронтал саволлар 2. Уйга вазифани сўраш	Ўқувчилар савол ва тарқатма материалларга жавоб беришади. уйга вазифани тақдим қилишади.	Аъанавий усул, Мустақил иш усули ва тест усули	Гуруҳчалар	Тарқатма материаллар Доска ва бўр, тест Кўргазма Ўқув дафтарлари
4	Янги мавзунинг баёни 40-дақиқа	Янги мавзу юзасидан фронтал саволлар беради, сўнг жавоб ва қараб янги мавсу баён қилинади. Мавзуни баён қилишда кўргазма даги матнларни таҳлил қилиб беради.	Саволарга жавоб беришади, Мавзуга оид маълумотларни ёзиб олишади. кўргазма даги матнлар таҳлилинини кузатишади.	Ноанъанавий. “мустақил иш.” усули, Муаммоли маъруза	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, видеофилм, мавзу бўйича ёзилган материаллар Доска ва бўр
5	Янги мавзуни мустақамлаш 7 дақиқа	Саволлар беради ва кичик гуруҳларда бажарилган ишларни эшитади, камчиликларни тузатади.	Фронтал саволларга жавоб беришади. Гуруҳ сардорлари жавобни матнинини тақдим қилади.	Муҳокама ва мустақил ишлаш	Гуруҳчалар	Дафтар, матн намуналари Доска ва бўр. Баҳолаш мезонинини варағи.
6	Дарснинг якуни 3 дақиқа Уйга вазифа	Кичик гуруҳларга берилган топшириқлар ва саволлар натижаларини умумлаштиради. ғолибларни эълон қилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Гуруҳчалар бир-бирларини Баҳолайдилар. Жаволларнинг тўғриси ёзиб олади Тинглайдилар. Умумлаштириш бўйича ўз фикрларини билдирадилар.	Мунозара Сунбат-мулоҳаза	Гуруҳчалар	Доска, бўр, кўргазмали куроллар тарқатмалар Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга якун яшаш 3 дақиқа	Дарсни якунлайди. Уйга вазифа беради: Қ.Йўлчиев, А.Йўлчиева. . Нутқ маданияти. Маъруза матнлари. 27-30 бетлар.	Тинглайдилар. Топшириқлар ва ўқув адабиётлар номини ёзиб оладилар.	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар Дафтарлар Доска ва бўр

МАВЗУ: НУТҚИЙ МУОМАЛА ШАКЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Нутқий муомала ҳақида тушунча.
2. Нутқий муомала босқичлари.
3. Нутқий муомала шакллари
4. Нутқий муомала ва уларнинг лецик-услубий хусусиятлари.
5. Нутқий муомала жараёнида нутқ услубларидан фойдаланиш.

Таянч сўз ва иборалар: муомала шакллари, тил бирлиги, сўз-гап, кириш сўз, муомала тирлари, суҳбат босқичлари, истак, билдириш, миннатдорчилик, хайрлашув, нутқ услублари, сўзлашув, бадиий, илмий, публицистик, расмий.

Дастлабки қарашда нутқий муомала оддий жараёндек кўринади. Аммо у жуда мураккаб жараён бўлиб, мақсадни амалга ошириш учун кишидан кўплаб билим ва кўникмаларни, нутқий маданиятни талаб қилади. Чунки нутқий муомала инсон фаолиятининг асосий қисмидир. Биз нутқий фаолиятдан тараққиётга эриша олмаймиз. У бизни ташқи олам билан боғлаб турадиган энг қулай воситадир.

Нутқий муомала деганда, инсоннинг ташқи борлиқ билан муносабатга киришиш жараёни тушунилади. Бунда одам турли йўллار билан ўз фикри, тушунчаси, дунёқарашини ифода этади. Ёки ачинча, эшитиш, ҳис этиш, сезиш билан ҳам муомалага кириш мумкин. Шунга кўра инсоннинг фаолиятини уч кўринишга бўлиш мумкин. Булар – сўзлаш, мутолаа ва эшитиш жараёнларидир.

Сўзлаш дейилганда, нутқ товишлари орқали сўзловчининг маълумот ва маслаҳат бериши, буюриши ва сўраши, изҳор этиши ёки тасдиқлаши мумкин. Бунда сўзловчининг билими, маданияти, ахлоқи, одоби, мақсади юзага чиқади. Сунинг учун барча даврларда нутқий муомалага алоҳида эътибор берилган.

Ҳатто, махсус нотиқлик мактаблари бўлганки, унда нотиқлик санъати билан узвий ҳолда нутқий муомалани ҳам ўргатилган. Масалан, қадимги Туронзаминдаги “Авесто” ёзма ёдгорлигида эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ҳақида алоҳида боблар мавжуд. Яъни, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал соҳибига заримая (лаззатли, хушбой, ғоят ёқимли, бихишт неъмат) мойи берилиши уқдирилади. Шунингдек, қадимги Шумерларда, қадинги Мисрда, Юнонистонда ва ниҳоят Римда ана шундай мактаблар мавжуд бўлган.

Қадимги Туркистонда “Авесто”дан олдин ҳам, ундан кейин ҳам барча замонларда нутқий муомалага алоҳида эътибор берилган. Бунинг учун ҳар бир бола чақалоқлигидан бошлаб чиройли сўзлашга ўргатилган.

Нутқий муомаланинг сўзлашув тури фақат оғзаки кўринишда бўлиб унда тил воситаларидан эркин фойдаланилади. Тил бирликлари айтилмоқчи бўлган фикрга мос ҳолда абтоматик тарзда танланади. Бунда тез-тез тил нормалари бизилишига йўл қўйилади.

Мутолаа ҳам нутқий муомаланинг таркибий қисми ҳисобланиб, фақат ёзма нутқ намуналари орқали амалга оширилади. Демак, бунда адабий тил нормаларига қатъий амал қилиниши, грамматик талаблар бузулмаслиги, имло қоидаларига риоя қилиниши керак бўлади.

Нутқий муомаланинг таркибий қисми бўлган эшитиш жараёни сўзлашув ва мутолаа қилиш билан боғлиқдир. Яъни сўзланаётган ёки мутолаа қилинаётган нутқ намунасинигина эшитиш мумкин.

Умуман алганда, нутқий муомаланинг ҳар учала кўриниши алоҳида ҳолда ҳам, аралаш ҳолда қилиниши қўлланиши мумкин. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, нутқий муомала инсон фаолиятининг асосий қисмидир.

Бу фаолиятни шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин.

И. Сўзловчи босқичи. Бу босқич ҳам ўз навбатида бир неча даражаларга бўлинади:

А) Танлаш босқичи. Бу босқичда сўзловчи ким билан қандай сўзлашишни

танлайди. Зарур тил бирликларини, ибораларни, ситаталарни ажратиб олади. Шунингдек, асар ҳолларда суҳбатдошни ҳам танлайди.

Б) Саломлашув ва танишув босқичи. Бу босқичда сўзловчи суҳбатдошига яқинлашиб саломлашади, ундан кечирим сўрайди ва ўзини таништиради. Бу муомаланинг энг нозик жойи бўлиб, сўзловчи ҳар қандай ҳолда ҳам ўзини маданиятли тутиши, одоб билан зўзлаши ниҳоятда муҳимдир.

В) Мақсад- муддао босқичи. Тингловчи билан муомалага киришилгач, унга мақсадни аниқ, қисқа, лўнда тушунтирилади. Сўзлаётганда ортиқча ҳаракатлар қилмаслик, одоб доирасидан чиқмаслик ва тингловчига жуда яқин келмаслик мақсадга мувофиқдир.

Е) Хайрлашув босқичи. Бунда ҳар ики томон ҳам деярли фаол қатнашади. Аввал сўзловчи ўз гапини тигатади ва хайрлашиб суҳбатдан чиқади. Хайрлашув ҳам қисқа. Бир-икки сўздан иборат бўлиши муҳимдир.

ИИ. Тингловчи босқичи. Бу босқич ҳам ўз навбатида иккига бўлинади:

А) Тинглаш босқичи. Агар сўзловчига вақт ажрата олса, у билан сўзлашишга киришлади. Сўзловчининг сўзи бўлинмасдан диққат билан эшитилади. Агар сўзлаш жараёни чўзиладиган бўлса, узр сўраб мақсадни аниқроқ ва қисқароқ баён қилиш сўралади.

Б) Жавоб босқичи. Сўзловчининг мақсадидан келиб чиқиб жавоб қилинади.

Юқорида нутқий муомаланинг расмий идоравий ёки нотаниш жойдаги шакли ташкиллаш кўриб чиқилди. Унда иложи борича “кечирасиз”, “Илтимос”, “Вақтинигизни олсам бўладими?” “Айтингчи”, “Раҳмат” каби сўз ва бирикмалардан кўпроқ фойдаланилади.

Нутқий муомаланинг бундан ташқари мурожаат, истак, билдириш, мулоҳаза, миннатдорчилик, хайрлашув каби шакллари ҳам мавжуд бўлиб улар ҳам ҳаётда кўп ишлатилади. Биз кўпинча нутқий муомаланинг бу шакллари қисқа давом этишини сабабли кўп ҳам эътибор беравермаймиз. Аслида мақсад қай даражада амалга ошиши нутқий муомаланинг қандай, қай тарзда, ким билан ўтишига боғлиқдир.

Нутқ муомалада оддий сўзлар, содда гаплар, интонация, бир маъноли сўзлар, иборалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун сўзловчининг билим доираси кенг бўлиши ва тилни мукаммал билиши талаб этилади.

Чунки, нутқ яқка шахснинг ижоди ҳисобланади. Унинг маданияти ҳам шахснинг тил имкониятларини қанчалик ўзлаштирганлиги, ундан қанчалик фойдаланишига боғлиқ. Улардан нутқ шароитига мос равишда моҳирона фойдаланиш нутқ маданиятининг эҳг биринчи талабидир. Ўринсиз айтилган ҳар бир сўз ёки қилинган ҳаракат суҳбат натижасига салбий таъсир кўрсатиши табиий ҳол.

Нутқ муомала суҳбатнинг мақсад ва ким билан бўлишига қараб турли нутқ услубларида бўлиши мумкин. Кўпинча, сўзлашув услубининг асосий хусусиятидан фойдаланилади. Лекин, бадий, илмий, расмий, аралаш услубларда ҳам ташкилланиши мумкин.

Демак, нутқий муомалада сўзловчи ўз фикрини қисқа ва батафсил ифодалаб тингловчига етказиши ҳам ўзига хос санъатдир.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Нутқий муомала ҳақида тушунча беринг.
2. Нутқий муомала босқичларини сананг.
3. Нутқий муомаланинг билдириш шаклига мисоллар келтиринг.
4. Нутқий муомаланинг мулоҳаза шаклига мисол келтиринг.
5. Нутқий муомалада қандай лецик-услубий хусусиятлардан фойдаланилади.
6. Сўзлашув услубидаги нутқ ҳосил қилинг.
7. Нутқий муомала чоғида нималарга кўпроқ эътибор берилади?

4-МАВЗУ: ДИАЛОГИК НУТҚДА ТИЛ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ РЕЖА:

2. Дарс тури: Назарий дарс

3. Дарс вақти: 80 дақиқа

4. Дарс типи: Янги мавзунини ўзлаштириш.

5. Дарсда қўлланиладиган усуллар: Инновациён ва ахборот технологиялари асосида «Муз ёрар», «БББ» усуллари.

6. Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:

- Фронтал саволлар.
- Тест саволликлари.
- Мустақил иш тури.
- Амалий иш тури.
- **7. Дарс мақсадлари:**

А. Таълимий мақсад:

- Назарий билимларни эгаллаш ва мустаҳкамлаш.
- Диалогикда тилвоситаларидан фойдаланишни йўллари ҳақида маълумот бериш.
- Диалогда мажозий ифодалардан фойдаланиш имкониятларини ёритиш.
- Диалогик нутқда гапнинг таъсирчанлигини ошириш.
- Имо-ишора, кириш сўз, ундов ва модал сўзлардан фойдаланиш.

Б. Тарбиявий мақсади:

- Ўқувчиларда намунали нутқий кўникмаларни шакллантириш.
- Ҳамширалик фаолиятида қўлланиладиган муомала кўринашларини ўргатиш.
- Ўқувчидаги ахлоқий ва эстетик тушунчалар асосида сўзлаш кўникмасини янада ривожлантириш.

В. Ривожлантирувчи мақсад:

- Турли нутқ жараёнига мослашиш малакасини шакллантириш.
- Ўқувчининг намунали ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш.
- Нутқий фаолият чоғида мавзуга ижодий ёндошиш малакасини ривожлантириш.
- Мустақил фикрлаш ва ўз фикрини аниқ, тўлқ баён қилиш кўникмасини ривожлантириш.
- Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантириш.

8. Дарсни ўтиш жойи: факултетнинг ўқув хонаси.

9. Дарснинг дидактикаси(интеграция).

А. Фандаги мавзулар аро боғланиш:

Мавзу: 1. Диалогик нутқ шакли ва унда муносабатларнинг ифодаланиш усуллари.

Мавзу: 2. Тил бирликларининг нутқдаги қўлланиши ва вазифаси.

Б. Фанлараро боғланиш:

1. Она тили ва адабиёт:

Мавзу.1.Диалогик матн.

2. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони.

2. Рус тили. Мавзу. 1. Диалог – установление контакта. Вопросо-ответный тип диалога.

В. Ҳаёт билан боғлаш:

- Мавзунинг медицина амалиётидан олган намунавий мулоқот асосида тушунтириш.
- Тиббиёт ходими ва бемор ўртасидаги турли суҳбат кўринишлари.
- Кундалик ҳаётимиздаги нутқий фаолият билан боғланиш.

10. Керакли билимлар доираси:

- Диалогда тил воситаларидан фойдаланиш билиш.
- Диалогда мажозий ифодалардан фойдаланиш йўллари.

- Диалогик нутқнинг таъсирчанлигини таъминлаш.
- Диалогда имо-ишоралардан фойдаланиш.

11. Дарсни жиҳозлаш: Диалог матнли кўргазмали куруллар, “Маҳаллада дув-дув гап” филми ёзилган вудеокассета, вудеомагнитофон, телевизор, таркатма материаллар.

Дарснинг хронологик харитаси

№	Дарснинг хронологик харитаси	Вақти
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа
5	Янги мавзуни мустаҳкамлаш	7 дақиқа
6	Дарснинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

13. Ўқитувчи учун адабиётлар:

- А. Асосий:** 1. Мўминов С., Мамажонов М. . Нутқ маданияти. Маъруза матнлари.
 2. Мўминов С., Нурмонова Д., Каримова О. Нутқ маданияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.
 3. Қўнғуров Р., Бегматов э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992 .
 4. Каримов С.А., Махматмуродов Ш.М., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2003 .
 5. Махмудова Н., Рафиев А., Йўлдошев И.. Давлат тилида иш юритиш. Академик лцейлар учун дарслик. – Т.: ШАРҚ НМАК Бош тахририяти. 2004.
 6. Аминов М. ва б. Иш юритиш. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.

Б. Қўшимча:

1. Қудратов Т. Нутқ маданиятлари асослари. – Т. : Ўқитувчи. 1993 .
 2. Тожиев Ё., Ҳасанова Ҳ., Саидова Р. Нутқ маданиятлари ва услубият сослари. – Т.: Ўқитувчи, 1998.
 3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. 1991 йил.
 4. Солижонов Й. НУТҚ ВА УСЛУБ. - Т.: ЧЎЛПОН, 2002 .

ДАРС БОСҚИЧИНING МАЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади. Ўқув хонасининг тозаллигини текширади, хонани кўргазмали куруллар билан жиҳозланиши, ўқитиладиган мавзуга мослигига эътибор беради. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларнинг тайёргарлиги (китоб, дафтари, ручка каби ўқув куруллари ва кийиниши)ни текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи ўтилган мавзу номини сўрайди, сўнг янги мавзу номини айтади ва дарс ўтиш режаси, дарснинг мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни доскага ёзиб қўяди. Оқитувчу ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга тайёрлаши керак. Ўтилган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқа маълумотлар беради.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўтилган машғулот мавзуси мазмунидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг билимини текширади. Ўтилган мавзу бўйича билимларни ва кўникмаларни ўзлаштириш ларажасини изоҳлайди ва ўқувчиларни ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб ёдошилади. Ўқутувчи ўтилган мавзуни умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилиаб тушунтиради. Мавзунинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаган

қисмларини қисқача сўзлаб беради. Ўқувчиларни баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади.

4. Янги мавзунини тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқув дастурига асосланиб, ўқувчиларга керакли билим доираси бўйича мавзунини тушунтиради ва ўқувчилар маърузанинг асосий қисмларини дафтарга ёзиб оладилар. Оқитувчи янги мавзунини тушунтиришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар ҳамкорлигида уларнинг фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлайди.

5. Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

а) Фронтал саволлар:

Диалогик нутқда қайси тил бирликларидан кўпроқ фойдаланилади?

б) Тест саволликлари:

1. Деди: недур сенга оламда пеша?

Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган ушбу диалогик нутқ парчасида қайси тиниш белгиларидан фойдаланилган?

A. Тире, кўп нукта, сороқ белгиси.

B. Икки нукта, нуктали бергул, нукта.

C. Икки нукта, сўроқ белгиси, нукта.

D. Нуктали вергул, икки нукта, сўроқ белгиси.

E. Тўғри жавоб берилмаган.

2. Диалогик нутқ матнида қайси тил бирликларидан кўпроқ фойдаланилади?

A. Содда гаплар, сўроқ олмошлари, сўз-гаплар, иборалар.

B. A. C. жавоблар хато.

C. Қўшма гаплардан, бадиий тасвирий воситалардан.

D. Тўлиқсиз гаплар, уйшиқ бўлаклар, иловалардан.

E. Изоҳлар, киритмалар, кенг қамровли нутқ кўринишлари.

3. Диалогик нутқ қайси услубларда бўлиши мумкин?

A. Расмий ва илмий услубларда.

B. Сўзлашув ва бадиий услубларда.

C. Публисистик услубда, аралаш услубда.

D. Барча услубларда.

E. Фақат B. ва D. жавоб тўғри.

6. Дарсининг якуни:

Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига жавоб беради. Дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб, ўқувчилар билимини баҳолайди баҳоларни изоҳлайди ҳамда дарсни якунлайди.

6. Уйга вазифа:

Н.Махмудов, А. Рафиев, И. Йўлдошев. Давлат тилида иши юритиш. Дарслик. 23- бет. 20- топшириқ. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан Фарҳод ва Хусрав ўртасидаги диалогни ёдлаш ва уни саклантиришда қайси тил воситалари, тиниш белгиларидан фойдаланилганини дафтарингизга ёзиб олинг.

ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	технология		
				Метод	Шакл	Восита

1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва технологик харита тузиш. Кичик гуруҳларни шакллантириш ва уларга топшириқлар бериш. Мақсад: ўқувчилар билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш	Ўқувчилар дарсга кирмасдан олдин махсус белгили қоғозларни олиб, ўша қоғоздада кўрсатилган гуруҳга бориб ўтиради.	Ноанъанавий	Гуруҳларни шакллантириш	Таксимлаш қоғозчалари,
2	Мавзуга кириш 5 дақиқа	Дарсни бошланишидан олдин ўқувчилар билан танишади. Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. Танишувда «Муз ёрар» усулини қўллаш.	Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини дафтарига белгилаб олади. Ҳар ўқувчи ўзинг фикрларини ёзади.	Мавзу	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, диалогик матн ёзилган кўргазма доска, бўр
3	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш 20 дақиқа	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш учун 1. Фронтал саволлар. Диалогик нутқ қандай нутққа айтилади? 2. Ўйга вазифани таҳлил қилинг. а) Нутқ тури, б) шакли ва в) муносабатини айтиш. 3. Тарқатма материаллар берилади. (Илова қилинади)	Ўқувчилар савол ва тарқатма материалларга жавоб беришади. Юга вазифани тақдим қилишади.	Анъанавий ва тест усули	Гуруҳчалар	Турли саволликлар Тарқатма материаллар Доска ва бўр, тест Кўргазма Ўқув дафтарлари
4	Янги мавзунинг баёни 40-дақиқа	Янги мавзу баён қилинади. Мавзу: Диалогик воситаларидан фойдаланиш. Ўқувчилар ёрдамида диалогик матн ташкилланади. Видеоёзув ва кўргазмадаги матнларни таҳлил қилиб беради.	Диалогик нутқ тил воситаларидан фойдаланишга оид маълумотларни ёзиб олишди. Диалогик матн тузишди. Видеоёзув ва кўргазмадаги матнни ўқиб	Муаммолар ва маълумотларни янги мавзу баён қилиш давомиди видеоматн, кўргазма ва ўқувчиларнинг	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, мавзу бўйича ёзилган материаллар Видеомагнитофон, телевизор, Видеокассета Доска ва

			таҳлилни қилишади.	диалогларидан фойдаланилади.		бўр
5	Тақдимот 15 дақиқа	Саволлар беради ва тарқатмалар беради Кичик гуруҳларда бажариладиган ишларни эшитади, камчиликларни тuzатади.	Фронтал саволларга жавоб беришади. Тест саволликлари ва қўшимча саволларга жавоб берадилар.	Муҳокама ва мустақилиш	гуруҳлар	Дафтар, Доска ва бўр Баҳолаш мезонини варағи.
6	Баҳолаш 3 дақиқа	Кичик гуруҳларга берилган топшириқлар ва саволлар натижаларини умумлаштиради. Қайси гуруҳ ғолиб эканлигини эълон қилади.	Гуруҳчалар бир-бирларини Баҳолайдилар. Жаволларнинг тўғриси эзиб олади	Мунозара	Гуруҳчало	Доска, бўр, кўргазмали куруллар тарқатмалар
7	Умумлаштириш 2 дақиқа	Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Тинглайдилар. Умумлаштириш бўйича ўз фикрларини билдирадилар.	Сунбат-мулоҳаза	Гуруҳчало	Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга якун яшаш 3 дақиқа	Дарсни якунлайди. Уйга вазифа беради Ўқув адабиётлари: 1. Давлат тилида иш юритиш. Дарслик. 2. С.А.Каримов Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. 2001 3. Иш юритиш. Амалий қўлланма 0 2002 йил. 4. Т. Қудратов. Нутқ маданияти асослари.	Тинглайдилар. Топшириқлар ўқув адабиётлар номини эзиб оладилар.	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар Дафтарлар Доска ва бўр

МАНЗУ: Диалогик нутқда тил воситаларидан фойдаланиш

Режа:

1. Диалогда тил воситаларидан фойдаланиш.
2. Диалогда мажозий ифодалардан фойдаланиш йўллари.
3. Диалогик нутқнинг таъсирчанлигини таъминлаш.
4. Диалогда имо-ишораларнинг қўлланиши.

Таянч сўз ва иборалар: Нутқий фаолият, нутқ шакли, диалогик вазият, нутқ мотиви, диалогик нутқ, тил бирликлари, мажозий образлар, бадий тасвирий воситалар, иборалар, гап қурилиши, муносабат ифодаси, сўз-гап, кириш сўз, ундов, сўроқ гап, сўроқ олмошлари, тиниш белгилари, сода гап.

Диалогик нутқ ҳам инсоннинг мулоқот шаклли ҳисобланади. Инсон нутқи сифатида диалогик нутқ ҳам амалда бўлган муомала этикаси ва тамойиларига бўйсунди. Икки киши ўртасидаги ҳар қандай суҳбатни диалог сифатида эътироф этиш мумкин. Аммо бу нутқнинг ўзига хос хусусиятлари ана шу икки киши ўртасида юзага келган суҳбат жараёнида очилади. Суҳбатнинг мақсади ва мавзуси, суҳбатдошларнинг ўзаро муносабати, ёши, жинси, дунёқараши, билими, жамиятда тутган ўрни, мавқеи диалогик нутқнинг мазмунини белгилайди. Шундан келиб чиқиб ундаги тилдан фойдаланиш хусусиятларини ҳам аниқлайди.

Мисол учун, ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” қиссасидан олинган қуйидаги парчаларни олиб кўрайлик:

Гиёҳванд йигитлардан бирининг пастки лаби осилган, кўзлари чакчайган, иккинчисининг қарашлари совук, ўнг юзида узун тиртиқ бор эди.

-- Билагингни кўрсат, -- деди Зоҳид тиртиққа.

У “шу ҳам ишми дегандай” эринибгина курткасини ечиб, кўйлагининг енгини шимарди. Лаби осилган йигитнинг ҳам билагида игна излари бор эди. Уларнинг гиёҳвандлигига Зоҳидда шубҳа қолмади.

-- Кукунни қаердан олардиларинг?—деб сўради Зоҳид.

-- Братанга айтганмиза, қаёқдан оғанувзани, -- деди лаби осилган йигит.

-- Менга ҳам айт.

-- Лола кўчасида ўн еттинчи уйда турадиган Шариф ака деган киши.

-- Икковинг бирга борганмисан?

-- Бир хил пайтда мен борардим, бир хил пайтда у борарди, бир хил пайтда иккалавуза борардик.

Нутқ парчасида тил бирликларидан фойдаланишга эътибор берсак, суҳбат асосан савол-жавоблардан иборат. Ўгани гапларнинг маълум қисмини сўроқ гаплар ташкил этади. Улар тузилишига кўра содда ва тўлиқсиз гаплардан иборат. Тўлиқсиз бўлишига сабаб, ундаги маъно аввалги гапдан ёки умуман суҳбат мазмунидан англашиляпти. Шунинг учун эга ёки бошқа бўлаклар бўлмаса ҳам гап тушунарли бўляпти. Айрим гапларда узулишлар рўй берган.(-- Лола кўчасида ўн еттинчи уйда турадиган Шариф ака деган киши.) ва узулишлар ҳам аниқ бир мақсадни кўзда тутди. Гапдаги мазмундан йигитлар Шарифни танимаслиги сезилиб турибди. Братан, сокка каби тил бирликлари бу тоифа одамларга хос. Йигитлар Тошкент шеvasи вакиллари эканлигига ишорадир.

Демак, ушбу диалогда тўлиқсиз гап (Билагингни кўрсат), сўроқ гап (Кукунни қаердан олардиларинг?), шевага хос бирликлардан (Братанга, оғанувзани), содда гаплардан фойдаланилган. Услубий жиҳатдан сўзлашув услибига хос. Чунки унда тил бирликларидан эркин фойдаланиш ва грамматик талабларга амал қилмаслик кўринади.(Лола кўчасида ўн еттинчи уйда турадиган Шариф ака деган киши) .

Жалил бироз кутиб қолганими, тумтайганроқ кўринишда кириб келди. Асадбек уну ўрнидан туриб кутиб олди.

-- Киравермай, ўтирдингми? – деди Асадбек.—Бунақа одатинг йўғидику?

-- Ҳурматинг бор, ошнам. Биз бекорчи одам бўлсак, -- у шундай деб қўлтигига қистириб олган эски газитга ўроғлик нарсани узатди. – Тўйга келолмадим. Яхши ўтказиб олдингми?

-- Тўйга келмаганингга гина қилиб ўтирувдим, тинчликми ўзи, нимага келмадинг?

-- Сен мени тўйга айтдингми? – Жалил овозини бир парда кўтарди.

-- Биринчи бўлиб сенга сенга хабар бергандирман.

-- Катта бўлсанг ўзингга, бу биринчидан, бойвачча бўлсанг ҳам ўзингга, бу иккинчидан, хўпми! Лайчаларингни юбориб тўйга айттирдингми? Ўзингнинг оёғинг етмадими?

-- Энди оина, тўйчилик, шошиб қоларкансан.
-- Ўзингга ўхшаган бойваччаларни айтишига шошмагандирсан?
--Хўп, тавба қилдим, мен аҳмоқман, -- Асадбек ҳам овозини кўтарди, -- ўзим бормабман. (241-242 бетлар)

Иккинчи парчада суҳбатдошларнинг характери, кайфияти, ўзаро муносабати реаллашади. Аслида айтгани-айтган, дегани-деган, бошқаларга ниҳоятда қаттиққўл Асадбекнинг характеридаги бошқа қирралар, яъни болаликдан дўсти Жалилга ён босиши диалог давомида очилади. Бу диалогда сўз танлаш, гап қурилиши, суҳбатдошларнинг дунёқараши юқоридаги нутқдан бир мунча фарқ қилади.

Диалогик нутқларни кўздан кечириш яна шундан далолат берадики, улар асосан оғзаки нутқ одатларини ўзида намиён этади. Адабий матнларда эса образ яратиш характерларни намоиш этишнинг кучли воситаларига айланиши мумкин. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод ва Хисрав, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” дарамасидаги Навоий ва Бойқаро диалогларини эслайлик. Уларда турли бадиий тасвирий воситалар қаҳрамонлар характерини очиқсга хизмат қилади.

Диалогик нутқларда қаҳрамонлар ўз мақсад ва ички кечунмаларини тингловчиларга етказиш учун турли имо-ишоралардан ҳам фойдаланади. Би унинг характери ва кечинмаларининг кучли ёки кучсизлигини ифодалайди.

Масалан, “Маҳаллада дув-дув гап” филмида Пошо, Лутфи ая ўнаган рол, “Келинлар кўзғолонида” Сотти образлари имо-ишораларга бойдир. Бунда қаҳрамонлар ўз фикри ва мақсадини суҳбатдошига етказиш учун турли қўл ҳаракатлари, қош-қовоқ ўйини, лаб ҳолати кабилардан фойдаланади. Би ўз навбатида гапнинг таъсирчанлигини ҳам таъминловчи элементлардандир.

Диалогларда турли мажозий ифодалардан ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, бирор кишининг меҳнатқашлигини ифодалаш учун “чумоли”дек дейилади, ёки нафси ўпқон кишилага нисбатан “бўри”, айёр кишиларни тулки, дангасаларни капалак, ўғри ёки элга қўшилмайдиган кишиларни бойўғлига мажоллий образлари қўлланилади. Абдулла Қаҳҳорнинг “Бемор”, “Ўғри” ҳикояларида, Саид Аҳмаднинг “Қоплон” ҳикояларида мажоллий ифодалар жуда ишончли чиққан.

Бундан ташқари, диалогларда турли маъно кўчишлари ҳам ишлатиладики уларнинг баъзиларига тўхталмасак бўлмайди. Метафора, метанимия, синекдоха, вазифадорлик шулар жумласидандир.

Метафора сўзи юнонча соз бўлиб, “кўчирма” маъносини билдиради. Нисбий ўхшашликка эга бўлган икки нарсадан бирини иккинчисининг номи билан аташ. Ҳодисасидир. Масалан: ёқа: тўннинг ёқаси—дарёнинг ёқаси, кўйларнинг этаги—тоғнинг этаги, одамнинг боши—йўлнинг боши.

Метонимия ҳам юнонча сўз бўлиб, қайта номлаш деган маънони англатади. Ҳарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиги асосида бир предмет номи билан иккинчусини аташ. Масалан:Бир коса суб ичдим—бир косани симирдим. Навоийнинг бир газалини ёдладим – Навоийни ёдладим.

Синекдоха ҳам юнонча соз бўлиб, қўшиб англамоқ, фаҳмламоқ каби тбилдиради. Бутуни қисм орқали, қисмни бутун орқали ифидалаш ҳодисадир. Масалан, Сабзи тўғраётиб бармоқни кесиб олди -- Сабзи тўғраётиб қўлини кесиб олди. Дерезадан бир жуфт кўз қарарди. Кузга бориб ўғлимнинг бошини иккита қилдим.

Вазифадорлик муайян нарсанинг вазифасини иккинчи бир нарса бажариши натижасида аввалгисининг номи билан кейингиларини ифодалашдир. Масалан, “сиёҳ” сўзи илгари ёзувда “қора рангли суюқлик”, кейинчалик ёзишда ишлатиладиган бошқа тахллар ҳам шу ном билан атала бошланади. Ёй-- камоннинг ўқи, милтиқнинг ўқи, замбаракнинг ўқи, ракетанинг ўқи.

Нутқдаги би ҳодисалар диалогдаги мавзу ёки ғояни кучайтириш, таъсирини ортириш мақсадида ишлатилади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Диалогда қайси тил воситаларидан кўпроқ фойдаланилади?
2. Сўроқ олмошлари кўп бўлган диалогик нутққа мисол келтиринг.
3. Диалогда мажозий ифодалардан фойдаланиш йўллари биласизми?
4. Бадиий тасвирий воситаларни санаб беринг.
5. Диалогик нутқнинг таъсирчанлиги қайси воситалар билан таъминланади?
6. Диалогда имо-ишораларнинг қўлланишини сўзланг.

5-МАВЗУ: МОНОЛОГИК НУТҚНИНГ УСЛУБИЙ ФАРҚЛАНИШИ РЕЖА:

2. **Дарс тури:** Назарий дарс
3. **Дарс вақти:** 80 дақиқа
4. **Дарс тип:** Янги мавзунини ўзлаштириш.
5. **Дарсда қўлланиладиган усуллар:** Инновацион технологиялари асосида «Муз ёрар», «Мустақил иш» усуллари.
6. **Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:**
 - Фронтал саволлар.
 - Тест саволликлари.
 - Мустақил иш тури.
 - Амалий иш тури.
7. **Дарс мақсадлари:**
 - А. Таълимий мақсад:
 - Назарий билимларни эгаллаш ва мустаҳкамлаш.
 - Монологик нутқнинг услубий фарқланишини ўргатиш.
 - Усулвий шакларда монологик нутқ шакллари ва ўзгариши ҳақида маълумот бериш.
 - Монологик нутқда нутқ маданияти мезонларига амал қилиш.
 - Б. Тарбиявий мақсади:
 - Ўқувчиларда намунали нутқий кўникмаларни шакллантириш.
 - Амалий фаолиятда турли нутқ услубларида фикр билдиришни ўргатиш.
 - Ўқувчидаги ахлоқий ва эстетик тушунчалар асосида сўзлаш кўникмасини янада ривожлантириш.
 - Тўғри ифодаланишни ўргатиш.
 - Турли оҳаҳдаги нутқ кўникмаларини ўзлаштириш.
 - В. Ривожлантирувчи мақсад:
 - Турли нутқ жараёнига мослашиш малакасини шакллантириш.
 - Ўқувчининг намунали ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш.
 - Нутқий фаолият чоғида мавзуга ижодий ёндашиш малакасини ривожлантириш.
 - Мустақил фикрлаш ва ўз фикрини аниқ, тўлиқ баён қилиш кўникмасини ривожлантириш.
 - Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантириш.
 - ўз она тилисига ҳурмат ҳиссини ривожлантириш.
8. **Дарсни ўтиш жойи:** факултетнинг ўқув хонаси.
9. **Дарснинг дидактикаси(интеграция).**
 - А. Фандаги мавзулар аро боғланиш:
Мавзу: 1. Монологик нутқ шакллари.
 - Б. Фанлараро боғланиш:
 1. Она тили ва адабиёт:
Мавзу.1. Монологик матн.
Мавзу: Нутқ услубларига кўра матнларнинг ўзига хослиги.

2. Рус тили. Мавзу. 1. Монологическач речъ.

В. Ҳаёт билан боғлаш:

- Мавзуни медицина амалиётидан олган намунавий мулоқот асосида тушунтириш.
- Кундалик ҳаётимиздаги нутқий фаолият билан боғланиш.
- Ички кечинма, фикр-мулоҳаза, дунёқарашни тушунтириш.

10. Керакли билимлар доираси:

- Монологик нутқнинг услубий фарқланишини билиш.
- Монологик нутқда нутқ маданияти мезонларига амал қилиш.
- Турли муносабатларни ифдалашда назмунни ёритишни билиш.

11. Дарсни жиҳозлаш: Монологик матнли ва нутқ услублари ҳақидаги кўргазмали қуроллар, видеомагнитофон, телевизор, тарқатма материаллар.

Дарснинг хронологик харитаси

№	Дарснинг хронологик харитаси	Вақти
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа
5	Янги мавзуни мустаҳкамлаш	7 дақиқа
6	Дарснинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

13. Ўқитувчи учун адабиётлар:

А. Асосий: 1. Мўминов С., Мамажонов М. . Нутқ маданияти. Маъруза матнлари.

2. Мўминов С., Нурмонова Д., Каримова О. Нутқ маданияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.

3. Қўнғуров Р., Бегматов Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992 .

4. Каримов С.А., Махматмуродов Ш.М., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2003 .

5. Махмудова Н., Рафиев А., Йўлдошев И.. Давлат тилида иш юритиш. Академик лцейлар учун дарслик. – Т.: ШАРҚ НМАК Бош тахририяти. 2004.

6. Аминов М. ва б. Иш юритиш. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.

Б. Қўшимча:

1. Қудратов Т. Нутқ маданиятлари асослари. – Т. : Ўқитувчи. 1993 .

2. Тожиев Ё., Ҳасанова Ҳ., Саидова Р. Нутқ маданиятлари ва услубият сослари. – Т.: Ўқитувчи, 1998.

3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. 1991 йил.

4. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Т.: Чўлпон, 2002 .

ДАРС БОСҚИЧИНING МАЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади. Ўқув хонасининг тозалигини текширади, хонани кўргазмали қуроллар, техник-ахборот воситалар билан жиҳозланиши. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларнинг тайёргарлиги (китоб, дафтари, ручка каби ўқув қуроллари ва кийиниши)ни текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи ўтилган мавзу номини сўрайди, сўнг янги мавзу номини айтади ва дарс ўтиш режаси, дарснинг мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни

доскага ёзиб қўяди. Оқитувчи ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга тайёрлаши керак.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўтилган машғулот мавзуси мазмунидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг билимини текширади.

1. Фронтал саволлар.

- 1) Монологик нутқ шакллари сананг?
- 2) Ташқи монологик нутқ шакллари биттадан мисоллар келтиринг.

2. Тест саволликлари:

4. Монологик нутқ қайси услубларда бўлиши мумкин?

- A. Расмий ва илмий услубларда.
- B. Сўзлашув ва бадий услубларда.
- C. Публицистик услубда, аралаш услубда.
- D. Барча услубларда.
- E. Фақат B. ва D. жавоб тўғри.

Ўтилган мавзу бўйича билимларни ва кўникмаларни ўзлаштириш ларажасини изоҳлайди ва ўқувчиларни ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб ёдошилади. Ўқитувчи ўтилган мавзунини умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилиб тушунтиради. Мавзунинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаган қисмларини қисқача сўзлаб беради. Ўқувчиларни баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади.

4. Янги мавзунини тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқув дастурига асосланиб, ўқувчиларга керакли билим доираси бўйича мавзунини тушунтиради ва ўқувчилар маърузанинг асосий қисмларини дафтарга ёзиб оладилар. Оқитувчи янги мавзунини тушунтиришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар ҳамкорлигида уларнинг фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлайди.

5. Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

Фронтал саволлар:

1. Монологик нутқ қайси нутқ услубларида бўлиши мумкин?
2. Монологик нутқнинг расмий услубдаги кўринишига мисоллар келтиринг.

6. Дарснинг якуни:

Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига жавоб беради. Дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб, ўқувчилар билимини баҳолайди баҳоларни изоҳлайди ҳамда дарсни якунлайди.

6. Уйга вазифа:

Н.Махмудов, А. Рафиев, И. Йўлдошев. Давлат тилида иши юритиш. Дарслик.

Монологик нутқ шакллари. Монологик нутқнинг бадий, илмий, расмий ва публицистик услубдаги кўринишларига биттадан мисол ёзиш.

Дарснинг технологик харитаси

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	технология		
				Метод	Шакл	Восита
1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва тех	Ўқувчилар дарсга кирмасдан	Ноанъанавий	Гуруҳларни шаклланти	Таксимлаш қоғозчалари,

		нологик харита тузиш Кичик гуруҳларни шакллантириш ва улар га топшириқлар бериш.Мақсад: ўқувчилар билимларини чуқур- лаштириш, муштаҳкамлаш	олдин махсус белгили қоғозларни олиб, ўша қоғозчада кўрсатилган гуруҳга бориб ўтиради.		ириш	
2	Мавзуга кириш 5 дақиқа	Дарсни бошланиши дан олдин ўқувчи лар билан танишади. Мавзу номи, мақ- сад,натижа ва баҳо лаш мезонларини эълон қилади.Тани шувда «Муз ё пар» усулини қўллаш.	Мавзу номи, мақсад,натижа ва баҳолаш мезонларини дафтарига бел гилаб олади. Ҳар ўқувчи ўзинг фикр ларини ёзади.	Мавзу	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, диалогик матн ё- зилган кўргазма доска, бўр
3	Ўқувчиларни н олдинги билимларини текшириш 20 дақиқа	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш учун 1.Фронтал саволлар. 2. Уйга вазифани таҳлил қилинг. 3. Тарқатма материаллар берилади. (Илова қилинади)	Ўқувчилар савол ва тарқатма материалларга жавоб беришади. Юга вазифани тақдим қилишади.	Анъанав ий ва тест усули	Гуруҳча- лар	Турли саволликла рТарқатма материалла р Доска ва бўр, тест Кўргазма Ўқув дафтарлари
4	Янги мав зунинг баёни 40-дақиқа	Янги мавзу баён қилинади. Мавзу: Ўқувчилар ёрдамида диалог матн ташқиллашади. Видеоёзув ва кўргазмандаги матнларни таҳлил қилиб беради.	Диалогик нутқ шакли ва унда муносабат ларнинг ифода ланиш усулла рига оид маъ лумотларни ёзиб олиша ди. Диалогук матн тузиша ди. Видеоё- зув ва кўр- газмадаги матнни ўқиб таҳлилни кузатишади.	Муаммо ли маъруза Янги мавзу баён Қилиш давомид а видеома тн, кўргазма ва ўқувчила рнинг диалогла ридан фойдала нилади. Ҳаётдан мисолла	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, мавзу Бўйича ёзилган материалла р Видеомагн итафон, телевизор, Видеикассе та Доска ва бўр

				р қелтирил ади.		
5	Тақдимот 15 дақиқа	Саволлар беради ва сканворд ечиш топшириғини беради. Кичик гуруҳларда бажариладиган ишларни эшитади, камчиликларни тузатади.	Фронтал саволларга жавоб бериша ди. Сканвор дни ҳар бир гу руҳ алоҳида ечади.Қўшимча савол ларга жавоб берадилар. Гу руҳ сардорлари сканворд жа вобини тақдим қилади.	Муҳокам а ва муста қилишла ш	Кичик гуруҳ лар	Дафтар, Сканворд Доска ва бўр Баҳолаш мезонини варағи.
6	Баҳолаш 3 дақиқа	Кичик гуруҳларга берилган топшириқлар ва саволлар натижаларини умумлаштиради. Қайси гуруҳ ғолиб эканлигини эълон қилади.	Гуруҳчалар бир-бирларини Баҳолайдилар. Жаволларнинг тўғисини ёзиб олади	Мунозар а	Гуруҳчала р	Доска, бўр, кўргазмали куроллар тарқатмалар
7	Умумлаштир иш 2 дақиқа	Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Тинглайдилар. Умумлаштири ш бўйича ўз фикрларини билдирадилар.	Сунбат- мулоҳаза	Гуруҳчала р	Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга яқун яшаш 3 дақиқа	Дарсни яқунлайди. Уйга вазифа беради Ўқув адабиётлари: 1.Давлат тилида иш юретиш. Дарслик.	Тинглайдилар. Топшириқлар ўқув адабиётлар номини ёзиб оладилар.	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар

МОНОЛОГИК НУТҚНИНГ УСЛУБИЙ ФАРҚЛАНИШИ

Режа:

1. Нутқ услублари ҳақида тушунча.
2. Сўзлашув услубидаги монологик нутқнинг белгилари.
3. Бадиий услубдаги монологик нутқнинг белгилари.
4. Илмий – итобий услубдаги монологик нутқнинг асосий жиҳатлари.
5. Публицистик услубларида монологик нутқнинг ўрни.
6. Расмий-идоравий услубдаги монологик нутқнинг хусусиятлари.

Таянч сўз ва иборалар: Нутқ услуби, бадиий услуб, расмий – идоравий, услуб, илмий-китобий услуб, сўзлашув, публицистик услуб, нутқнинг хусусияти, монологик

вазият, нутқ мотиви, монологик нутқ, ички монолог, ташқи монолог, хабар монологи, лирик монолог, драматик монолог, тавсифий монолог, тасвирий монолог, бадиий - тасвирий воситалар, бадиий санъатлар, гап қурилиши, муносабат ифодаси, грамматик нормалар.

Тил бирликлари ва материалларидан фикр ифодалаш мақсадида фойдаланиш жараёни нутқ саналади. Ҳаётимизнинг турли даврларида, турли вазиятларда тилдан турлича фойдаланамиз. Масалан, оила аъзоларимиз билан гаплашаётиб қўллаган тил бирлигини, ўқитувчи билан бўладиган суҳбатда қўллай олмаймиз. Биринчи ҳолда биз сўзлашув услубидан фойдаланамиз. Кейинги жараёнда эса расмий оҳанг етакчилик қилади.

Маълум мақсад ёки ғояни тингловчига етказиш мақсадида тил материалларидан саралаб фойдаланиш натижасида нутқлар ўртасида юзага келган фарқлар нутқ услублари дейилади. Нутқ услубларининг барчасида монологлар учрайди. Аммо, монолог сўзлашув услубида нисбатан камроқ, бадиий ва илмий-китобий, расмий-идоравий услубларда кўпроқ яратилади.

Нутқ услублари дастлаб уқки турга бўлинади. Сўнгра ҳар иккиси яна турларга бўлинади.

I. Оғзаки услуб: Сўзлашув услуби.

Сўзлашув услуби. Бу услубда монологлар жуда кам бўлади. Бўлганлари ҳам асосан оғзаки кўринишда бўлади. Уларда нутқ бирликларида эркин фойдаланилади. Ацарият ҳолларда грамматик талаб бузилиши мумкин. Асосий эътибор мазмунни тингловчига етиб бориши ҳисобланади. Турли драматик кўрсатувларида қаҳрамонларнинг ички монологлари берилади. Масалан, “Турмуш чорраҳалари” туркум кўрсатувларида қаҳрамонларнинг ҳайлидаги фикрлари сўзлашув услубига хос бўлади.

II. Ёзма услублар.

1. Бадиий услуб. Бадиий услуб нутқнинг бошқа услубларидан дастлаб ўзининг образлилиги ва эстетик таъсир этиш вазифаси билан ажиралиб туради. Бадиий нутқда тил лексикасининг ҳамма қатламлари иштирок этади. Айниқса, монологлар кўп ҳолларда бадиий услубда яратилади. Шоирларнинг шеърлари, қисса ва романларнинг тасвир, тавсиф қисмлари тасвқи монолог турларига, қаҳрамонларнинг ўй-фикрлари, ҳаёлидаги кечинмалар эса ички монологга мансуб бўлади.

Бу услубда тил воситалари образ ва манзаралар яратади, кишиларга эстетик озиқ бериш учун хизмат қилади. Шунинг учун ундан бадиий асар яратишда ёзувчи шоирлар жуда унумли фойдаланишади.

Бадиий услуб учун шахсий образли сўз ишлатиш характерлидир. Ҳар бир муалиф ўзига хос ишлатиш усулларида фойдаланади. Бу билан ўзига хосликка асарнинг ўқимишли бўлишини таъминлашга интилади. Бадиий нутқ ҳамма нарсанинг янги, охири тўқилмаган, бошқалар ишламаган бўлишини хоҳлайди. Шу туфайи шоир ва адиблар ҳаммага маълум тил воситаларидан ўзиларигагина хос усулда фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Шахсий образлилиқ публистик услубда ҳам бордир. Образлилиқ сўзлашув услубида ҳам бўлади. Лекин улар кўпчилик томонидан кўп марталаб ишлатилган, “*қотиб қолган*”, “*қотиллашган*” ҳолда амал қилади. Бадиий услуб образлилиқ янги, ширадор бўлади. Чунончи, Уйғуннинг сўз қўллашдаги ўзига хослиги, бадиий воситаларнинг янгилиги қуйидаги шеърий парчада яққол кўриниб туради:

*Кумуш чойшаб ёпиб далалар,
Қор қўйнида ухлаб ётади,
Уфқларга қизил хол ташлаб,
Зар соч ёзиб қуёш ботади.
Гоҳ булутлар кўкда ясаниб,
Ерга оқ япроқлар қўяди.
Изғиринлар ўйнаб-қувнашиб,
Япроқларни қучиб ётади.*

Гоҳ узокдан оқ - зар кўйлақда,
 Кўринади тоғлар, тепалар,
 Гоҳ чўзилиб қуюқ ўрмонлар
 Кўз ўнгидан аста ўтлар...
 Чечаклар, майсалар, чаманлар
 Яшнагандир баҳор кунлари.
 Юлдузлар-ла тўлиб кулгандир,
 Бу қирларнинг олтин турлари.
 Олтин денгиз каби бугдойли
 Қуёшнинг нуридан эмгандир...

Шоир қуёш нурини, тоғ, тепаларни қоплаган қорни, тунни, бугдойларни олтинга қиёслайди. Бунда олтиннинг қиймати эмас, фақат ранги эътиборга олинади. Умуман, тасвирда олтин, кумуш, зар, ука каби сўзларни кўп истифода қилиш уйғун шеъриятига хосдир.

Ўтган асрнинг сўнгги кузи Қорабулоққа *очиқ чехра* билан келади. Унинг *гулгун сиймосидан узоқ вақтларгача нур аримади*. Ахири октябр ойи ҳам тугади, *ўрик япроқлари совуқда ўйнаган ёш боланинг лўппи юзидай қизарди*, шунда осмонда бир парча булут кўринмади. (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча.)

Ёзувчи кузнинг илиқ келганини бадий тасвирий воситалар ёрдамида гўзал қилиб ифодаламақда (*очиқ чехра билан келади, гулгун сиймосидан узоқ вақтларгача нур аримади, ўрик япроқлари совуқда ўйнаган ёш боланинг лўппи юзидай қизарди*). Бу ўқувчи дилига эстетик таъсир кўрсатади. Кишига завқ беради.

Бадий услубга яъна бир хусусят такрор ишлатилган сўзларнинг бўлишидир. “Адирлар, адирлар, адирлар – хорғин оқ туялар карвони”(Ш.Раҳмон.), “*Биз аввал ҳам ёмон эдик, ҳануз ёмонмиз*” (А.Орипов.), “*Тонг яқин, тонг яқин, оппоқ тонг яқин*” (Ғ.Ғулом). Сўзларни такрор қўлашдан мақсад ўқувчини ҳаяжонга солиш, унга завқ улашишдир. Такрорларнинг сатрбоши (анафора: *Ҳали бирор ишни уддаламадим, Ҳали ҳеч кимсани қилмадим рози. Айт, қандоқ чидайман бундай хўрликка, Айт, қандоқ ётаман бағрингда, Ватан.* (Ш.Раҳмон.) сатр ўртаси (*Хорлиқлар била ўстим, Зорлиқлар билан кўрдум озор.* (М.Солих.Шайбонийнома.), сатр охири (радиф: *Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг, Кимки андин яхши йўқ, кўз тутма андин яхшилиг.* (Бобур.) каби турлари бўлиб, улар шеърятда кенг ишлатилади.

2. Илмий услуб. Бу услубда монологнинг кўпроқ илмий мақола, илмий маъруза, монография каби турлари учрайди. Уларда табиат ва ижтимоий ҳаётдаги барча нарса ҳамда ҳодисалар тўғрисида аниқ, асосланган, изчил маълумот беришда қўлланади. Унда нарса-ҳодиса моҳиятини таърифлаш, таҳлил қилиш, сабабини аниқлаб далиллар билан исботлаш ва асосли натижаларни баён этиш муҳим ҳисобланади. Физика, математика, она тили ва адабиёти, тиббиёт, кимё, информатика, ботаника, тарих каби фан соҳаларидаги қоида, таъриф ва илмий хулосалар шулар жумласидандир. Масалан: “*Агар бўлинувчи ва бўлувчи айни бир натурал сонга кўнайтирилса (ёки бўлинса), бўлинма ўзгармайди*”¹. “*Ўсимликларнинг ташқи муҳитга ҳар хил шаклда мосланишига ҳаётий шакл дейилади.*”²

Махсус атамалар бу услубнинг лецикасини ташкил қилади, унда адабий тил меъёрига қатъий риоя этилгани ҳолда мажхул нисбатидаги феъллар ва мураккаб қурилишли гаплар кенг ишлатилади. Масалан: физика фанига оид *динамика, диффузия ҳодисаси, инерсия ҳодиса, электр тўқи, нютон қонуни, атом, ядро, заряд*; она тилига оид *фонетика, лецика, от, сон, олмош, феъл, грамматика, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол, лингвистика, метафора, метонимия, синекдоха*; одам анатомиясига оид *бош суяги, тош суяги, мускул, юрак, систола, диастола, аорта* каби атамалар мазкур соҳаларнинг лецикасидаги ўзига хосликни ташкил этади.

Илмий услуб билимнинг турли соҳаларига қараб, шунингдек, кимга мўлжалланганлигига нисбатан ўзаро фарқланади. Масалан, академик билимлар фан соҳаларидаги маълум бир йўналишнинг деярли барча томонини қамраб олади ва ўз

кўлами, лецикасининг мураккаблиги билан фақат шу соҳа ходимларига мўлжалланган бўлади. Унда муайян шартли белги, фўрмула, баён қилиш материали кўзга ташланади. Бундай матнни оддий киши тушунишга қийналади.

Илмий услублардаги китоблар илм-фанга оид маълумотлар бериш билан мутахассисларгагина мўлжалланиши ёки бундай илмий маълумотлар кенг оммага қаратилган бўлиши мумкин. Эмоционаллик, образлилик мавжуд бўлган услуб илмий-оммабоб услуб саналади. Илмий услуб шу хусусияти билан оммабоб услубга яқин туради. Телевизор, радио, газета-журналларда бериладиган илмий мақолалар илмий-оммабоб бўлишга талаб қилинади. Илмий-оммабоб услубда махсус атамалар кам ишлатилади (ишлатилганда эса изоҳ берилади), фикрлар қизиқарли ифодаланади. Масалан, дунёга машҳур “Жиловланмаган Африка”, “Экспедиция”, “Кусто командасининг сувости саргузаштлари” каби илмий-оммабоб филмларда фактлар содда тилда тушунтирилади, баёнда образлиликни таъминловчи бадиий тасвир усулларида фойдаланилади.

3. Публицистик услуб. **Хабар** монологлари публицистик услубда яратилади. Шунингдек, эссе, қатра каби турлари учрайди. Газета, журнал, телевидения ва тарғибот-ташвиқот ишларида шу услубдаги монологлардан фойдаланилади. Унда ўрни билан бадиий услуб, илмий услуб ёки расмий-идоравий услуб ҳам бир матнда кетиши мумкин. Лекин услубнинг асосий номи публицистик услуб бўлиб, ижтимоий фаолиятга боғлиқ деган маънони англатади.

Бу услубдаги монологларда шаклланган матнларда образлилик, таъсирчанлик, тасвирий воситалар кўплиги билан бадиий услубга яқин. Масалан, мақола, эссе каби жанрлар бадиий услубга жуда яқин туради. Айни пайтда ихчамлик, аниқлик, лўндалик ва атамалр кўплиги билан илмий услубга ўхшашдир. Шунингдек, шевага хос сўзлар, ноестетик сўзлар, арго ва жаргонлари билан сўзлашув услубига мос келиши мумкин. Лекин публицистик услуб ижтимоий-сиёсий доирадаги муносабатлар учун хизмат қилиши, тарғибот ва ташвиқот ишларида қўлланиши, замонасозлиги, ҳозиржавоблиги каби хусусиятлари билан бошқа услублардан фарқ қилади. Шунинг учун бу услуб тилида риторик мурожаат, риторик сўрок, ундов каби стилистик усуллардан кенг фойдаланилади. Масалан, ижтимоий ҳаётдаги нуқсон ва камчиликни очиб бериш учун публицистиканинг феълетон жанри жуда қулайдир. Бошқа услубларда бундай имконият йўқ. Ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабатни ифодалаш учун эса мақола қўл келади. Масалан: *Вақт оилӣ ҳакам деймиз. У воқеа-ҳодисалару ижтимоий жсараёнлар устидан ҳамиша ўзининг одил ҳукмини чиқаради. Шу маънода мустақилигимизнинг ўн олти йили мобайнида босиб ўтилган йўлларимизга бир назар таишласак, тарихан қисқа даврда тараққиётнинг қандай даражасига эришганимиз кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади.*

Бу ҳақда ўйлаганда юртбошимизнинг ўн беш йил муқаддам айтган мана бу қатъий ва илҳом бахш даъватлари эсга тушади: “Бугунгу кунда халқни яқдил қила оладиган ишлар ва гоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу гоя атрофида бирлашсак, алсо хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар”. (ЎзАС газетаси. 2007 йил. № 37.14.09.Нормурод Маматов мақоласидан)

4. Расмий услубда монологнинг тавсиф, таржимаи ҳол каби турлари кўп тақалган. Уларда ҳужжатчилик характери етакчилик қилади. Яъни тавсифномалар маълум юридик ҳужжат асосида тайёрланади. Тавсифнома келтирилган аҷарият маълумотлар маълум ҳужжатга асосланади.

Шунингдек, расмий услубдаги монологда фикр аниқ ифода қилинади, бир хил қолип ва тайёр синтактик бирликлардан ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, деярли барча тавсизнома, таржимаи ҳолнинг кириш қисмида аниқ шахсга тегишли шахсий маълумотлар ёзилади.

Фикрни содда, қисқа, аниқ ифода этилиши расмий услубдаги монологларнинг асосий талабларидир. Масалан, “*Мен, 1993 йилда Фарғона шаҳарида тугилганман. 2000 йилда шаҳрдаги 10-ўрта мактабнинг биринчи синфига қабул қилиндим.*”

От ва феълнинг ишлатилиши бошқа услубларга қараганда кўпдир. Масалан, *Мен, Аҳмедов Равшан Фарғона шаҳар, Маърифат маҳалласи, Бобур кўчасида яшайман*. Мазкур гапда 8 та от, 1 та(мен) олмош, 1 та феъл қатнашмоқда. Шунингдек, феълнинг олдини олиши, чора кўриши, айбни очии, ҳукм чиқариши, каби ҳаракат номи; кўрилади, бажарилади, борилади каби мажҳуллик нисбати; шарт, берилсин, бўшатилинсин, тайинлансин сингари буйруқ-истак майли шакллри фаол қўлланилади.

Бу услубда уюшиқ бўлакли содда гаплар кенг қўлланиб, айрим ўринларда бўлақлар сони 8-10 тага етиши мумкин: *Темирова Дилноза факултетда ўқиши давомида ўзини тиришқоқлиги, аъло ўқиши ва намунали хулқи билан тенгдошларига ўрнатқ бўлди*.

Умуман олганда, монологлар нутқ услубларининг асосан бадиий услубида ўзининг барча хусусиятини намоён этади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ички имкониятларга эгаки улар алоҳида тадқиқотлар мавзуси бўлган. Шунинг учун, услубларнинг асосий хусусиятларига эътибор берилди, холос.

Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

- a. Монолиг нутқ деб нимага айтилади?
- b. Монологик нутқнинг асосий белгиларини биласизми?
- c. Монологик нутқ турларини сананг.
- d. Ташқи монологик нутқ турлари қайсилар?
- e. Лирик монологик нутққа мисол келтиринг.
- f. Монологик нутқда нутқ маданияти мезонларига амал қилишини сўлаб беринг.
- g. Фикр-мулоҳаза билдиришда нималарга асосланиш керак?
- h. Монолиг нутқда қайси тил воситаларидан кўпроқ фойдаланилади?

6-МАВЗУ: НУТҚ УСЛУБЛАРИДА СИНОНИМИЯ ИМКОНияТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

РЕЖА:

- 2. Дарс тури: Назарий дарс
- 3. Дарс вақти: 80 дақиқа
- 4. Дарс тип: Янги мавзунини ўзлаштириш.
- 5. Дарсда қўлланиладиган усуллар: Мустақил иш, фронтал саволлар, «Муз ёрар», «БББ» усуллари.
- 6. Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:
 - Фронтал саволлар.
 - Тест саволликлари.
 - Мустақил иш тури.
- 7. Дарс мақсадлари:
 - А. Таълимий мақсад:
 - Назарий билимларни эгаллаш ва мустаҳкамлаш.
 - Синонимия ҳодисаси ҳақида кенгроқ маълумот бериш.
 - Нутқ услубларида синонимия ҳодисасидан фойдаланишни ўргатиш.
 - Б. Тарбиявий мақсади:
 - Ўқувчиларда намунали нутқий кўникмаларни шакллантириш.
 - Ҳамширалик фаолиятида б синонимия имкониятларидан фойдаланиш.
 - Ўқувчидаги ахлоқий ва эстетик тушунчалар асосида сўзлаш кўникмасини янада ривожлантириш.
 - Фикр, туйғИ, кечинма, мақсадни турли йўллар билан ифодаланишни ўргатиш.
 - В. Ривожлантирувчи мақсад:
 - Турли нутқ жараёнига мослашиш малакасини шакллантириш.
 - Ўқувчининг намунали ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш.

- Нутқий фаолият чоғида мавзуга ижодий ёндошиш малакасини ривожлантириш.
- Мустақил фикрлаш ва ўз фикрини аниқ, тўлқ баён қилиш кўникмасини ривожлантириш.
- Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантириш.
- ўз она тилисига ҳурмат ҳиссини ривожлантириш.

8. Дарсни ўтиш жойи: факултетнинг ўқув хонаси.

9. Дарснинг дидактикаси(интеграция).

А. Фандаги мавзулар аро боғланиш:

Мавзу: 1. Монологик нутқнинг услубий фарқланиши.

Мавзу: 2. Нутқнинг услубий шакллари.

Б. Фанлараро боғланиш:

1. Она тили ва адабиёт:

Мавзу. Сўзларнинг маънодошлиги, Шаклдошлиги, зид маънолилиги ва буларнинг сўз қўллаш имкониятларига муносабати.

В. Ҳаёт билан боғлаш:

- Мавзуни медицина амалиётидан олган намунавий мулоқот асосида тушунтириш.
- Тиббиёт ходими ва бемор ўртасидаги турли суҳбат кўринишлари.
- Кундалик ҳаётимиздаги нутқий фаолият билан боғланиш.
- Ички кечинма, фикр-мулоҳаза, дунёқарашни тушунтириш.

10. Керакли билимлар доираси:

- Синонимия ҳодисаси ҳақида кенгрок маълумот бериш.
- Нутқ услубларида синонимия ҳодисасидан фойдаланишни билиш.

11. Дарсни жиҳозлаш: Синонимия ҳодисага оид кўргазмалар қуроллар, слайд, кодоскоп, экран, тарқатма материаллар.

Дарснинг хронологик харитаси

№	Дарснинг хронологик харитаси	Вақти
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа
5	Янги мавзуни мустаҳкамлаш	7 дақиқа
6	Дарснинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

13. Ўқитувчи учун адабиётлар:

А. Асосий: 1. Мўминов С., Мамажонов М. . Нутқ маданияти. Маъруза матнлари.

2. Мўминов С., Нурмонова Д., Каримова О. Нутқ маданияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.

3. Қўнғуров Р., Бегматов э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992 .

4. Каримов С.А., Маҳматмуродов Ш.М., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2003 .

5. Маҳмудова Н., Рафиев А., Йўлдошев И.. Давлат тилида иш юритиш. Академик лцейлар учун дарслик. – Т.: ШАРҚ НМАК Бош таҳририяти. 2004.

6. Аминов М. ва б. Иш юритиш. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.

Б. Қўшимча:

1. Қудратов Т. Нутқ маданиятлари асослари. – Т. : Ўқитувчи. 1993 .

2. Тожиев Ё., Ҳасанова Ҳ., Саидова Р. Нутқ маданиятлари ва услубият сослари. – Т.: Ўқитувчи, 1998.

3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. 1991 йил.

ДАРС БОСҚИЧИНИНГ МАЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади. Ўқув хонасининг тозалигини текширади, хонани кўргазмалар куроллар, техник-ахборот воситалар билан жиҳозланиши, ўқитиладиган мавзуга мослигига эътибор беради. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларнинг тайёргарлиги (китоб, дафтари, ручка каби ўқув куроллари ва кийиниши)ни текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи ўтилган мавзу номини сўрайди, сўнг янги мавзу номини айтади ва дарс ўтиш режаси, дарснинг мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни доскага ёзиб қўяди. Оқитувчи ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга тайёрлаши керак. Ўтилган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқа маълумотлар беради.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўтилган машғулот мавзуси мазмунидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг билимини текширади.

1. Фронтал саволлар.

1. Расмий –идоравий услуб деганда нимани тушунамиз?
 2. Расмий--идоравий услубнинг хусусиятларини биласизми?
- Мустақил иш
Тушунтириш хати ёзинг.

Хамширалик иши бўлими бошлиғи
Р. Алимов га
174-гуруҳ ўқувчиси М.Жўраев дан

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мен 2010 йил 1 май куни эрталабдан тобим қочиб қолганлиги учун дарсга кела олмадим. Дори ичиб ётган эдим, бироз ўзимга келдим ва ўсмирлар поликлиникасига бордим. У эрдаги врачлардан тегишли кўрсатмалар олдим. Даволаниб бўлгач маълумотнома олиб келаман. Қолдирилган дарсларни ўзлаштириб оламан.

М. Жўраев (имзо) 2010 йил 2 май

Ўтилган мавзу бўйича билимларни ва кўникмаларни ўзлаштириш даражасини изоҳлайди ва ўқувчиларни ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб ёдошилади. Ўқитувчи ўтилган мавзунини умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилиб тушунтиради. Мавзунинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаган қисмларини қисқача сўзлаб беради. Ўқувчиларни баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади.

4. Янги мавзунини тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқув дастурига асосланиб, ўқувчиларга керакли билим доираси бўйича мавзунини тушунтиради ва ўқувчилар маърузанинг асосий қисмларини дафтарга ёзиб оладилар. Оқитувчи янги мавзунини тушунтиришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар ҳамкорлигида уларнинг фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлайди.

5. Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

Фронтал саволлар:

1. Лецик бирликлар синонимияси ҳақида тушунча беринг.

2. Грамматик шакллар(гап) синонимиясини биласизми?

3. Синтактик синонимияга мисол айтинг.

6. Дарсининг якуни:

Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига жавоб беради. Дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб, ўқувчилар билимини баҳолайди баҳоларни изоҳлайди ҳамда дарсни якунлайди.

6. Уйга вазифа: С.Каримов, Ш.М. Махматмуродов, О.Н.Каримова. Нутқ маданияти. Ўқув кўлланма. Тошкент “Ўзбекистон” 2003. 156-161 бет

Дарсининг технологик харитаси

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	технология		
				Метод	Шакл	Восита
1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва технологик харита тузиш Кичик гуруҳларни шакллантириш ва уларга топшириқлар бериш.Мақсад: ўқувчилар билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш	Ўқувчилар дарсга кирмасдан олдин махсус белгилни қўғозларни олиб, ўша қўғозчада кўрсатилган гуруҳга бориб ўтиради.	Ноанъанавий	Гуруҳларни шакллантириш	Тақсимлаш қўғозчалари,
2	Мавзуга кириш 5 дақиқа	Дарсни бошланишидан олдин ўқувчилар билан танишади. Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини эълон қилади.Танишувда «Муз ёрар» усулини қўллаш.	Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини дафтарига белгилаб олади. Ҳар ўқувчи ўзининг фикрларини ёзади.	Мавзу	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, диалогик матн ёзилган кўргазма доска, бўр
3	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш 20 дақиқа	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш учун 1.Фронтал саволлар. 2. Уйга вазифани таҳлил қилади. 3. Тарқатма материаллар берилади. (Илова қилинади) 4. Мустақил иш беради.	Ўқувчилар савол ва тарқатма материалларга жавоб беришади. уйга вазифа ва мустақил ишни тақдим қилишади.	Анъанавий, мустақил иш ва тест усули	Гуруҳчалар	Турли саволликлар Тарқатма материаллар Доска ва бўр, тест Кўргазма Ўқув дафтарлари
4	Янги мавзунинг баёни 40-дақиқа	Янги мавзу баён қилинади. Ўқувчилар ёрдамида синонимия ҳодисасига мисоллар келтиради Кўргазма ва слайдги гапларни таҳлил қилиб беради.	Янги мавзуга оид маълумотларни ёзиб олишади. Синонимик матн тузишади. Слайд ва кўргазмадаги	Муаммоли маъруза Янги мавзу баён Қилиш давомид	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, мавзу бўйича ёзилган материаллар Видеомагн

			матнни ўқиб таҳлилни кузатишади.	а слайд, кўргазма ва ўқувчиларнинг мисоллардан фойдаланилади. Ҳаётдан мисоллар келтирилади.		итафон, телевизор, Видеокассета Доска ва бўр
5	Тақдирот 15 дақиқа	Саволлар беради ва мустақил иш топшириғини беради. Кичик гуруҳларда бажариладиган ишларни эшитади, камчиликларни тузатади.	Фронтал саволларга жавоб беришади. мустақил ишни ҳар бир гуруҳ алоҳида бажаради. Қўш имча саволларга жавоб берадилар. Гуруҳ сардорлари ишни тақдим қилади.	Муҳокама ва мустақил ишлаш	гуруҳчало	Дафтар, Доска ва бўр Баҳолаш мезонини варағи.
6	Баҳолаш 3 дақиқа	Кичик гуруҳларга берилган топшириқлар ва саволлар натижаларини умумлаштиради. Қайси гуруҳ ғолиб эканлигини эълон қилади.	Гуруҳчалар бир-бирларини Баҳолайдилар. Жаволларнинг тўғриси эълон қилади	Мунозар	Гуруҳчало	Доска, бўр, кўргазмали куроллар тарқатмалар
7	Умумлаштириш 2 дақиқа	Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Тинглайдилар. Умумлаштириш бўйича ўз фикрларини билдирадилар.	Сунбат-мулоҳаза	Гуруҳчало	Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга якун яшаш 3 дақиқа	Дарсни якунлайди. Уйга вазифа беради Ўқув адабиётлари: Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. 156-161 бет	Тинглайдилар. Топшириқлар ўқув адабиётлар номини эълон қиладилар.	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар Дафтарлар Доска ва бўр

Мавзу: Нутқ услубларида синонимия имкониятларидан фойдаланиш йўллари

Режа:

1. Лецик бирликлар синонимияси.
2. Грамматик шакллар(гап) синонимияси.
3. Синтактик синонимия.
4. Булардан амалда фойдаланишни ўрганиш.

Мавзуга оид таянч сўз ва атамалар: лецика, грамматика, синтацис., синонимия, синтактик синонимия, грамматик синонимия, вариант, лецик бирликлар синонимияси, грамматик шакллар синонимияси, гаплар синонимияси, изофали бирикма.

Турли услубларнинг стилистикаси воситалари ҳақида ёки синтактик воситаларининг функционал услубга муносабати ҳақидаги фикр юритилганда, биринчи навбатда, у ёки бу синтактик бирлиكنинг қўлланиш меъёри, стилистика бўёқ олмаганлиги кўзда тутилади.

Сизлар орта мактабда ва факултетнинг она тили фанида сўзлар синонимияси ҳақида маълумот олгансиз. Маъноси бир хил аммо шакли ҳар хил бўлган сўзлар синоним сўзлар дейилади. Масалан: *Чирой, ҳусн, истара ёки касал, бемор, бетоб, мазаси йўқ* каби.

Фикрни тўғри ва таъсирчанг ифодалашда синтактик синонимия имкониятидан кенг фойдаланилади. Синтактик синонимия нутқ услубларини фарқлашда муҳим стилистика воситадир. Тушунча ёки фикрнинг у ёки бу ифода варианты нутқ услубининг маълум тури учун типик бўлса, бошқаси учун типик бўлмаслиги мумкин. Стилистикада синоним ва вариант тушунчалри фарқ қилинади. Синоним маънода оттенкасини кўрсатади. Вариант эса аниқ маъно оттенкасига эга бўлмайди. У бир маъно оттенкасини доирасида бўлади. “Вариантлар, - деб ёзади э И. Шенделс, синоним ҳисобланмайди? Улар бир маъно жиҳатидан бир хил дублет бўлади ёки маъносидаги фарқни грамматик маънолар темасига таъсир кўрсатмайди”. Қиёсланг: *Бу боққа жуда кўп меҳнатимиз синган (О). Меҳнатимиз бу боққа жуда кўп синган ; Албатта гапиринг, албатта, яхшими? (Ж. А) Гапиринг, яхшими?* Умумлашган грамматик маъно синонимик гапларнинг маъносидан келиб чиқади. Умумий маъно турлича усуллар билан ифодаланилади. Синтактик синонимия нутқда мана шулардан танлаб олиб қўллаш имконини беради. Синтацисга функционал ёндошиш синонимик гуруҳлардан қанчалик ўринли фойдаланилганини аниқлашга хизмат қилади. Тилни яхши ўзлаштиришда синонимияни билиш муҳимдир. “Юцак нутқий маданийлик, - деб ёзилади Г. А. Золотова, - фикрни турли услублар билан ифода қила олиш коммуникатив вазифага кўра тил воситаларидан аниқ ва мақсадда мувофиғини танлай олишдир”.

Синтактик синонимия гап бўлган сўз бирикмаси, гап доирасида бўлиши мумкун. Гап бўлагига оид синонимия лецик синонимияга бир мунча ўхшаса-да, фарқли томонлари ҳам бор: Лецик синонимияда лецемалар, уларнинг лецик маъносини ҳисобга олса, синтактик синонимия гап бўлаклари ҳақида фикр юритилади. Унинг маъноси билан бир қаторда стурктураси ва формаси ҳам ҳисобга олинади. Одатда, гап бўлакларининг ҳар бир синонимия ҳосил қилиш мумкин. Қуидаги бош бўлакларидан кесим, иккинчи даражали бўлакларидан тўлдирувчи ва ҳоллар синонимиясини кўриб ўтамиз:

Бир бўлакли гапларнинг бир турида кесим, ҳаракат номи (ўқиш, ўқимок, ўқув) ҳамда керак, зарур, лозим, даркор каби сўзларнинг қўшилишидан ташкил топган конструкциялар билан ифодаланилади.

Кесим синонимиясида. Ҳаракат номининг қайси формада келиши, кўрсатилган сўзларнинг ҳар бир билан бирга келиши стилистика талабига боғлиқ. Қиёсланг: *Жасоратларга офарин ўқимок керак (О) Лекин зарур вақтдагина тилга эрк бермоқ лозим. (О.) Шунинг учун уларни гафлатда уйғотиш даркор. (О.) Ақл фаҳм- фаросат билан кўнгилни йўлга солиб туриш керак. (А. К.)* Бу гапларнинг барчасида кесим иш ҳаракатини бажариш мажбурий, зарурий эканлигини ифода

этаяпди. Бундан ташқари, кесим ўзига хос маъно оттенкасига ҳам эга. Кўмакчили ва келишликли формадаги тўлдирувчи ва ҳолат синоним-я ҳосил қилади.

Тўлдирувчи синонимияси: *Олим учун виждон ҳам ўткир иш каби зарур. (Ж. А.) Олимга виждон ҳам ўткир илим каби зарур. Атрофда ичишга ярайдиган бир қўлтим сув кўринмасди. (Ж.А.) атрофда ичиш учун ярайдиган бир қўлтим сув кўринмасди.*

Ҳол синонимияси: *Абдулла севинганидан сакраб юборай деди. (У.У.) Абдулла севингани учун сакраб юборай деди. Адолат ўзининг довдираб қолганлигидан уялиб кетди.* Нутқда бундай синонимлар қатор-қатор келиши ҳам мумкин. Бу вақтда нутқ таъсирчанлиги, эҷпрессивлик кучаяди. *Лекин нима сабабдан, нима учун бундай қиладилар, билмайман.* («Саодат» журналичдан).

Содда гап синонимияси

1. Икки бўлакли ва бир бўлакли гаплар синонимияси. *Элга қўшилган эр бўлади, элдан ажиралган ер бўлади.* Булардан бир ҳил типик мазмун ифодаланган. Аммо гап структураси икки ҳил: биринчи гап икки бўлакли, иккинчи гап шахси умумлашган бир бўлакли гапдир. Булар маъно оттенкацияга ҳам кўра: биринчи гап ҳаётий тажриба ифодаланипти, иккинчи гапта умумга қаратилипти. Бошқа мисол: ишқилиб ўққа учиб кетмаган, ўртоқларинг билан енгилманглар (Ғ, Г) иш қилиб, сен ўққа учиб кетмагин. Биринчи гап шахси аниқ бир составли гап, иккинчи гап икки бўлакли гап. Ҳар иккисидан бир ҳил типик мазмун ифодаланган лекин биринчи гапта диққат маркази ҳаракатга, иккинчисидан эса субъектига қаратилган. Шунингдек, сен мажлисда сўзга чиқишинг керак типичдаги икки бўлакли гап сенга мажлисда сўзга чиқошинга тўғри келеди типичдаги эгаси топилмайдиган бир бўлакли гапларга синоним бўлади.

Бир бўлакли гаплар синонимияси

1 Кечага таклиф қозоғи билан киритишади. 2. Кечага таклиф қозоғи билан киритилади.

Биринчи гап эгаси топиладиган гапларнинг шахси ноаниқ тури, иккинчиси эса эгаси топилмайдиган гапдир. Буларнинг умумийлиги бир бўлакли гапларнинг эгасиз тури бўлишида, мазмундаги фарқ биринчи гапта шахс ноаниқ бўлса ҳам, уни топиш мумкинлиги, иккинчи гапта эса характернинг шахс истагига боғлиқ эмаслиги, эгаси топиш мумкин эмаслигидадир.

Деярли барча риторик сўроқ гаплар ўз синонимияга эга бўлади: *Менга нима қилибди?! Отдекман. Бир кун минг кун эмас.* (У.У.) Биринчи гапта менга ҳеч нарса қилгани йўқ деган мазмун кучли эмоция билан ифодаланган. Ҳар икки гапта типик мазмун англашилади. Лекин уларнинг биринчиси риторик сўроқ гап, иккинчиси эса дарак гапдир.

Сўз бирикмаси доирасида синонимия.

Бундай синонимия кўпроқ тобе бўлак формалари асосида ҳосил бўлади. Қунда булардан баъзи намуналар келтираимиз.

Тобе бўлаги турли келиши формалари билан ифодаланган сўз бирикмалари: *Зулфияни боради, деб ўйладим.* Тобе бўлган тушум ва жўналиш келишликлари билан ифодаланган сўз бирикмалари-*Ўқишни ўргандим-ўқишга ўргандим, велосипедни минмоқ-велосипедни минмоқ.*

Биринчи компоненти қаратқич ва чиқиш келишликлари билан ифодаланган сўз бирикмалари: *студентларнинг бири, студентлардан бири.*

Тобе бўлаги тушум ва ўрин-пайт келишликлари билан ифодаланган сўз бирикмалари: кўчада изғимоқ-кўчани изғимоқ. Тобе бўлаги тушум ва чиқиш келишликлари билан ифодаланган сўз бирикмалари: *Кўпчиликларни гапирмоқ-кўпчиликлардан гапирмоқ, даврни ошиб ўтмоқ -даврдан ошиб ўтмоқ.* Келишликли ва кўмакчилик конструкциялар синонимия ҳосил қилади: *телефон орқали сўзлашмоқ -телевизорда кўрсатиш; Зулфия учун олмоқ – Зулфияга олмоқ* ва бошқалар.

Қаратувчи – қаралмиш бирикмаси сифатловчи - сифатланмиш бирикмаси билан синонимия ҳосил қилади. *Гуруҳимиздаги барча талабалар спорт билан*

шуғилланади. Гуруҳимизнинг барча талабалари спорт билан шуғилланади.

Аниқловчи аниқланмиш бирикмаси тожикча изофали бирикма билан синонимия ҳосил қилади: *азим дарё, истироҳат боғи боғи истироҳат, достон мадҳи – мадҳи достон, бедаво дард-дардир бедаво, нафс балоси- балойи нафс суҳбат аҳли-аҳли суҳбат.*

Изофали бирикма кўпроқ бадий сўзлашув услублари учун ҳарак-терлидир. Айниқса, эски услубда ёзилган шеър рий асарларда, тарихий мавзуга оид прозаик асарларда изофалик бирикмаларга кўп мурожат қилинади.

Гаплар синонимияси. Ўзбек тилида гап қурилиши бой стилистик имкониятларга эга.

Савол ва топшириқлар:

- a. Синонимия ҳодисаси ҳақида тушунча беринг.
 - b. Синонимиянинг қайси турларини биласиз.
 - c. Лецик бириклар синонимия деганда нимани тушунамиз? Мисол келтиринг.
 - d. Ега синонимиясига мисол биласизми?
 - e. Кесим синонимиясига-чи?
 - f. Тўлдириувчи ва ҳол синонимиясига ҳам мисоллар топинг.
 - g. Гаплар синонимияси ҳақидаги фикрингизни айтинг.
 - h. Бадий ва илмий услубда синонимия имкониятидан фойдаланиб матн ёзинг.
- Масалан: Бадий услуб: *Шамол тўпалончи боладек, ҳаммаёқни тўзитиб, гўр меваларни ер билан битта қилиб таишлади. Янги чиққан, ҳали тўла пишиб етмаган узум, шафтоли, ўрик, терак барглари ям-яшилликча ер билан яқон бўлди. Илмий услуб: Шамол ҳаво заррачаларини кучли босим остида маълум бир томонга йўналган тартибсиз ҳаракатидир. У ўз йўлидаги ҳамма нарсани бузиш қувватига эга.*

7-МАВЗУ: Ўзбек муншаоти тарихи. Тарихий ҳужжат турлари

2. Дарс тури: Назарий дарс

3. Дарс вақти: 80 дақиқа

4. Дарс тип: Янги мавзунини ўзлаштириш.

5. Дарсда қўлланиладиган усуллар: Инновацион технологиялари асосида “Муз ёрар”, “Мустақил иш” усуллари.

6. Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:

- Фронтал саволлар.
- Тест саволликлари.
- Мустақил иш тури.
- Амалий иш тури.

7. Дарснинг мақсадлари:

А. Таълимий мақсад:

- Ўзбек муншаоти тарихини ўргатиш.
- Муншаот ҳақида тушунча бериш.
- Тарихий ҳужжат намуналари ҳақида маълумот бериш.

Б. Тарбиявий мақсад:

- Ўқувчиларда намунали нут қўникмаларини шакллантириш.
- Иш юритиш қўникмасини шакллантириш.
- Ўқувчидаги ахлоқий ва эстетик тушунчалар асосида расмий муомала қўникмасини янада ривожлантириш.

В. Ривожлантирувчи мақсад:

- Турли нутқ жараёнига мослашиш малакасини шакллантириш.
- Ўқувчининг намунали ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш.
- Иш юритиш чоғида ижодий ёндошиш малакасини ривожлантириш.
- Мустақил фикрлаш ва ўз фикрини аниқ, тўлқ баён қилиш кўникмасини ривожлантириш.
- Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантириш.
- Ўз она тилисига ҳурмат ҳиссини ривожлантириш.
- Мустақил равишда ҳужжатлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш.

8. Дарсни ўтиш жойи: факултетнинг ўқув хонаси.

9. Дарснинг дидактикаси(интеграция).

А. Фандаги мавзулараро боғланиш:

Мавзу: 1. Расмий ва шахсий хат, уларнинг ўзаро фарқлари

Мавзу: 2. Турли расмий хатларнинг мазмуний таснифи

Б. Фанлараро боғланиш:

1. Она тили ва адабиёт:

Мавзу.1. Расмий идоравий услубнинг хусусиятлари.

2. Рус тили. Мавзу. 1. Основные речевых стилей.

3. Ўзбекистон тарихи. Қадимги давлатчилик тарихи.

В. Ҳаёт билан боғлаш:

- Мавзуни медицина амалиётидан олган намунавий иш юритиш асосида тушунтириш.
- Тиббиёт ходими ва бемор ўртасидаги хизмат муомалаларининг кўринишлари.
- Кундалик ҳаётимиздаги иш юритиш фаолияти билан боғланиш.
- Ички кечинма, фикр-мулоҳаза, дунёқарашни тушунтириш.

10. Керакли билимлар доираси:

- Муншаот ҳақида тушунча бериш.
- Ўзбек муншаоти тарихини ўргатиш.
- Тарихий ҳужжат намуналари ҳақида маълумот бериш.

11. Дарсни жиҳозлаш: Ўзбекистон тарихига оид кўргазмали куруллар, Унутилган подшоликдан хатлар, Қадимги хатлардан намуналар, тарқатма материаллар, кодоскоп, слайд.

Дарснинг хронологик харитаси

№	Дарснинг хронологик харитаси	Вақти
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа
5	Янги мавзуни мустаҳкамлаш	7 дақиқа
6	Дарснинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

13. Ўқитувчи учун адабиётлар:

А. Асосий:

1. Давлар тилида иш юритиш. Электрон дарслик. ЎМКХТРИ. 2003.
2. Маҳмудов Н., Рафиев А., Ёўлдошев И. Давлат тилида иш юритиш. Дарслик. 2004
3. Каримов С.А., Маҳматмуродов Ш., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. –

Т.: Ўқитувчи, 2003.

4. Солижонов Й., Йўлчиев Қ., Йўлчиева А. Нутқ маданияти. – Фарғона, 2008.

Б. Қўшимча: 1. Иш юритиш. Амалий қўлланма. 2002 .

2. Кудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т. : Ўқитувчи, 1993 .

3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. – Т. , 1991.

ДАРС БОСҚИЧИНИНГ МАЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади. Ўқув хонасининг тозаллигини текширади, хонани кўргазмали қуроллар, техник-ахборот воситалар билан жиҳозланиши, ўқитиладиган мавзуга мослигига эътибор беради. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларнинг тайёргарлиги (китоб, дафтар, ручка каби ўқув қуроллари ва кийиниши)ни текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи биринчи курсда олинган билимларни аниқлайди, сўнг янги мавзу номини айтади ва дарс ўтиш режаси, дарснинг мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни доскага ёзиб қўяди. Оқитувчи ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга тайёрлаши керак. Ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқа маълумотлар беради.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текширади ва бошланғич назорат олади.

(Тест саволликлари илова қилинади)

Фан бўйича билимларни ва кўникмаларни ўзлаштириш даражасини изоҳлайди ва ўқувчиларни ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб ёндошилади. Ўқутувчи мавзунини умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилиб тушунтиради. Мавзунинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаган қисмларини қисқача сўзлаб беради. Ўқувчиларни баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади.

4. Янги мавзунини тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқув дастурига асосланиб, ўқувчиларга керакли билим доираси бўйича мавзунини тушунтиради ва ўқувчилар маърузанинг асосий қисмларини дафтарга ёзиб оладилар. Оқитувчи янги мавзунини тушунтиришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар ҳамкорлигида уларнинг фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлайди.

5. Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

Фронтал саволлар:

1. Муншаот ҳақида тушунча беринг.
2. Ўзбек муншаотининг тарихий босқичларини биласизми?
3. Тарихий ҳужжат намуналари ҳақида нималарни биласиз?

6. Дарснинг якуни:

Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига жавоб беради. Дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб, ўқувчилар билимини баҳолайди баҳоларни изоҳлайди ҳамда дарсни якунлайди.

6. Уйга вазифа:

№	Дарс босқичла ри	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	Технология		
				Метод	Шакл	Восита
1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижалар ни белгилаш, манти- кий структура ва тех нологик харита тузиш Кичик гуруҳларни шакллантириш ва улар га топшириқлар бериш.Мақсад: ўқувчилар билимларини чуқур- лаштириш, мустаҳкамлаш	Ўқувчилар дарсга кирмасдан олдин махсус белгили қоғозларни олиб, ўша қоғозчада кўрсатилган гуруҳга бориб ўтиради.	Ноанъан авий	Гуруҳлар ни шаклланти риш	Тақсимлаш қоғозчалари,
2	Мавзуга кириш 5 дақиқа	Дарсни бошланиши дан олдин ўқувчи ларга мавзу номи, мақсад,натижа ва баҳолаш мезонла- рини эълон қилади. Та нишувда “Муз ё рар” усулини қўллаш.	Мавзу номи, мақсад,натижа ва баҳолаш мезонларини дафтарига бел гилаб олади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг фикр ларини ёзади.	Мавзу	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, Ўзбек муншаотин инг тари хий бос кичлари ёзилган кўргазма доска, бўр
3	Ўқувчил арнинг олдинги билимла рини текшири ш 20 дақиқа	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш учун Бошланғич назорат саволликлари берилади. (Илова қилинади)	Ўқувчилар савол ва таркатма материалларга жавоб беришади.	Анъанав ий тест усули	Гуруҳча- лар	Саволлик лар Таркатма материаллар Доска ва бўр тест Кўргазма Ўқув дафтарлари
4	Янги мав зунинг баёни 40- дақиқа	Янги мавзу баён қилинади. Мавзу: Ўзбек муншаоти тарихи. Тарихий хужжат турлари. Ўқувчиларга мавзун айтиб беради Слайд ва кўргазмадан фойдаланади	Ўзбек муншаоти тарихи. Тарихий хужжат турлари рига оид маъ лумотларни ёзиб олиша ди. Слайд ва кўргазмадаги матнни ўқиб таҳлил кузатишади.	маъруза Янги мавзу баён Қилиш давомид а слайд, кўргазма ва бошқа Дидактик материал ларданда н фойдалан илади.	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, мавзу Бўйича ёзилган материалла р Слайд, кодоскопД оска ва бўр

				Ҳаётий мисоллар келтирад и.		
5	Тақдимо т 15 дақиқа	Саволлар беради ва мустақил равишда ҳужжатларнинг турларини топиш топиширини беради. Кичик гуруҳларда бажариладиган ишларни эшитади, камчиликларни тузатади.	Фронтал саволларга жавоб беришади. Топширикни ҳар бир гуруҳ алоҳида бажаради. Қўшимча саволларга жавоб берадилар. Гуруҳ сардорлари жавобни тақдим қилади.	Муҳокама ва мустақил ишлаш	Кичик гуруҳлар	Дафтар, Слайд кодоскоп Доска ва бўр Баҳолаш мезонини варағи.
6	Баҳолаш 3 дақиқа	Кичик гуруҳларга берилган топшириқлар ва саволлар натижаларини умумлаштиради. Қайси гуруҳ ғолиб эканлигини эълон қилади.	Гуруҳчалар бир-бирларини Баҳолайдилар. Жаволларнинг тўғисини ёзиб олади	Мунозара	Гуруҳчалар	Доска, бўр, кўргазмали куруллар тарқатмалар
7	Умумлаштириш 2 дақиқа	Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Тинглайдилар. Умумлаштириш бўйича ўз фикрларини билдирадилар.	Сунбат-мулоҳаза	Гуруҳчалар	Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга якун яшаш 3 дақиқа	Дарсни якунлайди. Уйга вазифа беради Ўқув адабиётлари: 1.Давлат тилида иш юритиш. Дарслик. 37-41 бетлар. 2. С.А.Каримов Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. 2001 3.Иш юритиш. Амалий қўлланма 2002 йил.	Тинглайдилар. Топшириқлар ўқув адабиётлар номини ёзиб оладилар.	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар Дафтарлар Доска ва бўр

РЕЖА:

1. Муншаот ҳақида тушунча.
2. Ўзбек муншаотининг тарихий босқичлари.
3. Тарихий ҳужжат ҳақида маълумот.
4. Ҳозирги ўзбек иш йиритишининг ривожланиши.

Таянч сўз ва иборалар: Муншаот, тарихий босқич, васиқа, васиятнома, фармон, ёрлик, шартнома, тилхат, сўғд ҳужжатлати, оромий ёзуви, хоразм ёзуви, ўрхун ёзуви, уйғур ёзуви, араб ёзуви, рус-кирилл ёзуви, иш юритиш.

Жуда қадим замонлардаёқ жамиятни бошқариш анъанаси мавжуд бўлган. Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликнинг ўрталарида ёзилган қадимги Аккад(Вавилон-Ассирия)ларнинг аккад тилидаги иш қоғозлари ёки ундан қадимги тарихга эга бўлган қадимги Хитой ва Миср манбаалари, шумерларга тегишли бўлган расмий хатлар шулар жумласидандир. Ҳиндларнинг муқаддас китоби бўлмиш “ВЕДА”ларга ишонсак ҳиндларга эрамиздан олдинги 3 мингйилликда шимолий ғарбдан катта халқлар кириб келган. Улар ўзлари билан ёзув маданиятини, турли йўриқномаларни олиб келишган. Ҳиндистоннинг шимолий-ғарби ҳозирги Ўзбекистон ва унга туташ ерлар эканлигини назарда туцак аجدодларимиз узок ўтмишда ҳам иш юритишни яхши йўлга қўйганликларига ишонмасдан илож йўқ. Демак, жуда қадим даврлардан бошлаб давлат ва жамиятни маданий кўринишда бошқариш йўлга қўйилган. Бу каби бошқарув эса ўзининг махсус усулига бўлиб, у турли иш қоғозлари ва маъмурий меъёрларга асосланган. Жамиятни бу каби бошқариш жараёни иш юритиш деб аталади. Ҳозирги кунда ҳам жамиятни тартибли бошқариш учун махсус қонунлар, йўриқномалар, тартиб- қоидалар, низомлар ишлаб чиқилган. Ана шундай ҳужжатларни тайёрлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилувчиларни иш юритувчилар деб номланади. Қадимда уларни мирзо, нозим, мунший деб аташган.

“Муншаот” сўзи арабча сўз бўлиб, иншо сўзининг кўплигини ифодалайди ҳамда “ёзувчи”, “қайд қилувчи”, “баён қилувчи” каби маъноларни англатади.

Муншаот деганда бирор давлатнинг расмий тили асосида давлат ва жамият ишларини ташкиллаш ва олиб бориш, бошқариш тушунилади. Давлат, жамоат, ва нодавлат ташкилотларида махсус кишикар бўлиб улар иш юритувчи вазифасини бажарадилар. Ҳокимиятларда конселярия ходимлари, бошқа жойларда бевосита иш юритувчилар, яна бошқа ташкилотларда эса кадрлар бўлими расмий хатлар билан ишлайдилар.

Ўзбек муншаоти тарихи илк ўзбек давлатчилиқ даврига бориб тақалади. Эрамиздан аввалги 3 минг йилликдаёқ аجدодларимиз инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро мутаносибликни билганлар ва табиатни авайлаш мақсадида турли тартиб қоидалар ишлаб чиққанлар. Шунга кўра улар ўз ҳаётларни ташкил этганлар. Уларнинг кўпчилиги ёзилмаган қонун кўринишида бугунги кунгача етиб келган. Булар одоб-ахлоқ кодексидир.

Ўзбек муншаоти тарихида “Авесто” муқаддас китоби ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Унда турли расмий-диний бошқарув меъёрлари, тартиб қоидалар, низомлар баён қилинган ва ўша даврда аجدодларимиз жамиятни ана шу манбаа асосида бошқаришган. Масалан: яхши ҳокимлар ҳокимлик қилсин, (ёмон ҳокимлар ҳокимлик қилмасин). Улар эзгулик таълимоти ва садоқатни амалда намоён қиладилар. Бу таълимот кишилар ва уларнинг авлодларига фаровонлик олиб келади. (История всемирной литературы. 1 том. 253 стр. «Наука». Москва. 1983 г.) Бу барча одил подшоларнинг қандай бўлиши, уларнинг асосий хусусиятлари баён қилинган.

Муншаотимиз тарихи билан боғлиқ ибратли яна бир ривоят мавжуд. Биз барчамиз улуғ Тўмарисни чинакам миллий қаҳрамон сифатида эшитганмиз. Ана шу шахсга эрон

шоҳи таслим бўлиш ёки турмушга чиқиш ҳақида таклиф берганда, Тўмарис энг жанговар йигитларидан бештасини саралаб олади. Сўнгра уларнинг қўлига тирик сичқон, тирик бақа, тирик қуш, бешта камон ўқи ва битта камон бериб юборади. Бу қадимги туркий қабилаларнинг эрон билан расмий равишдаги илк расмий хатларидан бири бўлиб жуда катта аҳамиятга эга. Бу хат Тўмариснинг эронийларга қўйган шарти эди.

Эрамизнинг бошларида Марказий Осиёда марказлашган улкан Турк ҳоконлиги ташкил топган ва у араб босқинига қадар яшаган. Бизга ундаги турли расмий қоғозлар, тилхатлар, васиятлар етиб келган. Ўрхун – энасой тошбитикларидаги Тунйўқуқ, Билга ҳокон, Кул тегин васиятномалари, Андижон вилоятидан топилган сополдаги аҳднома шулар жумласидандир.

Эрамизнинг VIII асрдан бошлаб юртимизга араблар бостириб кира бошлаган ва ҳокимият араблар қўлига ўтгач. Иш юритиш ҳам арабча олиб борилган. Бу ҳол XIX асрнинг охири, XX сарнинг бошларигача давом этган. Ундан кейин, рус-кирилл тартибида иш юритилган. 1989 йилдан буён эса Ўзбек тилида иш юритилмоқда.

Ўзбек муншаоти тарихини шартли равишда қуйидаги тараққиёт босқичларга бўлиш мумкин.

1.Эрамизгача бўлган энг қадимги давр муншаоти.

Бу даврдаги манбаа оғози ҳужжатлар, “Авесто” китоби ва Широқ, Тўмарис каби ривоятларни киритиш мумкин.

2.Эрамизнинг II асрдан VII-VIII асригача бўлган давр муншаоти.

Бу давр ҳам ўзининг сўғдий хатлари, тангалари, шартномалар, тилхатлар, уйғур монийлик, буддавийлик, шомонийлик йўриқномалари билан қадрлидир. Турк ҳоконлиги, Хунлар империяси, Сўғдиёна давлати муншаоти ўрганилади.

3.IX-XIX асрларни ўз ичига олган туркий-исломий давр:

А) IX-XI аср умумтуркий давр муншаоти. Бу даврда Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар давлатидаги иш юритиш асосий манбаа ҳисобланади.

Б) XII-XIII аср илк ўзбек муншаоти, Хоразмшоҳлар мамлакати муншаоти ўрганилади.

Д) XIV-XVI аср ёки Темурийлар даври муншаоти.

Е) XVII-XIX аср уч хонлик муншаоти (Қўқон хонлиги муншаоти XIX асрнинг 60-йилларигача ўрганилади),

4. XIX аср сўнгги чораги ва XX асрнинг бошларидан 1989 йилгача бўлган мустамлака даври.

5. Ҳозирги ўзбек муншаотида ишлатилган асосий ҳужжатлар ва уларнинг намуналари ҳақида

Мазкур тарихий босқичларда аجدодларимиз ёрлик, арзнома, қарзнома, васика, тилхат, шартнома, фармон, амр, сулҳ, битим, низом каби тарихий ҳужжат турларидан кенг фойдаланишган. Улардан ацарияти ҳозир ҳам ўз мақомида ишлатилади. Масалан, Бобур мирзо давлатида Фармони оилӣ қонуний ҳужжат ҳисобланган. Ҳозир ҳам президент фармони барча бажариши шарт бўлган расмий ҳужжат сифатида эътироф этилади. Низом эса қисман ўзгаришлар билан ишлатилади.

X-XIX асрларда ёрлик, фармон, нома, битим, арзнома, қарзнома, васика каби ҳужжатлар кенг тарқалган. Ёрликлар мазмунан турлича бўлган. Улар хабар, тавсиф, фармойиш, билдириш, тасдиқлаш каби мазмунни ифодалаган. Бу ўринда Тўхтамишхоннинг 1393 йили поляк қироли Яғайлага йўллаган ёрлиғи, Бобурнинг отаси Умар шайх мирзонинг 1469 йили марғилонлик Мир Саид Аҳмад исмли кишига берган ёрлиғи, Тошкент ҳокими Юнусхўжанинг 1779 йил 2-июнда Россия подшосига ўз элчилари орқали юборган ёрлиғи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўрта Осиё ҳудудларидан топилган қадимги маданий обидалар, турли моддий жисмларга битилган маълумотномалар аجدодларимизнинг қадимдан ўзига хос ҳужжатчилик анъаналарига риоя қилганликларидан далолат беради. Ўрта асрларда иш юритиш ҳуқуқий мақомга эга бўлган. Давлат маҳкамаларида муншаот тизими шаклланди

ва қатор ҳужжат турлари пайдо бўлди.

Ўзбек тилининг расмий –идоравий тил сифатида қўлланиши қорахонийлар ҳукмдорлиги даврида бошланди. XX асрдан сўнг ўзбек хонлари ва амирлари саройларида ёзилган турли хил ҳужжатлар ўзига хос мазмуни, муайян тартиби ва нутқий қолипи билан ажралиб туради. Собиқ тизим вақтида рус тилида иш эса ўзбек тилининг расмий сифатидаги имкониятларини пасайтирди. Лекин 1989 йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, ўзбек тили яна расмий иш юритишда ўз мавқеини эгаллади. Мустақиллик йилларида эса унинг мақоми мустаҳкамланди. Ҳозирда Олий мажлис ҳузуридаги махсус комиссия давлат ташкилотларида давлат тилига амал қилинишни доимий равишда назорат қилиб боришади. Архивлар бошқармаси ҳузуридаги олимлар эса иш юритишнинг талаблари билан ҳужжатларга зарур ўзгартитишлар киритиб, янги турдаги ҳужжатлар шаклини тайёрлашмоқда.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Муншаот дегенда нимани тушунасиш?
2. “Муншаот” сўзининг луғий маъносини биласизми?
3. Ўзбек муншаотининг тарихий босқичларини сананг.
4. Энг қадимги Муншаот манбааларини биласизми?
5. Қайси тарихий босқичларда қайси ёзув ва ҳужжатлардан фойдаланилган?
6. Тарихий ҳужжатлар ҳақида маълумот беринг.
7. Ҳозирги ўзбек иш йиритишининг ривожланиши ҳақида нималарни биласиз?

8-МАВЗУ: Расмий ва шахсий хат, уларнинг ўзаро фарқлари

2. Дарс тури: Назарий дарс

3. Дарс вақти: 80 дақиқа

4. Дарс типи: Янги мавзунини ўзлаштириш.

5. Дарсда қўлланиладиган усуллар: Инновацион технологиялари асосида «Муз ёрар», “Б.Б.Б.” усуллари.

6. Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:

- Фронтал саволлар.
- Тест саволликлари.
- Мустақил иш тури.
- Амалий иш тури.

7. Дарс мақсадлари:

А. Таълимий мақсад:

- Назарий билимларни эгаллаш ва мустаҳкамлаш.
- Ҳужжатчиликдаги хатларнинг ўрнини билиш.
- Хатларнинг тури ва хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.
- Расмий хатнинг фарқларини ўрганиш.
- Шахсий хат ва унинг турларини билиш.

Б. Тарбиявий мақсади:

- Ўқувчиларда намунали ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш.
- Хатлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш.
- Шахсий хат ёза олиш кўникмасини ривожлантириш.

В. Ривожлантирувчи мақсад:

- Турли нутқ жараёнига мослашиш малакасини шакллантириш.
- Ўқувчининг намунали ёзма ва огзаки нутқини шакллантириш.
- Иш юритиш чоғида ижодий ёндошиш малакасини ривожлантириш.

- Мустақил фикрлаш ва ўз фикрини аниқ, тўлқ баён қилиш кўникмасини ривожлантириш.
 - ўз она тилисига ҳурмат ҳиссини ривожлантириш.
- 8. Дарсни ўтиш жойи:** факультетнинг ўқув хонаси.
- 9. Дарснинг дидактикаси(интеграция).**
- А. Фандаги мавзулар аро боғланиш:
Мавзу: 1. Турли расмий хатларнинг мазмуний таснифи.
- Б. Фанлараро боғланиш:
1. Она тили ва адабиёт:
Мавзу.1. Расмий-идоравий услубнинг хусусиятлари.
 2. Рус тили. Мавзу. 1. Освоение речевых стилей.
- В. Ҳаёт билан боғлаш:
- Мавзунини медицина амалиётидан олган намунавий иш юритиш асосида тушунтириш.
 - Тиббиёт ходими ва бемор ўртасидаги хизмат муомалаларининг кўринишлари.
 - Кундалик ҳаётимиздаги хатнинг ўрнини кўрсатиш;
 - иш юритишдаги расмий хат билан боғланиш;
 - Ички кечинма, фикр-мулоҳаза, дунёқарашни тушунтириш;
- 10. Керакли билимлар доираси:**
- Ҳужжатчиликдаги хатларнинг ўрнини билиш.
 - Хатларнинг тури ва хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.
 - Расмий хатнинг фарқларини ўрганиш.
 - Шахсий хат ва унинг турларини билиш.
- 11. Дарсни жиҳозлаш:** Расмий хат ва шахсий хат намуналари, кўргазмали куроллар, Унутилган подшоликдан хатлар, Қадимги хатлардан намуналар, тарқатма материаллар, кодоскоп, слайд.

Дарснинг хронологик харитаси

№	Дарснинг хронологик харитаси	Вақти
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа
5	Янги мавзунини мустаҳкамлаш	7 дақиқа
6	Дарснинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

13. Ўқитувчи учун адабиётлар:

А. Асосий:

1. Давлар тилида иш юритиш. Электрон дарслик. ЎМКХТРИ. 2003.
 2. Маҳмудов Н., Рафиев А., Ёўлдошев И. Давлат тилида иш юритиш. Дарслик. 2004
 3. Каримов С.А., Маҳматмуродов Ш., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2003.
 4. Солижонов Й., Ёўлчиев Қ., Ёўлчиева А. Нутқ маданияти. – Фарғона, 2008.
- Б. Қўшимча:** 1. Иш юритиш. Амалий қўлланма. 2002 .
2. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т. : Ўқитувчи, 1993 .
 3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. – Т. , 1991.

ДАРС БОСҚИЧИНИНГ МАЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади. Ўқув хонасининг тозалигини текширади, хонани кўргазмали қуроллар, техник-ахборот воситалар билан жиҳозланиши, ўқитиладиган мавзуга мослигига эътибор беради. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларнинг тайёргарлиги (китоб, дафтари, ручка каби ўқув қуроллари ва кийиниши)ни текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи ўтилган дарсда олинган билимларни аниқлайди, сўнг янги мавзу номини айтади ва дарс ўтиш режаси, дарснинг мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни доскага ёзиб қўяди. Оқитувчи ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга тайёрлаши керак. Ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқа маълумотлар беради.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўтилган мавзу бўйича олган билимини текширади.

Фан бўйича билимларни ва кўникмаларни ўзлаштириш даражасини изоҳлайди ва ўқувчиларни ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб ёдошилади. Ўқутувчи мавзунини умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилади тушунтиради. Мавзунинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаган қисмларини қисқача сўзлаб беради. Ўқувчиларни баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади.

Саволлар:

3. Муншаоти деганда нимани тушунаси?
4. “Муншаот” сўзининг луғавий маъносини биласизми?
- 3 Ўзбек муншаотининг тарихий босқичларини сананг.
4. Энг қайимги Муншаоти манбааларини биласизми?
5. Қайси тарихий босқичларда қайси ёзув ва ҳужжатлардан фойдаланилган?
6. Тарихий ҳужжатлар ҳақида маълумот беринг.
7. Ҳозирги ўзбек иш йиритишининг ривожланиши ҳақида нималарни биласиз?

4. Янги мавзунини тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқув дастурига асосланиб, ўқувчиларга керакли билим доираси бўйича мавзунини тушунтиради ва ўқувчилар маърузанинг асосий қисмларини дафтарга ёзиб оладилар. Оқитувчи янги мавзунини тушунтиришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар ҳамкорлигида уларнинг фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлайди.

5. Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

Фронтал саволлар:

1. Ҳужжатчиликдаги хатларнинг ўрнини биласизми?
2. Хатларнинг тури ва хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.
3. Расмий хатнинг хусусиятини сананг.
4. Шахсий хат ва унинг турларини айтинг.

6. Дарснинг якуни:

Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига жавоб беради. Дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб,

ўқувчилар билимини баҳолайди баҳоларни изоҳлайди ҳамда дарсни якунлайди.

6. Уйга вазифа:

Н.Маҳмудов, А. Рафиев, И. Йўлдошев. Давлат тилида иши юритиш. Дарслик. 42—47 бет. Шахсий- ижтимоий хат ёзиш

Дарснинг технологик харитаси

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	технология		
				Метод	Шакл	Восита
1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва технологик харита тузиш Кичик гуруҳларни шакллантириш ва уларга топшириқлар бериш. Мақсад: ўқувчилар билимларини чуқурлаштириш, янги мавзунини ўзлаштириш	Ўқувчилар дарсга кирмасдан олдин махсус белгиларни қоғозларни олиб, ўша қоғозда кўрсатилган гуруҳга бориб ўтиради.	Ноанъанавий: Б.Б.Б.	Гуруҳларни шакллантириш	Таксимлаш қоғозчалари,
2	Мавзуга кириш 5 дақиқа	Дарсни бошланишидан олдин ўқувчилар билан танишади. Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. Танишувда «Муз ёрар» усулини қўллаш.	Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини дафтарида белгилаб олади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг фикрларини ёзади.	Маъруза “Муз ёрар”	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, расмий ва шахсий хат ёзилган кўргазма доска, бўр
3	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш 20 дақиқа	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш учун 1. Фронтал саволлар. Муншаоти ҳақида тушунча беринг. Ўзбек муншаоти нинг тарихий босқичларини биласизми? Тарихий ҳужжат намуналари ҳақида нималарни биласиз? 2. Уйга вазифани сўраш 3. Тарқатма материаллар берилади.	Ўқувчилар савол ва тарқатма материалларга жавоб беришади. уйга вазифани тақдим қилишади.	Анъанавий ва тест усули	Гуруҳчалар	Турли саволликлар Тарқатма материаллар Доска ва бўр, тест Кўргазма Ўқув дафтарлари
4	Янги мавзунинг	Янги мавзу баён қилинади. Мавзу:	Мавзуга оид маълумотлар-	маъруза Б.Б.Б.	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп,

	баёни 40-дақиқа	Расмий ва шахсий хат, уларнинг ўзаро фарқлари. Расмий ва шахсий хат ҳамда кўргаз-Мандаги матнларни таҳлил қилиб беради.	ни ёзиб олишади. Расмий ва шахсий хат ҳамда кўргазмадаги матнлар таҳлилни кузатишади.	усули. Янги мавзу баён қилиш давомид а воси талардан лардан фойдала нилади. Ҳаётий мисолла р келтирил ади.		мавзу Бўйича ёзилган материалла р Доска ва бўр
5	Тақдимот 15 дақиқа	Саволлар беради ва шахсий хат ёзиш топшириғини беради. Кичик гуруҳларда бажариладиган ишларни эшитади, камчиликларни тuzатади.	Фронтал саволларга жавоб бериша ди. Шахсий хатни ҳар бир гуруҳ алоҳида ёзади.Қўшимч а савол ларга жавоб берадилар. Гу руҳ сардорлари жавоб ва хатнини тақдим қилади.	Муҳокам а ва мустақил ишлаш	Гуруҳча-лар	Дафтар, Шахсий ижтимоий хат намуналари Доска ва бўр Баҳолаш мезонини варағи.
6	Баҳолаш 3 дақиқа	Кичик гуруҳларга берилган топшириқлар ва саволлар натижаларини умумлаштиради. Қайси гуруҳ ғолиб эканлигини эълон қилади.	Гуруҳчалар бир-бирларини Баҳолайдилар. Жаволларнинг тўғисини ёзиб олади	Мунозар а	Гуруҳчала р	Доска, бўр, кўргазмали куроллар тарқатмалар
7	Умумлаш Тириш: 2 дақиқа	Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Тинглайдилар. Умумлаштири ш бўйича ўз фикрларини билдирадидилар.	Сухбат-мулоҳаза	Гуруҳчала р	Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга якун яшаш 3 дақиқа	Дарсни якунлайди. Уйга вазифа беради Ўқув адабиётлари: 1.Давлат тилида иш юритиш. Дарслик. 42-	Тинглайдилар. Топшириқлар ўқув адабиётлар номини ёзиб	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар Дафтарлар

		47 бетлар. Шахсий ижтимоий хат ёзиш	оладилар.			Доска ва бўр
--	--	---	-----------	--	--	-----------------

МАНВЗУ: Расмий ва шахсий хат, уларнинг ўзаро фарқлари

РЕЖА:

1. Шахс ҳаётида хатларнинг ўрни.
2. Хатларнинг тури ва хусусиятлари ҳақида маълумот.
3. Расмий хат ва унинг турлари.
4. Шахсий хат ва унинг турлари.
5. Оғҳик хат ва улардан намуналар.

Таянч сўз ва ибиралар: Расмий хат, алоқа хати, илтимос хати, билдириш хати, даъво хати, кафолат хати, эслатиш хати, илова хат, огоҳлантириш хати, шахсий хат, шахсий-хусусий хат, шахсий-ижтимоий хат, нома, мактуб, расмий доира, ижтимоий муаммо, норасмий хат, лецика, услубий хусусият.

Ҳар қандай шахс ўз ҳаёти давомида турли расмий ва шахсий-хусусий хатлардан фойдаланади. Масалан, ўқишга ёки ишга кираётиб ариза, тавсифнома, маълумотнома, шартнома каби расмий хатлардан фойдаланади. Ҳаёти давомида эса ота-онасига, ака-укаларига ёки бошқа яқин кишиларига шахсий хат ёзади. Ҳар икки турдаги хатларнинг асосий унсуре тилдир. Лекин уларнинг вазифасида фарқ бор. Расмий хатдаги тил муайян ахборотни қайд этади ва бошқаради. Нафақат бошқаради балки, маълум бир одамлар фаолиятини изчиллиги ва давомийлигини таъминлайди ҳам. Шахсий хат эса фақат ахборот етказиши, ҳис-туйғу, ички кечинма ҳақида маълумот бериши мумкин. Демак, ҳар икки хат ҳам шахс ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб улар тил орқали амалга оширилади. Бунинг учун тил ва унинг воситалари, қонуниятлари билиш зарур. Бусиз ҳеч қандай расмий ёки шахсий хат ёзиш малакасини эгаллаб бўлмайди.

Хатлар қадим замонлардаёқ инсон ҳаётидаги асосий фаолият турларидан бирига айланган. Ёзувнинг пайдо бўлиши кишилик тараққиётида янги саҳифани очган. Хат ёзиш шу даражада катта аҳамиятга эгаки, у орқали шахснинг рухий-психологик дунёсини, эстетик ва ахлоқий дунёқарабини билиб олиш мумкин. Шунинг учун хат ёзиш санъат даражасига чиққан. Махсус хаттотлик мактаблари фаолият кўрсатган. Улардан етук мирзолар етишиб чиққанлар. Ҳиротлик Султон Али Машҳадий, Қўқонлик Муннавар мирзолари шулар жумласидандир. Бундай хаттотлик мактаблари, асосан, Ҳирот, Самарқанд, Қўқон, Тошкент, Бухоро, Марв каби йирик шаҳарларда иш олиб борган. Ҳатто Хива, Қўқон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги тарихий обидалар деворидаги нақшлар ҳам кўфий ва сулс усулуда ёзилган кўҳна хатлар бўлиб, улар Қуръон оятлари ёки бирор шоирнинг сатрларидир.

Адабиётдаги бир жанр нома жанр деб аталиб, у ҳам насрий, ҳам назмий йўл билан ёзилади. Алишер Навоий ҳазратларининг “Муншаот” тўплами, Ҳамсадаги хатлар, Ҳоразмийнинг “Муҳаббатнома” асари, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Кумушнинг Отабекка, Отабекнинг Кумушга ёзган хатлари шулар жумласидандир.

Жаҳон адабиётида эпистоляр асар деб номланувчи асарлар туркуми бўлиб, улар фақат хат орқали битилади. Франс Кафканинг “Отамга хат”, Достоевскийнинг “Ғариб кишилар” романи хат билан ёзилган.

Хулоса ясайдиган бўлсак, хатлар тури ва вазифасидан қатъий назар инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Хатлар ўз моҳияти ва қўлланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади.

1. Расмий хатлар
2. Шахсий хатлар.

Расмий хатлар муассасалар ўртасидаги алоқаларда ишлатилади. Бундай хатлар орқали турли сўровлар, кўрсатмалар, жавоблар, тушунтиришлар, хабар, таклиф, билдириш, илтимос, кафолатлар берилади ёки қабул қилинади. Уларни хизмат хатлари деб ҳам юритилади.

Хизмат хатлари расмий услубда ёзилади. Унда расмий услубнинг хусусиятлари намоён бўлади. Жумладан, ҳужжатчилик характери устун бўлади. Шунингдек, барча хизмат хатлари расмий иш қоғозларига камида уч нусхада ёзилади. Иккитаси ташкилотнинг ўзида қолади ва улар махсус жилдда сақланади. Учинчи нусхаси эса зарур ташкилотга юборилади. Уларда имзо чекувчининг лавозими ва исми шарифи аниқ кўрсатилади. Бундай хатлар махсус дафтарга қайд қилинади. Рақамланган бўлади.

Хизмат хатлари хусусиятларига кўра ўзаро фарқланади. Хатларни бажарадиган вазифасига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- 1) жавоб хатни талаб қилувчи хатлар (алоқа хат, даъво хат, сўров хат, илтимос хат, таклиф хати ва бошқалар).
- 2) жавоб хатни талаб қилмайдиган хатлар (илова хат, тасдиқ хат, эслатма хат, ахборот хат, кафолат хат ва бошқалар).

Ушбу хатлар маълум бир мақсадда ёзилади. Масалан, кафолат хатларда кафолат бериш ифодаланса, илова хатларда хатга илова қилинаётган ҳужжатлар ҳақида ахборот берилади. Бироқ шундай хатлар ҳам учрайдики, унинг мазмунида ҳам кафолат бериш, ҳам илтимос, ҳам эслатиш кабилар ифодаланади. Ацарият ҳолларда бундай хатлар алоқа хати деб номлади ёки номланмасдан юборилади.

Хизмат хатлари одатда хатлар учун тайёрланган босма иш қоғозларига ёзилади. Махсус босма иш қоғозлари бўлмаган ҳолларда хизмат хатлари оддий қоғозга керакли нусхада(камида 3 нусха) ёзилади. Хат оддий қоғозга ёзилса, унинг чап томонидаги юқори бурчагига хат жўнатаётган муассаса номи кўрсатилган тўртбурчак муҳр қўйилади.

Зарурий қисмлари босма ёки хос иш қоғозларида аввал ўзбек тилида, сўнг рус ёки инглиз тилида берилади.

Хизмат хатлари қуйидаги зарурий қисмларни ўз ичига олади:

1. ЎзР герби ёки муассасанинг рамзий белги (эмблема)си.
2. Вазирлик, юқори ташкилот номи.
3. Ташкилот номи(Бўлинма номи).
4. Таснифлагич бўйича ҳужжатнинг хос рақами.(мавжуд бўлса)
5. Муассасанинг хос рақами(мавжуд бўлса).
6. Почта, телеграф адреси, банкдаги ҳисоб-китоб рақами.
7. Сана. рақам (индец), тайёрланган жой.
8. Келган ҳужжатни қабул қилган ташкилордаги шартли рақами.
9. Ҳужжатнинг келиш санаси.
10. Ҳужжат жўнатиладиган адрес (Хатни олувчи муассасанинг номи).
11. Муносабат белгиси (резолүция).
12. Назорат ҳақида белги.
13. Матн сарлавҳаси (Хатнинг қисқача мазмуни).
14. Матн.
15. Иловалар ҳақида белги.(агар мавжуд бўлса)
16. Имзо.
17. Келишув ҳақида белги.(мавжуд бол`са)
18. Бажарувчининг фамилияси, телефон рақами.
19. Хат нусхаси.

Ҳар қандай хизмат хати мантикий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган уч қисмдан иборат бўлади. Хатнинг биринчи (кириш) қисми, одатда, хат билан тегишли муассасага мурожаат қилишга мажбур этувчи асосий сабаб кўрсатилади. Иккинчи қисмида хатда қўйилаётган масалани ҳал қилиш зарурлиги далиллар асосида баён қилинади. Хатнинг учинчи (хулоса) қисмида эса хат ёзишдан кўзланган асосий мақсад ифодаланади.

Хизмат хатлари имкони борида қисқа бўлиши, бироқ бу қисқалик унинг аниқ ва равшанлигига таъсир этмаслиги керак. Қоидага кўра, хизмат хатлари бир бетдан ошмаслиги лозим. Фақат жуда муҳим масалалар ёзилган, бирмунча муфассал баён талаб қилувчи хатларгина истисно тариқасида уч бетгача бўлиши мумкин.

Расмий хатларни тузувчи шахс маълум малакага эга бўлиши керак. Расмий хатларни тўғри ва тез тузиш, аввало, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, замонавий расмий услубни ва унга қўйиладиган талабларни билишни тақозо этади. Ушбу талабларини бажармаслик, биринчидан, хатлар билан ишлашни қийинлаштиради, иккинчидан, уларнинг ҳуқуқий ва амалий аҳамиятини йўқотади.

Расмий хатлар матнида икки хил мазмунда тушуниладиган жумлалар бўлмаслиги учун кўчма маънодаги сўз ва ибораларни қўллашда эҳтиёткорлик, синчковлик талаб этилади.

Расмий хатлар тилида аниқлик ва қисқалик асосий мезон ҳисобланади. Бундай хатлар тили ва услуби қонунлар тилига қўйиладиган талаблар даражасида бўлиши зарур.

Хизмат хатлари, одатда, муассаса номига юборилади. Фақат масаланинг ҳал қилиниши бевосита раҳбарга боғлиқ бўлса, хат раҳбар номига жўнатилиши мумкин.

Хизмат хатларида матн учун сарлавҳа катта аҳамиятга эга. Улар ҳужжатнинг қисқача мазмунини, яъни хат нима ҳақда эканлигини кўрсатади. Масалан: *"Кутубхона ремонтини учун қўшимча маблағ ажратилиши ҳақида"*, *"Тўловларга кафолат бериши ҳақида"*, *"Қўшимча линияни ишга тушуриши ҳақида"* ва б. Матн учун сарлавҳаларнинг аниқ ва қисқа берилиши иш юритишда қатор қулайликлар яратади.

Сарлавҳа бир жумладан иборат бўлиб, хат матнидан олдин чап томонда жойлашади. Одатда, сарлавҳа «ҳақида» ёки "тўғрисида" каби сўзлар ёрдамида тугатилади. Сарлавҳа икки қатордан ошмаслиги зарур. Лекин расмий хатлар сарлавҳасиз ҳам тайёрланиши мумкин.

Хизмат хатлари матнидан сўнг хатга имзо чекувчи раҳбар лавозимининг номи аниқ кўрсатилиши керак. Агар хат хос иш қоғозига ёзилмаган бўлса, хатнинг имзо қисмида лавозим номидан ташқари муассаса номи ҳам тўлиқ кўрсатилади.

Ҳужжат муассаса раҳбари томонидан имзоланади. Иш юритиш жараёнида баъзан хатга раҳбар вазифасини бажарувчи шахс ёки унинг ўринбосари хатда қайд этилган лавозим номи олдида чизикча қўйиб (гўё ўринбосар имзо чекаётганлигини уқтираётгандек) имзо чекади. Бу иш юритишга масъул бўлган шахс тегишли йўриқномадан хабардор эмаслигидан далолат беради. Хатни тайёрлаш жараёнида тузувчи хатга ким имзо чекишини олдиндан билиши керак. Раҳбар бўлмаган ҳолларда шундай ваколатга эга бўлган шахс, яъни унинг вазифасини бажарувчи ёки ўринбосари, лавозими аниқ кўрсатилган ҳолда ("директор вазифасини бажарувчи", "директор ўринбосари" тарзида) имзо чекиши мумкин.

Хатда баён қилинган масалалар бўйича жавобгарлик бир неча шахс зиммасига юклатилган бўлса, имзолар сони икки ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин (масалан, тўлов ҳақидаги кафолатномаларда, молиявий ҳужжатларда).

Хатда имзолар маълум тартиб асосида, яъни эгаллаб турган лавозимига кўра жойлашади. Имзодан сўнг имзо чекувчининг фамилияси қавсга олинмай, исми ва ота исмининг бош ҳарфлари фамилиядан олдин ёзилади:

<i>Корхона директори:</i>	<i>(имзо)</i>	<i>Б. С. Каримов.</i>
<i>Бош ҳисобчи:</i>	<i>(имзо)</i>	<i>Х. А. Самиев.</i>

Агар хатга бирор-бир ҳужжат илова қилинаётган бўлса, хатнинг қуйи қисми чап томони хошиясига "Илова" сўзи қўйилади, сўнг тартиб рақами билан илова қилинаётган ҳужжатлар номи, нусхаси ва бети кўрсатилган ҳолда берилади. Ҳар бир илова қилинаётган ҳужжат номи алоҳида қаторда жойлашади.

Шахсий хат бир кишининг иккинчи бир кишига юборган ёзишмаси бўлиб, унда муаллиф суҳбатдоши билан ғойибона мулоқотга киришади. Уларда бадий, сўзлашув, публицистик ёки муаллиф танлаган услубдан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, уларда ўта шахсий масала, ички кечинма, оилавий муаммолар, кундалик турмуш, ижтимоий ҳаёт ёрқин ац эттирилади.

Шахсий хатлар вазифаси ва мазмунига кўра икки хил бўлди:

1. Шахсий- хусусий хатлар(мактуб, нома)

Бундай хатлар ўта шахсий мазмунга эга бўлади ва унинг мавзуси бир кишига тааллуқли бўлди. Бундай хатларни бегоналар ўқиши, унинг мазмунини билиши шарт эмас. Агар унинг мазмуни муаллифнинг рухсатисиз ўзгалар билса маданияцизлик ҳисобланади. Бундай хатлар турига ҳарбий хизматдаги йигитларнинг онаси, отаси, дўсти ёки бошқа яқинларига жўнатган хатларини киритиш мумкин. Уларда адабий тил меъёрларига ҳамма вақт ҳам амал қилинавермайди. Кўпроқ ички кечунмалар, саломномалар, миннатдорчилик сўзлари баён қилинади. Матн изчилликка эга бўлмайди, ҳамма хоҳлаган усулда ёзади. Ҳазил-мутоийба, қочирик, гина, афсус, таклиф, эътироз каби мазмунда бўлиб, оддий сўзлашувдаги ифодалардан кўпроқ фойдаланилади. Улар орасида бадий асар даражасига кўтарилган номалар ҳам бор. Хоразмий “Муҳаббатнома” асари, А.Навоий “Муншаот” асари, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Отабекнинг Кумушга, Кумушнинг Отабекка ёзган хатлари шулар жумласидандир.

2. Шахсий-ижтимоий хатлар.

Бундай хатлар ҳам гарчи бир киши қараб ёзилган бўлса-да, ундаги мазмун барча тегишли, яъни ижтимоийлик касб этади. Шунинг учун улар оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади. Бундай хатларни очиқ хатлар деб аташади. Уларда адабий тил меъёрларига қатъий амал қилинади. Публицистик ёки бадий услубда ёзилади. Суҳбатдошга ҳурмат, юцак маданият даражасида туриб мурожаат қилинади. Фикр билдириш эркин, мулоҳаза холис бўлиши керак.

2004 йил май ойида адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафуддинов адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққуловга ижтимоий мазмундаги хат ёзган. Ёки Фарғоналик таниқли адабиётшунос олим Й.Солижоновнинг ҳозирги адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган хатлар тўплами аввал турли йилларда газеталарда эълон қилинган. 2007 йилда эса “Мен сиздан сабоқ олдим” номи билан чоп этилди. Олим унда Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Омон Мухторов, Муҳаммад Али, Набижон Боқий каби жами ўнта ижодкорга мактуб опқали мурожаат қилган.

Қуйида ижтимоий мазмунга эга бўлган шахсий хат намунаси билан танишамиз.

ЯШАШДАН МАҚСАД БЎЛИШИ КЕРАК

(журналист М. Эркабоевага очиқ хат)

Манзура опа, долзарб мавзу, оғриқли муаммони кўтарибсиз. Аввало, дадиллик билан шундай масалани кўтарганингиз мақтовга лойиқ эканлигини таъкидламоқчиман. Лекин

ўткир муммоли мақола нима учун «Луқма» рукни остида берилганини унчалик тушунмадим.

Барча фидойи педагогларни қийнайдиган ўтли савол–ўқувчиларнинг дарсларга келмай қолишларига сабаб нимада?

Тўғри, Сиз келтирган биринчи масала, яъни моддий аҳвол, етишимовчилик қайсидир маънода ўқувчиларнинг коллежларга келмаслигига тўсиқлик қилади. Аммо, бу масаланинг бош сабаби эмас.

Масаланинг иккинчи жиҳати –“ коллежни битириб қаерда ҳам ишлардинг, ўқиб шохинг чиқади-ми?” дегувчиларнинг топилишини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Аммо сиз айтаётган «йигди-йигди»лар, бадиий савияси бўш адабиётлар, маданиятсизликни тарғиб қилувчи бўлмағур «концерт»ларнинг илдизи маънавий савиянинг пастлиги, ироданинг сустлиги ва энг аввало ёшларда асл мақсаднинг йўқлигидадир, деб биладим. Агар мақсад олий бўлса, шу касбни ўзи танланган бўлса, келажакда шу касб орқали халққа хизмат қилиш нияти бўлса, нима учун илк тўсиқлардаёқ енгилиб, қўлини кўтариб жангдан чиқади. Ахир ҳаёт–кураш. Биз ўқувчиларга ўз ҳақларини танишни ўргатишимиз лозим. Ҳақни эса биров келтириб бермайди. Шу ўринда буюк ватанпарвар Маҳмуд Беҳбудийнинг “Ҳақ берилмайди, балки олинади”, деган машҳур фикрини келтиришни лозим топаман. Илм олиш ўқувчининг ҳақи, қачонки ўқувчи бунга ўзи яхши билса, уни ҳеч ким тортиб ололмайди. Бунинг учун эса унинг ўз олдига қўйган ҳаётий мақсади бўлиши керак. Ҳозирги кунда коллежларда туғул университетдаги ёшларнинг кўпчилиги ҳам тузукли ўқимайди. Дарсларга келмайди. Сабаб–курашгани билмайди. Чунки бош мақсад етишмайди.

Мақсад унинг бутун фаолиятини тартибга солиб, бошқариб, назорат қилиб турадиган даражада улкан бўлиши шарт. Ана ўшандагина комил инсон тарбияланди дея бемалол айтиш мумкин бўлади. Бу иш шу қадар катта, кенг кўламлидирки, уни фақат мамлакатдаги ўқитувчиларнинг зиммасига ташиб қўйиш ярамайди. Бутун халқ ёққа туриши ва бир ёққадан бош чиқариб тарбия бериш ва уни ривожлантириш билан шуғулланиши керак, деб ҳисоблайман. Ана ўшанда Ўзбекистон дунёнинг марказларидан бирига айланади. Ҳозирча тарбия билан фақат маълум қатламдаги одамларгина қизиқади холос. Бу йўл билан буюк келажакни яратиш бўлмайди.

Манзура опа, масалага қай даражада яқинлаша олдим билмайман, ҳар қалай кўндан бери мени қийнаётган масала бўйича ўз мулоҳазаларимни баён қилдим. Оғир ботган жойлари бўлса узр.

Ҳурмат билан Қаҳҳоржон Йўлчиев. (“Нихол” газетаси 2006 йил. № 11- сон)

Хулоса қиладиган бўлсак, хатда муаллифнинг фикр-мулоҳазалари, ички кечинмалари, дунёқараши, мақсади намоён бўлади. Шунинг учун хат, нома кишилиқ жамиятида асосий ўринлардан бирига эга. Хат ёзиш малакаси ва унинг турлари ҳақида тушунчага эга бўлмасдан туриб, нутқ маданиятига эришиб бўлмайди.

Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Шахс ҳаётида хатларнинг ўрни ҳақида гапиринг.
2. Хатларнинг турини сананг.
3. Расмий хат хусусиятлари ҳақида нималар биласиз?
4. Расмий хат турларини айтинг.
5. Шахсий хат турларини биласизми?
6. Шахсий хат хусусиятлари ҳақида сўзланг.

9-МАВЗУ: Хизмат доирасидаги коммуникация шакллари.

Телефонда расмий сўзлашув

2. Дарс тури: Назарий дарс

3. Дарс вақти: 80 дақиқа

4. Дарс типи: Янги мавзунини ўзлаштириш.

5. Дарсда қўлланиладиган усуллар: Инновациён технологиялари асосида «Муз ёрар», «Мустақил иш» усуллари.

6. Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:

- Фронтал саволлар.
- Тест саволликлари.
- Мустақил иш тури.
- Амалий иш тури.

7. Дарс мақсадлари:

А. Таълимий мақсад:

- Хизмат доирасидаги коммуникация шакллари ҳақида билиш.
- Оғзаки коммуникация ҳақида маълумот бериш.
- Хизмат ёзишмалари орқали алоқани ўрганиш.
- Телекоммуникация ва ахборот технологиялари орқали мулоқот ҳақида маълумот бериш;
- Телефонда расмий сўзлашув ҳақида маълумот бериш.

Б. Тарбиявий мақсади:

- Хизмат доирасидаги коммуникация кўникмасини шакллантириш.
- Ўқувчидаги ахлоқий ва эстетик тушунчалар асосида расмий муомала кўникмасини янада ривожлантириш.
- Ўқувчиларда телефонда расмий ва сўзлашув нутқ кўникмасини шакллантириш.

В. Ривожлантирувчи мақсад:

- Турли нутқ жараёнига мослашиш малакасини шакллантириш.
- Ўқувчининг намунали ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш.
- Иш юритиш чоғида ижодий ёндошиш малакасини ривожлантириш.
- Мустақил фикрлаш ва ўз фикрини аниқ, тўлқ баён қилиш кўникмасини ривожлантириш.
- Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантириш.
- ўз она тилисига ҳурмат ҳиссини ривожлантириш.
- Мустақил равишда ҳужжатлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш.

8. Дарсни ўтиш жойи: факултетнинг ўқув хонаси.

9. Дарснинг дидактикаси(интеграция).

А. Фандаги мавзулар аро боғланиш:

Мавзу: 1. Турли расмий хатларнинг мазмуний таснифи

Б. Фанлараро боғланиш:

1. Она тили ва адабиёт:

Мавзу.1. Расмий-идоравий услубнинг хусусиятлари.

2. Коммуникация асослари. Мавзу 1. Хизмат доирасидаги муомала.

В. Ҳаёт билан боғлаш:

- Мавзунинг медицина амалиётидан олган намунавий иш юритиш асосида тушунтириш.
- Тиббиёт ходими ва бемор ўртасидаги хизмат муомалаларининг кўринишлари.
- Кундалик ҳаётимиздаги хатнинг ўрнини кўрсатиш
- иш юритишдаги расмий хат билан боғланиш.
- Ички кечинма, фикр-мулоҳаза, дунёқарашни тушунтириш.

10. Керакли билимлар доираси:

- Хизмат доирасидаги коммуникация шакллари ҳақида билиш.
- Оғзаки коммуникация ҳақида маълумот бериш.

- Хизмат ёзишмалари орқали алоқани ўрганиш.
- Телекоммуникация ва ахборот технологиялари орқали мулоқот ҳақида маълумот бериш;
- Телефонда расмий сўзлашув кўникмасига эга бўлиш.

11. Дарсни жиҳозлаш: Хизмат жўнатмалари намуналари, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, кодоскоп, слайд.

Дарснинг хронологик харитаси

№	Дарснинг хронологик харитаси	Вақти
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа
5	Янги мавзунинг мустаҳкамлаш	7 дақиқа
6	Дарснинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

13. Ўқитувчи учун адабиётлар:

А. Асосий:

1. Давлар тилида иш юритиш. Электрон дарслик. ЎМКХТРИ. 2003.
2. Маҳмудов Н., Рафиев А., Ёўлдошев И. Давлат тилида иш юритиш. Дарслик. 2004
3. Каримов С.А., Маҳматмуродов Ш., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2003.
4. Солижонов Й., Ёўлчиев Қ., Ёўлчиева А. Нутқ маданияти. – Фарғона, 2008.

Б. Қўшимча: 1. Иш юритиш. Амалий қўлланма. 2002 .

2. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т. : Ўқитувчи, 1993 .
3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. – Т. , 1991.
4. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. 1991 йил.

ДАРС БОСҚИЧИНING МАЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади. Ўқув хонасининг тозаллигини текширади, хонани кўргазмали қуроллар, техник-ахборот воситалар билан жиҳозланиши, ўқитиладиган мавзуга мослигига эътибор беради. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларнинг тайёргарлиги (китоб, дафтар, ручка каби ўқув қуроллари ва кийиниши)ни текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи ўтилган дарсда олинган билимларни аниқлайди, сўнг янги мавзу номини айтади ва дарс ўтиш режаси, дарснинг мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни доскага ёзиб қўяди. Оқитувчи ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга тайёрлаши керак. Ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқа маълумотлар беради.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўтилган мавзу бўйича олган билимини текширади.

1. Расмий хатларнинг таркибий қисмларини билиш;
2. Турли расмий хатлатнинг мазмуний таснифини билиш;
3. Расмий хатнинг тил хусусиятини билиш.
4. Мустақил иш: Алоқа хати ёзиш.

Фан бўйича билимларни ва кўникмаларни ўзлаштириш даражасини изоҳлайди ва

Ўқувчиларни ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб ёдошилади. Ўқутувчи мавзуни умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилиб тушунтиради. Мавзунинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаган қисмларини қисқача сўзлаб беради. Ўқувчиларни баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади.

4. Янги мавзуни тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқув дастурига асосланиб, ўқувчиларга керакли билим доираси бўйича мавзуни тушунтиради ва ўқувчилар маърузанинг асосий қисмларини дафтарга ёзиб оладилар. Оқитувчи янги мавзуни тушунтиришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар ҳамкорлигида уларнинг фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлайди.

5. Янги мавзуни мустаҳкамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзуни мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

Фронтал саволлар:

1. Хизмат доирасидаги коммуникация шакллари биласизми?
2. Оғзаки коммуникация ҳақида маълумот беринг.
3. Хизмат ёзишмалари деганда нимани тушунаси?

6. Дарсинг якуни:

Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига жавоб беради. Дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб, ўқувчилар билимини баҳолайди баҳоларни изоҳлайди ҳамда дарсни якунлайди.

6. Уйга вазифа:

С.А.Каримов, Ш.М.Маҳматмуродов, О.Н.Каримова. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Тошкент: «Ўқитувчи» - 2003 й. 137-140 бетлар.

Дарсинг технологик харитаси

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	технология		
				Метод	Шакл	Восита
1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва технологик харита тузиш Кичик гуруҳларни шакллантириш ва уларга топшириқлар бериш.Мақсад: ўқувчилар билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш	Ўқувчилар дарсга кирмасдан олдин махсус белгили қоғозларни олиб, ўша қоғозчада кўрсатилган гуруҳга бориб ўтиради.	Ноанъанавий	Гуруҳларни шакллантириш	Таксимлаш қоғозчалари,

2	Мавзуга кириш 5 дақиқа	Дарсни бошланиши дан олдин ўқувчилар билан танишади. Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. Танишувда «Муз ёрар» усулини қўллаш.	Мавзу номи, мақсад, натижа ва баҳолаш мезонларини дафтарига белгилаб олади. Ҳар ўқувчи ўзинг фикрларини ёзади.	Мавзу	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, диалогик матн ёзилган кўргазма доска, бўр
3	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш 20 дақиқа	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш учун Фронтал саволлар беради, Мустақил иш ва тарқатма материаллар берилади. (Илова қилинади)	Ўқувчилар савол ва тарқатма материалларга жавоб беришади. Мустақил ишни тақдим қилишади.	Анъанавий ва тест усули	Гуруҳчалар	Турли саволликлар Тарқатма материаллар Доска ва бўр, тест Кўргазма Ўқув дафтарлари
4	Янги мавзунинг баёни 40-дақиқа	Янги мавзу баён қилинади. Мавзу: Хизмат доирасидаги коммуникация шакллари. Телефонда расмий сўзлашув Ўқувчиларга слайд ва кўргазмандagi матнларни таҳлил қилиб беради. Мавзунинг ҳаётий мисоллар билан тушунтирилади.	Мавзуга оид маълумотларни ёзиб олишади. Слайд ва кўргазмадаги матнни ўқиб таҳлил қилиш кузатишади.	маъруза Янги мавзу баён Қилиш давомидан слайд кўргазма ва ҳаётий мисоллардан фойдаланилади.	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, мавзу бўйича ёзилган материаллар Доска ва бўр
5	Тақдирот 15 дақиқа	Саволлар беради ва телефонда сўзлашув топшириғини беради. Кичик гуруҳларга топшириқ беради ва бажарилган ишларни эшитади, камчиликларни тузатади.	Фронтал саволларга жавоб беришади. Бир гуруҳ алоҳида телефонда сўзлашувни ташкил этади. Қўшимча саволларга жавоб берадилар. Гуруҳ сардорлари мустақил иш жавобини тақдим қилади.	Муҳокама ва мустақил ишлаш	Кичик гуруҳлар.	Дафтар, Доска ва бўр Баҳолаш мезонини варағи.
6	Баҳолаш 3 дақиқа	Кичик гуруҳларга берилган топшириқ	Гуруҳчалар бир-бирларини	Мунозар	Гуруҳчалар	Доска, бўр, кўргазмали

		лар ва саволлар натижаларини умумлаштиради. Қайси гуруҳ ғолиб эканлигини эълон қилади.	Баҳолайдилар. Жаволларнинг тўғисини ёзиб олади			куроллар таркатмалар
7	Умумлаштириш 2 дақиқа	Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Тинглайдилар. Умумлаштириш бўйича ўз фикрларини билдирадилар.	Сунбат-мулоҳаза	Гуруҳчало	Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга яқун яшаш 3 дақиқа	Дарсни яқунлайди. Уйга вазифа беради Ўқув адабиёти: С.А.Каримов ва б. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. 2001 137-140 бет.	Тинглайдилар. Топшириқлар ўқув адабиёт номини ёзиб оладилар.	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар Дафтарлар Доска ва бўр

МАНЗУ: Хизмат доирасидаги коммуникация шакллари.

Телефонда расмий сўзлашув

РЕЖА:

1. Хизмат доирасидаги коммуникация шакллари ҳақида тушунча.
2. Оғзаки муомала жараёнининг хусусиятлари.
3. Хизмат ёзишмалари орқали алоқа.
4. Телекоммуникация ва ахборот технологиялари орқали мулоқот.
5. Телефонда расмий сўзлашув .

Таянч сўз ва иборалар: ижтимоий муносабатлар, коммуникация, ҳуқуқий асослар, хизмат дамонида оғзаки мулоқот, телефон орқали сўзлашув, хизмат ёзишмалари, тил ва услуб, ҳукумат қарорлари, хизмат этикаси, субардинация, телекоммуникация ва ахборот технологиялар, қисқалик, аниқлик, лўндалик, расмий сўзлашиш, норасмийлик, яли алоқа, хизмат телефони, уй телефони, самимийлик, эҳтиёткорлик, асаб, тигизлик, нутқий маданият, модем алоқа, электрон почта, юкли жўнатмалар, хатлар.

Инсон фаолиятининг асосий қисми бўлган меҳнат жараёнида кишилар бир-бирлари билан бажараётган ишлари, унда туғилган муаммолар, ишнинг бориши, умумий ҳолат юзасидан мулоқотга киришадилар. Бу жараён хизмат доирасидаги коммуникация алоқалари деб аталади. Хизмат доирасидаги коммуникация алоқалари оғзаки, ёзма ва турли ахборот ҳамда телекоммуникациялар орқали амалга оширилади. Демар, хизмат доирасидаги коммуникация алоқалари қай восита билан олиб борилганига кўра қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

1. Оғзаки алоқа шакли.
2. Хизмат ёзишмалар ва жўнатмалари.
3. Электрон шакли.

Хизмат вазифани бажариш вақтида кундалик топшириқ, кўрсатма, маслаҳат, мулоҳазалар ва муҳозаралар бўлиб, улар оғзаки шаклда амалга оширилади. Бу ташкилот олдида турган кундалик масалаларни ҳал этишнинг энг қулай усулидир. Оғзаки коммуникация шаклида ходимларнинг ўзаро бир-бирларининг фикри, ҳуқуқлари, вазифасини қабиларни ҳурмат қилган ҳолда, расмий оҳангда сўзлашишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Хизмат доирасидаги оғзаки коммуникация жараёнида барча учун

умумий бўлган муомала маданияти мавжуд. Бу очик юзлилик, самимийлик, ширинсўзлик, ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқа шахсни ҳурмат қилиш каби талабларга қатъий равишда амал қилиш керак. Хизмат доирасидаги муомалалар турли вазиятларда, ҳар хил мавқедаги ва ёшдаги кишилар ўртасида амалда оширилади. Лекин барчасида ҳам адабий тил меъёрларига қатъий амал қилиш лозим. Бу эса мақсадни, вазифани хизматдошларга тўғри, аниқ, лўнда этиб боришин таъминлайди. Агар ходимлар бир-бирларини тушунишса, ташкилотнинг олдидаги вазифа ҳам яхши уддаланади.

Хизмат доирасидаги коммуникация шакллариининг энг кўп тарқалган тури хизмат ёзишмалари бўлиб, у муншаотнинг асосини ташкил этади. Хизмат ёзисмаларига фармон, фармойиш, қарор, буйруқ, кўрсатма, топшириқнома, баённома, шартнома, келишув, алоқа хатлари каби хизмат вазифасини бажариш учун лозим бўладиган барча хатларни киритиш мумкин. Улар бир ташкилот, муассаса, корхонадан иккинчисига юборилади, ёки бир ташкилот доирасидаги муносабатни ўрнатишга хизмат қилади.

Хизмат доирасидаги алоқа воситасига турли хат(расмий хат эмас, конвертдаги хат)лар, бандерол, юкли жўнатмалар, контейнер хатлари кабиларни ҳам киритиш мумкин. Чунки, хат ёзиш ва унинг усти қисмини тўлдириш, юкли жўнатмалар юбориш ҳамда қабул қилиш чоғида уларнинг расмий хатларини ташкиллаш, тўлдириш лозим бўлади.бундай шакллар махсус бланкаларда бўлиб улар тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланган бўлади.

Хизмат доирасидаги коммуникация шакллариининг замонавий ва жуда тез тарқалаётган тури электрон шакли бўлиб, улар ҳам ўз навбатида турлага бўлинади:

1. Телекоммуникация: телеграф, телефон, радио алоқа кабилар.
2. Ахботот технологиялари; модем, интернет, электропочта кабилар.

XX асрнинг бошлариданоқ хизмат доитасида алоқа воситаси сифатида телеграф, телеграмма, телефон, радио алоқалардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Ҳозирги кунда улар сафига компьютер орқали амалга ошириладиган воситалар ҳам қўшилдики, би воситалар хизмат юзасидам коммуникация жараёнининг тезлиги ва сифатини яхшилашга, ахборот алмашинувини тезлатишга хизмат қилади.

Биз юқорида кўриб чиққан ҳар учала коммуникация турларида ҳам аввало мулоқотни умуминсоний тамойиллар асосида бўлиши инобатга олинади. Яъни, хизмат юзасидан нутқий мулоқотга киришилаётганда одоб-ахлоқ талаблари, ўзбек тилининг адабий нормаларига амал қилган ҳолда, ўзаро тушунувчанлик, суҳбатдошга ёнбериш фазилатларифа амал қилиниши шарт. Кўрилатган хизмат масаласи атрофлича, аммо қисқа вақт ичида кўриб чиқилиши керак. Чунки, хизмат вақти ҳамма вақт чекланган бўлади.

Хизмат доирасидаги коммуникацияда телефон алоқасининг ўз ўрни бўлиб, у орқали гаплашиш маданияти мавжуд. Аввало телефон тармоғининг симли ва симсиз(яли ва ясиз), уй ва хизмат шакллари борлигини билишимиз керак. Телефон орқали мулоқот асосан икки киши орқали бўлади. Булар кўнғроқ қилувчи ва уни қабул қилувчи ҳисонланиб, мулоқот жараёнида нутқ маданиятига амал қилиш ҳар иккала томон учун ҳам бирдек зарур. Лекин асосий масъулият кўнғи`роқ қилувчига тушади. Чунки, у бошқа бир ходимнинг кабинетига тақитлатиб кирган билан баробар бўлади. Шунинг учун у меҳном ходим сифатида мақсадини баён қилиб, тегишли хулосани ясаб, гўшакни жойига қойиши керак.

Телефон орқали мулоқотда қачон, кимга, қай малалада кўнғироқ қилиш ҳам муҳим. Чунки, кўғироқ қилойтган киши тингловчининг вақтини олаётга, муҳим ишини тўхтаётган, уҳбатини бўлётган бўлиши мумкин. Шунинг раҳбарларга телефон қилмасликни имкони бўлмаса, телефон қилмасдан олдига кириб гаплашилади. Агар узок масофа бўлса, ёки олдиндан раҳбар билан келишилиниган бўлса, айтилган вақтда кўғироқ қилиш шарт. Шунда ҳам мақсад лўнда, аниқ, ташунарли қилиб айтилиши керак. Арзимаган масала юзасидан ҳам телефон қилиб, раҳбарларни безобта қилиш маданияцизлик ҳисонланади.

Тенг даражали ходимлар эса ўзаро экинроқ аммо шунда ҳам бир-бирларини ҳурмат қилган ҳолда сўзлашишлари лозим бўлади. Шунда ҳам фақат ишнинг фаол қисмида кўнғироқ қилиш лозим. Бу эрталабки 8.00.да. тушлик вақти ва тушдан кейин иш вақти тугашига ярим соатча қолгандаги вақтни ўз ичига олади. Чунки, тушлик вақтида ходим тушлик қилаётган бўлади. Иш тугашига ярим соат ичида бир кунлик ишига якун ясаётган ва эртанги кунги муҳим вазифаларни белгилаётга бўлади. Шунинг учун бу вақтда безовта қилиш ярамайди.

Ундан ташқари хизмат телефонида шахсий манфаатлар учун фойдаланиш, уни кўп банд қилиш ҳам одобсизлик ҳисобланади. Чунки, айнан, шу вақтда бошқа жойдан иш юзасидан муҳим кўнғироқ бўлаётган ёки бошқа ходимга телефон керак бўлиши мумкин.

Телефон орқали расмий сўзлашувда овозни кўтармасдан босиқлик билан гаплашилади. Аввало, кўнғироқ қилувчи салом беради, сўнгра ўзининг фамилияси ва лавозимини айтади. Шундан кейин тегишли жойга тушганлигини сўрайди ва мақсадни баён қилади.

Агар телефондаги киши ўзини танитмаса, кечирасиз ким кўнғироқ қилмоқда? Ёки кечирасиз қаердан кўнғироқ қиляпсиз, дея соралади. Агар у бирор ташкилотдан телефон қилиб, вазифа нуқтаи назардан сизга тегишли бўлмаган масала бўйича бирорта ходимни чақириб беришни сўраса-ю аммо у киши айни пайтда иш жойида йўқ бўлса, одоб юзасидан масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб уни ҳал этишингиз ёки бошқа вақт кўнғироқ қилишини сўрашингиз мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, хизмат телефонида, умуман олганда уяли ёки уй телефонида ҳам сўзлашганда, одоб ахлоқ доирасидан чиқмай, имкон қадар қисқа, лўнда ва абиқ гаплашиш лозим. Шунингдек хизмат юзасидан мулоқотга киришганда расмий-идоравий услубдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Хизмат доирасидаги коммуникация шакллари сананг.
2. Оғзаки муомала жараёнининг хусусиятларини сўзлаб беринг.
3. Хизмат ёзишмалари орқали алоқа қай йўсинда амалга оширилади?
4. Телекоммуникация ва ахборот технологиялари орқали хизмат мулоқотини биласизми?
5. Телефонда расмий сўзлашув деганда нималарни тушунасиз?
6. Яқин кишингиз билан раҳбар ва ходим ўртасидаги суҳбатни ташкил қилинг.
7. Телефонда расмий сўзлашиш матнини тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

10-МАВЗУ: Мажлис баённомасидан кўчирма ва шартнома матни

2. Дарс тури: Назарий дарс

3. Дарс вақти: 80 дақиқа

4. Дарс типи: янги мавзунини ўзлаштириш.

5. Дарсда қўлланиладиган усуллар: Инновациён технологиялари асосида “Мустақил иш”, “Бумеранг”, муаммоли маъруза.

6. Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:

- Фронтал саволлар.
- Тест саволликлари.
- Мустақил иш тури.

7. Дарс мақсадлари:

А. Таълимий мақсад:

– баённома билан ундан олинадиган кўчирма ўртасидаги фарқлар ҳақида маълумот бериш;

- шартнома матни қандай таркибий қисмлари ҳақида маълумот бериш;
- шартнома матнида ишлатиладиган тил воситалари ҳақида тушунчага эга бўлиш.

Б. Тарбиявий мақсади:

Ўқувчиларда намунали ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш.

Ҳужжатлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш.

Ўқувчидаги ахлоқий ва эстетик тушунчалар асосида расмий муомала кўникмасини шакллантириш.

Давлат тилига муҳаббат туйғусини ривожлантириш.

В. Ривожлантирувчи мақсад:

Турли расмий ҳужжатлар билан ишлаш малакасини шакллантириш.

Ўқувчининг намунали ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш.

Иш юритиш чоғида ижодий ёндошиш малакасини ривожлантириш.

Мустақил фикрлаш ва ўз фикрини аниқ, тўлқ баён қилиш кўникмасини ривожлантириш.

Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантириш.

Ўз она тилисига ҳурмат ҳиссини ривожлантириш.

Мустақил равишда ҳужжатлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш.

8. Дарсни ўтиш жойи: факултетнинг ўқув хонаси.

9. Дарснинг дидактикаси(интеграция).

А. Фандаги мавзулар аро боғланиш:

Мавзу: 1. Баёний матннинг тил хусусиятлари.

Б. Фанлараро боғланиш:

1. Она тили ва адабиёт:

Мавзу.1. Матн тузиш ва уни ўзгартиришда тил воситаларидан фойдаланиш.

В. Ҳаёт билан боғлаш:

- Ўқувчилар ҳаётида баённоманинг ўрни билан боғлаб тушунириш.
- Медицина амалиёти баённома, шартномадан фойдаланиш
- Тиббиётда тўлдириши зарур бўлган ҳужжатлар билан ишлашни кўрсатиш.
- Кундалик ҳаётимиздаги ҳужжатларнинг ўрнини кўрсатиш
- Иш юритишдаги расмий хат билан боғланиш.

10. Керакли билимлар доираси:

-Баённома билан ундан олинадиган кўчирма ўртасида фарқлар.

-Шартнома матнидаги фе`л шакллари ҳақида маълумотга эга бўлиш.

11. Дарсни жиҳозлаш: Баённома кўчирмаси ва шартнома матни каби кўргазмалар куруллар, тарқатма матереаллар, кодоскоп, слайд.

Дарснинг хронологик харитаси

№	Дарснинг хронологик харитаси	Вақти
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа
5	Янги мавзунинг мустақамлаш	7 дақиқа
6	Дарснинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

13. Ўқитувчи учун адабиётлар:

А. Асосий:

1. Давлат тилида иш юритиш. Электрон дарслик. ЎМКХТРИ. 2003.
 2. Маҳмудов Н., Рафиев А., Йўлдошев И. Давлат тилида иш юритиш. Дарслик. 2004
 3. Каримов С.А., Маҳматмуродов Ш., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2003.
 4. Солижонов Й., Йўлчиев Қ., Йўлчиева А. Нутқ маданияти. – Фарғона, 2008.
- Б. Қўшимча:** 1. Иш юритиш. Амалий қўлланма. 2002 .
2. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т. : Ўқитувчи, 1993 .
 3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. – Т. , 1991.

ДАРС БОСҚИЧИНING MAЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади. Ўқув хонасининг тозалигини текширади, хонани кўргазмалар қуроллар, техник-ахборот воситалар билан жиҳозланиши, ўқитиладиган мавзуга мослигига эътибор беради. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларнинг тайёргарлиги (китоб, дафтари, ручка каби ўқув қуроллари ва кийиниши)ни текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи ўтилган дарсда олинган билимларни аниқлайди, сўнг янги мавзу номини айтади ва дарс ўтиш режаси, дарснинг мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни доскага ёзиб қўяди. Оқитувчи ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга тайёрлаши керак. Ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқа маълумотлар беради.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўтилган мавзу бўйича олган билимини текширади.

Бунда қуйидаги фронтал саволлар ва топшириқдан фойдаланади:

1. Баёний матнлар ҳақида тушунча беринг.
2. Баённома ва унинг турлари ҳақида биласизми?
3. Баённоманинг таркибий қисмларини сананг.
4. Баённоманинг тил хусусиятларини айтиб беринг.
5. Мустиқил иш: Гуруҳнинг йиғилиш баённомасини ёзинг.

Фан бўйича билимларни ва кўникмаларни ўзлаштириш даражасини изоҳлайди ва ўқувчиларни ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб ёдошилади.

Ўқитувчи мавзунини умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилиб тушунтиради. Мавзунинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаган қисмларини қисқача сўзлаб беради. Ўқувчиларни баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади.

4. Янги мавзунини тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим даражасини билиб олиш мақсадида ўқув дастурига асосланиб мавзунини тушунтиради ва ўқувчилар маърузанинг асосий қисмларини ўз дафтарларига ёзиб оладилар. Оқитувчи янги мавзунини тушунтиришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланади. Ўқувчиларнинг фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлайди.

5. Янги мавзунини мустиқамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзунини

мустиқамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

Фронтал саволлар:

1. Баённомадан кўчирма деганда нимани тушунасиз?
2. Шартноманинг лецик-услубий хусусиятларини айтиб беринг.

6. Дарснинг якуни:

Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига жавоб беради. Дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб, ўқувчилар билимини баҳолайди баҳоларни изоҳлайди ҳамда дарсни якунлайди.

7. Уйга вазифа: С.А.Каримов, Ш.М.Маҳматмуродов, О.Н.Каримова. Нутқ маданияти.

Ўқув қўлланма. Тошкент -«Ўқитувчи» -- 2003 й. 146-188-бетлар.

Дарснинг технологик харитаси

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	Технология		
				Метод	Шакл	Восита
1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва технологик харита тузиш Кичик гуруҳларни Шакллантириш ва уларга топшириқлар бериш.Мақсад:ўқувчилар билимини чуқурлаштириш,янги мавзунини ўзлаштириш	Ўқувчилар дарсга кирмасдан олдин махсус белгиларни қоғозларни олиб, ўша қоғозчада кўрсатилган гуруҳга бориб ўтиради.	Интерфакс	Гуруҳларни шакллантириш	Таксимлаш қоғозча-лари,
2	Мавзуга кириш 5 дақиқа	Дарсни бошланишидан олдин ўқувчилар билан танишади. Мавзу номи, мақсад,натижа ва баҳолаш мезонларини эълон қилади.	Мавзу номи, мақсад,натижа ва баҳолаш мезонларини дафтарига белгилаб олади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг фикрларини ёзади.	Маъруза	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, расмий ва шахсий хат ёзилган кўргазма ко доска, бўр
3	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш 20 дақиқа	Ўқувчиларнинг олдинги билимларини текшириш учун 1. Фронтал саволлар 2. Уйга вазифани сўраш	Ўқувчилар савол ва тарқатма материалларга жавоб беришади. уйга вазифани тақдим қилишади.	Анъанавий усул, Мустақил иш усули ва тест усули	Гуруҳчалар	Турли саволликлар Тарқатма материаллар Доска ва бўр, тест Кўргазма Ўқув дафтарлари
4	Янги мавзунинг баёни 40-дақиқа	Янги мавзу юзасида фронтал саволлар беради, сўнг жавоб ва қараб янги мавзу баён	Саволарга жавоб беришади, Мавзуга оид маълумотларни ёзиб	Ноанъанавий. “Музёрап” усули,	Гуруҳлар	Слайд, кодоскоп, мавзу Бўйича ёзилган

		қилинади. Мавзун баён қилишда кўр газмадаги матнларни таҳлил қилиб беради.	олишади. кўргазма даги матнлар таҳлилини кузатишади.	Муаммо ли маъруза		материалла р Доска ва бўр
5	Тақдимот 15 дақиқа	Саволлар беради ва кичик гуруҳларда бажарилган ишларни эшитади, камчиликларни тузатади.	Фронтал саволларга жавоб бериша ди. Гуруҳ сардорлари жавобни матнини тақдим қилади.	Муҳокам а ва мустақил ишлаш	Гуруҳча- лар	Дафтар, матн намуналари Доска ва бўр Баҳолаш мезонини варағи.
6	Баҳолаш 3 дақиқа	Кичик гуруҳларга берилган топшириқлар ва саволлар натижаларини умумлаштиради. Қайси гуруҳ ғолиб эканлигини эълон қилади.	Гуруҳчалар бир-бирларини Баҳолайдилар. Жаволларнинг тўғисини ёзиб олади	Мунозар а	Гуруҳчала р	Доска, бўр, кўргазмали куроллар тарқатмалар
7	Умумлаш- тириш 2 дақиқа	Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Тинглайдилар. Умумлаштири ш бўйича ўз фикрларини билдирадидилар.	Сунбат- мулоҳаза	Гуруҳчала р	Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга якун яшаш 3 дақиқа	Дарсни якунлайди. Уйга вазифа беради Ўқув адабиёти: С.А.Каримов ва б. Нутқ маданияти. Ўқув қўл ланма. Т. 2003 й. 146 -1188- бетлар.	Тинглайдилар. Топшириқлар ўқув адабиётлар номини ёзиб оладилар.	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар Дафтарлар Доска ва бўр

МАВЗУ: МАЖЛИС БАЁННОМАСИНИНГ КЎЧИРМАСИ ВА ШАРТНОМА МАТНИ

РЕЖА:

1. Баённомадан кўчирма.
2. Шартнома ҳақида маълумот.
3. Шартноманинг лецик-услубий хусусиятлари.
4. Шартнома намуналари тайёрлаш.

Таянч сўз иборалар: баённомадан кўчирма, асосий масала, кун тартиби, сўзга
чикди, эшитилди, қарор, маърузачи, расмий услуб, лецик бирли, синтактик восита,
шартнома, томонлар, мажбурият, савдо, ҳуқуқий ваколат.

Кўпчилик бўлиб жамият, ташкилот, гуруҳ каби жамоат бирлашмаларини
бошқариш (ишини ташкиллаш, ҳодиса ва масалаларни қайд этиш, муҳокама қилиш, қарор

чиқариш, сайлаш, тайинлаш, қабул қилиш ва ҳаказо)ни қайд этувчи ҳижжат мажлис баённомасидир. Зарур ҳолларда баённомадан кўчирмалар қилинади. Бунда керакли қисмларгина олинади. Масалан, тўлиқ баённомада кун тартибида бехста масала кўрилган бўлса, кўчирмада у битта ёки иккита бўлиши мумкин. Бунда мажлис баённомасидан кўчирмани сўраган кишига керакли қисмигина кўчирилади.

Масалан у қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси 7- йиғилишининг

Б а ё н н о м а с и

2010- йил 31 - январ

Фарғона шахри

Юғлиш раиси - С. Мавлонова

Қатнашдилар: И.Абдурахмонова, А.Йўлчиева, Д. Ҳошимова, М.Ботирова, З. Йўлдашева

К У Н Т А Р Т И Б И:

- 1.Она тили ва адабиёти фани бўйича 2001 йилда чиқарилган ўқув дастури ҳақида.
- 2.Она тили ва адабиёти хонасини тематик қайта жиҳозлаш ҳақида.

ЭШИТИЛДИ: 1- масала бўйича кафедра мудири С. Мавлонова сўзга чиқиб, 2005 йил ноябр ойида келган янги ўқув режасида Она тили ва адабиёти фанидан курс бўйича 56 соат амалий соат ажратилгани, лекин амалдаги 2001 йилда чиқарилган ўқув дастурида амалий соат ажратилмагани учун у янги режага мос келмаслигини, бу ҳақда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг таклифи билан намунавий дастур йўқлиги учун янги ўқув режаси асосида Она тили ва адабиёти фани бўйича вақтинчалик намунавий ўқув дастури ишлаб чиқилиши зарурлигини уқтирди.

СЎЗГА ЧИҚҚАНЛАР. Музокарага чиққан Ботирова М., Ҳошимова Д., Абдурахмонова И.лар янги дастур ишлаб чиқишни маъқуллаб, зарур ташкилий чоралар кўришни таклиф қилишди.

ЭШИТИЛДИ: 4- масала юзасида Она тили ва адабиёти хонаси мудири Ботирова М. сўзга чиқиб, “Кадрлар тайёрлаш тайёрлаш миллий дастури”нинг сифат ва самарадорлик босқичига ўтилиши муносабати билан хона жиҳозланиши бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани учун уни қайта жиҳозлашни таклиф этди. Шунингдек, маърузачи ўзи таклиф қилаётган вариант лойиҳасини ҳам қатнашичилар эътиборига ҳавола этди. Қизгин тортишувдан сўнг Она тили ва адабиёти хонасини қайта жиҳозлашнинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, қуйидагича қарор қилди:

- 3.Она тили ва адабиёти фани бўйича янги ўқув режасига мувофиқ муваккат дастури ишлаб чиқилсин.
4. Она тили ва адабиёти фани бўйича янги ўқув режасига мувофиқ муваккат дастури ишлаб чиқиш гуруҳи 2-иловага асосан тасдиқлансин.
5. Она тили ва адабиёти хонасини тематик қайта жиҳозлаш лойиҳаси тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси:

С. Мавлонова.

Котиби:

З. Йўлдашева.

Юқоридаги намунадан кўриниб турибдики, баённомадан кўчирма шакли ва мазмуни баённомага ўхшайди. Аммо ихчам ва қисқа билан ундан фарқ қилади.

Ш А Р Т Н О М А

Шартнома бир киши билан иккинчи киши, бир ташкилот билан иккинчи ташкилот

ёки одамлар билан ташкилотлар ўртасидаги муайян бир ваифани амалга ошириш мақсадида тузилган ҳуқуқий ҳужжат. Улар меҳнат битими деб ҳам аталади.

Томонлар ўртасида берилган вазифаларнинг хилма-хиллигидан келиб чиқиб, шартномаларнинг тури ҳам кўп бўлади. Масалан, етказиб бериш, ижара, моддий жавобгарлик, ҳадя этиш ҳамда меҳнат битими шартноманинг ана шу турлари саналади. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амалдаги қонунлар, ҳукумат қарорларига зид бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам шартномалар имзоланишидан аввал унинг мазмунидан келиб чиқиб, тегишли мутахассилар ва ҳуқуқшуноснинг розилиги олинади.

Шартнома шартнома деган ёзув, унинг тузилган санаси ва жойи, тузаётган томонларнинг ақин номи ва уларнинг ваколатлари, асосий мант, томонларнинг ҳуқуқий адреслари, имзолари ва муҳаррирларидан иборат таркибий қисимлардан ташкил топади.

ШАРТНОМА

2002- йил 5 Апрель

Улус қишлоғи

Самарқанд вилояти Нуробот тумани “Улус” ширкат хўжалиги бошқарув раиси Ҳукимов Тошпўлат бир томондан ва ижарачи Аримов Ҳамудулла иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома муддати

1.1. Аримов Ҳамудулла (бундан кейин “ижарачи” деб юритилади) 2002-йил 5 Апрельдан жорий йилнинг охирига қадар “Улус” ширкат хўжалиги (Бундан кейин “хўжалиги” деб юритилади) билан шартнома асосида ишлайди.

Хўжалик ижарачига “Ҳовузбулоқ” участкасида 6 гектар ерни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун жорий йилнинг охиригача ижарага беради.

2. Ижарачининг ҳуқуқ ва мажбуряти.

2.1. Ижарага берилган экин майдонида бажарилган барча ишларни, сарф-харажатларини ўз ҳисобида амалга оширган.

2.2. Агротехник тадбирларни ўз вақтида, қулай муддатларда бажариш, ер структурасини бузмаслик, таққиланган экинларни экмаслик, моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдалланишни ўз зиммасига олади.

3. Хўжаликнинг ҳуқуқ ва мажбурятлари

3.1. Ижарачига шарнома кучига кирган кундан бошлаб ва ижара ҳақи тўлангандан кейин 5 кунлик муддат ичида ерни ўлчаб беради.

3.2. Мавжуд шароитлардан келиб чиқиб, ижарачи маблағи ҳисобига ажиратилган ерни минимал миқдорда минерал ўғитлар билан озиклантиришга кўмаклашади.

3.3. Зарур бўлган ҳолатларда хўжалик мутахассислар томонидан маслаҳатлар берилиши мумкин.

4. Ҳисоб-китоб тартиби.

4.1. Ижарачи томонидан ижарага олинган ер учун 5 кун ичида ижара ҳақини хўжалик ҳақида ўтказилиши керак

Шартнома намунаси

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Фарғона давлат университети

ректори: _____ М. Қорабоев

2011 « ____ » _____

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Фарғона тиббиёт коллежи

директори _____ И.А.Тўхтасинов

2011 « ____ » _____

Фарғона давлат университетининг тилшунослик кафедраси билан Фарғона тиббиёт коллежи Ўзбек тили ва адабиёти фанлари кафедраси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида

Ш А Р Т Н О М А

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, ўқитиш жараёнига илғор педагогик технологияларни тадбиқ қилиш, мутахассислар ўртасида тажриба алмашилиш, илмий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида томонлар ушбу шартномани имзоладилар.

Келишувчи томонларнинг хусусий мажбуриятлари:

Фарғона давлат университети Тилшуносликкафедрасининг аъзолари:

- Фарғона тиббиёт коллежи Ўзбек тили ва адабиёти фанлари кафедрасининг ўқитувчиларига илмий-услубий ишларда, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари, ўқув дастурлари ва тест-синов топшириқлари тайёрлашда маслаҳат ёрдами кўрсатишади;
- Фарғона тиббиёт коллежи ўқитувчилари томонидан тайёрланган ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий мақолаларни тақриз қиладилар;
- Фарғона тиббиёт коллежининг Ўзбек тили ва адабиёти фанлари кафедрасининг турдош фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларини кафедрага жалб этилган тадқиқодчи-шогирд сифатида бириктириб қўяди;
- Коллежнинг илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган ўқитувчиларига амалий маслаҳат ёрдами кўрсатадилар.

Фарғона тиббиёт коллежи Ўзбек тили ва адабиёти фанлари кафедрасининг аъзолари

- Фарғона давлат университети Тилшуносликкафедрасининг ўқитувчилари томонидан тайёрланган ўқув-услубий қўлланмалар, илмий мақолаларни тақриз қиладилар;
- Фарғона давлат университети Тилшуносликкафедрасининг ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўқув-услубий қўлланмалар, илмий мақолалар тайёрлайдилар ва чоп этадилар;
- Фарғона давлат университети Тилшуносликкафедрасининг ўқитувчилари томонидан ташкил этилган илмий-амалий ҳамда илмий- назарий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этадилар.

Келишувчи томонларнинг умумий мажбуриятлари:

Фарғона давлат университетининг Тилшунослик ва Фарғона тиббиёт коллежи Ўзбек

тили ва адабиёти фанлари кафедралари ўзаро ҳамкорликда:

- Ҳар ўқув йилида камида бир марта кафедраларнинг қўшма йиғилишларини ўтказадилар;
- Илмий-назарий анжуманлар ташкил қиладилар;
- Ўқув илмий-услубий семинарлар ташкил қиладилар;
- Кафедралар ўқитувчиларининг ўзаро дарсларини кузатадилар, очиқ дарслар ташкил этадилар;
- Фарғона давлат университети талабалари ва Фарғона тиббиёт коллежи ўқувчилари учун фанларнинг долзарб муаммоларига бағишлаб маърузалар ўқишади.
- Турдош фанларнинг долзарб муаммоларига бағишланган фикр алмашинувлар ташкил қиладилар.

Ушбу шартнома ҳар икки томоннинг ўзаро келишуви ҳамда ўқув юртлари

рахбарларининг розилиги билан имзоланди ва амал қилиш муддати чекланмайди.

Томонлардан бири шартномани бекор қилишга қарор қилган тақдирда бу ҳақда иккинчи томонни уч кун муддат ичида огоҳлантиради.

Шартнома икки нусхада тузилди. Бир нусхаси Фарғона давлат университетининг Тилшуносликкафедрасида, бир нусхаси Фарғона тиббиёт коллежида сақланади ва ҳар иккаласи ҳам тенг ҳуқуқий мақомга эга.

Фарғона давлат университети
Тилшуносликкафедраси
мудир _____Ш. Искандарова

Фарғона тиббиёт коллежи
Ўзбек тили ва адабиёти фанлари
кафедраси мудир _____С.Мавлонова

Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

3. Баённомадан кўчирма деганда нимани тушунаси?
4. Баённомадан кўчирма тайёрланг.
5. Шартнома ҳақида маълумот беринг.
6. Шартноманинг лецик-услубий хусусиятларини айтиб беринг.
7. Шартнома намуналари тайёрланг.
8. Баённома ва шартнома матнларини ўзаро таққосланг ва фарқларини айтинг.

11-МАВЗУ: Таъриф – мулоҳаза матнли ҳужжатлар: тақриз, аннотация

2. Дарс тури: Назарий дарс

3. Дарс вақти: 80 дақиқа

4. Дарс тип: янги мавзунини ўзлаштириш.

5. Дарсда қўлланиладиган усуллар: Инновацион технологиялари асосида “Мустақил иш”, “Бумеранг”, “Мустақил иш” усули.

6. Дарсда қўлланиладиган назорат турлари:

- фронтал саволлар.
- тест саволликлари.
- мустақил иш тури.

7. Дарс мақсадлари:

А. Таълимий мақсад:

- таъриф – мулоҳаза матнли ҳужжатлар ҳақида тушунча бериш;
- тақриз ва аннотация матнларининг таркибий қисмлари ҳақида маълумот бериш;
- тақриз, аннотация матнларида ишлатиладиган тил воситалари ҳақида тушунча бериш.

Б. Тарбиявий мақсади:

- ўқувчиларда намунали ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш.
- ҳужжатлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш.
- ўқувчидаги ахлоқий ва эстетик тушунчалар асосида расмий муомала кўникмасини шакллантириш.
- давлат тилига муҳаббат туйғусини ривожлантириш.

В. Ривожлантирувчи мақсад:

- турли расмий ҳужжатлар билан ишлаш малакасини шакллантириш.
- ўқувчининг намунали ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш.
- иш юритиш чоғида ижодий ёндошиш малакасини ривожлантириш.
- мустақил фикрлаш ва ўз фикрини аниқ, тўлиқ баён қилиш кўникмасини ривожлантириш.

8. Дарсни ўтиш жойи: факултетнинг ўқув хонаси.

9. Дарснинг дидактикаси(интеграция).

А. Фандаги мавзулар аро боғланиш:

Мавзу: 1. Баёний матннинг тил хусусиятлари.

Б. Фанлараро боғланиш:

1. Она тили ва адабиёт:

Мавзу.1. Матн тузиш ва уни ўзгартиришда тил воситаларидан фойдаланиш.

2. Рус тили: Мавзу: Аннотация и отзыв.

В. Ҳаёт билан боғлаш:

- ўқувчилар ҳаётида тақриз, аннотациянинг ўрни билан боғлаб тушунтириш;
- медицина амалиёти тақриз, аннотациянингдан фойдаланиш;
- тиббиётда тўлдириши зарур бўлган ҳужжатлар билан ишлашни кўрсатиш;
- кундалик ҳаётимиздаги ҳужжатларнинг ўрнини кўрсатиш;
- иш юритишдаги расмий хат билан боғланиш.

10. Керакли билимлар доираси:

- таъриф-мулоҳаза матнли ҳужжатлар ҳақида тушунча бериш;
- тақриз, аннотация матнларининг таркибий қисмлари ҳақида маълумот бериш;
- тақриз, аннотация матнларида ишлатиладиган тил воситалари ҳақида тушунча

бериш.

11. Дарсни жиҳозлаш: тақриз ва аннотация матни каби кўргазмали қуроллар, тарқатма матеаллар, кодоскоп, слайд.

Дарснинг хронологик харитаси

№	Дарснинг хронологик харитаси	Вақти
1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Ўқитувчининг кириш сўзи	5 дақиқа
3	Ўқувчиларнинг билимини текшириш	20 дақиқа
4	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа
5	Янги мавзуни мустаҳкамлаш	7 дақиқа
6	Дарснинг якуни	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа
	Жами	80 дақиқа

13. Ўқитувчи учун адабиётлар:

А. Асосий:

1. Давлар тилида иш юритиш. Электрон дарслик. ЎМКХТРИ. 2003.
2. Маҳмудов Н., Рафиев А., Ёўлдошев И. Давлат тилида иш юритиш. Дарслик. 2004
3. Каримов С.А., Маҳматмуродов Ш., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2003.
4. Солижонов Й., Ёўлчиев Қ., Ёўлчиева А. Нутқ маданияти. – Фарғона, 2008.

Б. Қўшимча: 1. Иш юритиш. Амалий қўлланма. 2002 .

2. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т. : Ўқитувчи, 1993 .
3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. – Т. , 1991.

ДАРС БОСҚИЧИНING МАЗМУНИ

1. Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашади. Ўқув хонасининг тозалигини текширади, хонани кўргазмали қуроллар, техник-ахборот воситалар билан жиҳозланиши, ўқитиладиган мавзуга мослигига эътибор беради. Навбатчини аниқлаб, давоматни текширади. Ўқувчиларнинг тайёргарлиги (китоб, дафтари, ручка каби ўқув қуроллари ва кийиниши)ни текширади.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Бу босқичда ўқитувчи ўтилган дарсда олинган билимларни аниқлайди, сўнг янги мавзу номини айтади ва дарс ўтиш режаси, дарснинг мақсади билан ўқувчиларни таништиради ҳамда уларни доскага ёзиб қўяди. Оқитувчи ўқувчиларнинг диққатини янги мавзуга жалб этиши ва уларни дарсни ўзлаштиришга, билимларни пухта эгаллашга тайёрлаши керак. Ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига қисқа маълумотлар беради.

3. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш:

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўтилган мавзу бўйича олган билимини текширади.

Бунда қуйидаги фронтал саволлар ва топшириқдан фойдаланади:

9. Баённомадан кўчирма деганда нимани тушунасиз?

10. Шартноманинг лецик-услубий хусусиятларини айтиб беринг.

3. Мустақил иш: шартнома матнни тайёрланг.

Фан бўйича билимларни ва кўникмаларни ўзлаштириш даражасини изоҳлайди ва ўқувчиларни ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга инновацион технологиялардан фойдаланиб ёдошилади.

Ўқитувчи мавзунини умумлаштириш давомида ўқувчиларни жавоб беришдаги хато ва камчиликларини тўғрилиб тушунтиради. Мавзунинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаган қисмларини қисқача сўзлаб беради. Ўқувчиларни баҳолайди. Баҳоларни эълон қилади.

4. Янги мавзунини тушунтириш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида ўқув дастурига асосланиб мавзунини тушунтиради. Ўқувчилар маърузанинг асосий қисмларини ўз дафтарларига ёзиб оладилар. Ўқитувчи янги мавзунини тушунтиришда инновацион ва янги ахборот технологияларидан фойдаланади. Ўқувчиларнинг фикрлаши учун йўлланмалар бериб ишлайди.

5. Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзунини

мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланади:

Фронтал саволлар:

1. Таъриф-мулоҳаза мазмунли матн деганда нимани тушунасиз?
2. Таъриф-мулоҳаза матнли ҳужжат турларини сананг.
3. Такриз ҳақида маълумот беринг.
4. Аннотация ҳақида тушунча беринг.

6. Дарснинг якуни:

Ўқитувчи ўтилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига жавоб беради. Дарсни мустаҳкамлашдаги ўқувчилар жавобини муҳокама қилиб, ўқувчилар билимини баҳолайди баҳоларни изоҳлайди ҳамда дарсни якунлайди.

7. Уйга вазифа: С.А.Каримов, Ш.М.Маҳматмуродов, О.Н.Каримова. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Тошкент -«Ўқитувчи» -- 2003 й. 146-188-бетлар.

Дарснинг технологик харитаси

№	Дарс босқичлари	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	Технология		
				Метод	Шакл	Восита
1	Тайёрлов 3 дақиқа	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва технологик харита тузиш	Ўқувчилар дарсга кирмасдан олдин махсус	Интерфаол	Гуруҳларни шакллантириш	Тақсимлаш қоғозчалари,

		эканлигини эълон қилади.				
7	Умумлаштириш 2 дақиқа	Гуруҳларнинг фаолиятлари умумлаштирилади. Фаол ўқувчилар алоҳида кўрсатилади. Ўқувчилар баҳоланади ва баҳолар изоҳланади.	Тинглайдилар. Умумлаштириш бўйича ўз фикрларини билдирадilar.	Сунбат-мулоҳаза	Гуруҳчало	Баҳолаш мезонлари варақаси
8	Дарсга якун яшаш 3 дақиқа	Дарсни якунлайди. Уйга вазифа беради Ўқув адабиёти: С.А.Каримов ва б. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т. 2003 й. 146 -188- бетлар.	Тинглайдилар. Топшириқлар ўқув адабиётлар номини ёзиб оладилар.	Маъруза	Умумий	Маъруза матни Ўқув адабиётлар Дафтарлар Доска ва бўр

МАВЗУ: ТАЪРИФ – МУЛОҲАЗА МАТНЛИ ҲУЖЖАТЛАР: ТАҚРИЗ, АННОТАЦИЯ

РЕЖА:

1. Таъриф-мулоҳаза мазмунли матнлар ҳақида тушунча.
2. Таъриф-мулоҳаза матнли ҳужжат турлари.
3. Тақриз ҳақида маълумот.
4. Аннотация ҳақида тушунча.
5. Матнларда ишга баҳо бериш, таққослаш.
6. Матнларда қўлланадиган тил воситалари.

Таянч сўз ва иборалар: таъриф, мулоҳаза, тасвир, тавсиф, тил воситалари, фикр асоси, расмий-идоравий услуб, ҳужжатчилик характери, расмий тақриз, шарҳ, аннотация, резюме, хулоса, протест.

Нутқий фаолиятнинг асосий шакли сифатида кенг тарқалган усуллардан бири таъриф- мулоҳазали матнлардир.

Таъриф деганда, бирор киши, нарсаси, воқеа-ҳодиса ва шу кабиларнинг сўзлар ёрдамида ифодаланган тасвири, тавсифи тушунилади. Мулоҳаза деганда фикран муҳокама юритиш, ўйлаш, ўй, андиша каби маъноларни тушунамиз. Мулоҳаза асарият ҳолларда ички нутққа хос бўлади. Ҳар бир киши шахс ва борлиқ, шахс ва шахс, табиат ва жамият, давлат ва сиёсат, ижтимоийёт ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатлар ҳақида ўзи тўплаган билим ва тажрибалар асосида фикр юритади, мулоҳаза билдиради.

Демак, таъриф-мулоҳаза мазмунли матн деганда, бирор киши, асар, янги маҳсулот, дори-дармон, воқеа ёки бўлиб ўтган ҳодиса кабилар ҳақида ўз тажриба, билим, кўникма ва малакасида келиб чиқиб билдирилган фикр-мулоҳазалар ақ эттирилган матнлар тушунилади.

Масалан, илмий тадқиқотчининг изланишлари эълон қилинган, шу соҳанинг тегишли кишилари мазкур ишни ўқиб, унинг ютуғи ва камчилигини, кишиларга қандай фойдали эканини ёзма равишда кўрсатиб беришади.

Бундай матнларнинг энг машҳурлари А.Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис”, “Насоим-ул-муҳаббат” асарлари ҳисобланади. Уларда ўз замонасидаги турли олимлар,

шоир ва авлиёларнинг асарлари, ҳаётий ишлари, кароматларига буюк шоиримиз ўз таъриф ва мулоҳазалари баён қилган. “Бобурнома”да ҳам ўнлаб киши ва воқеалар ҳақида Бобурнинг таъриф ва мулоҳазалари жуда яхши ёзилган.

Таъриф-мулоҳазали матнлар бадий, илмий асарлар таркибида ҳам келиши мумкин. Масалан, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасида ўзбек ёли-онага оид таъриф-мулоҳазалар берилган. Умарали Норматов қаламига мансуб “Устоз ибрати” номли китоби Абдулла Қаҳҳорнинг таърифига бағишланган. “Озод Шарафиддинов замондошларимиз хотирасида”(Тошкент, “Ўзбекистон” 2007) асарида ажойиб инсон, беназир устоз, етук олим, моҳир таржимон ва меҳрибон ота бўлган Озод Шарафиддинов ҳақида замондошларининг кикр-мулоҳазалари берилган. Шунингдек, Й. Солижоновнинг “Олимнинг олами” асарида академик С. Мамажонов ҳақида турли таъриф ва мулоҳазалар берилган.

Таъриф-мулоҳазали матнлар расмий-идоравий соҳада ҳам кўп ишлатилади. Масалан, талаба оилӣ ўқув юртининг сўнгги курсида битирув-малакавий иш бажаради. Мазкур ишга буйруқ асосида расмий оппонент тайинланади. У эса иш билан танишиб чиқиб, расмий тақриз ёзади. Иш юритишнинг янги шаклларида бири сифатида ходимни ишга қабул қилинаётганда резюме талаб қилинади. Ишлаб чиқаршга жорий этилаётган технология, янги маҳсулот ҳақида аннотация тайёрланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъриф-мулоҳаза матнли ҳужжат турларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Расмий тақриз.
2. Аннотация.
3. Резюме.
4. Хулоса.
5. Шарҳ.
6. Баёнот
7. Протест ва бошқалар.

Мазкур ҳужжатларнинг барчаси расмий-идоравий услубда ёзилади. Уларда бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса, янги чиқарилган қарор ёки фармойиш, қонун, низом, йўриқнома каби ҳужжатлар, маҳсулот ёхуд хизмат турлари ҳақида фикр- мулоҳаза билдирилади.

“Аннотация” сўзи латинча сўз бўлиб, “еслатма”, “изоҳ”, “қайд этмоқ”, “белги қўймоқ” маъноларини англатади. Атама сифатида эса қисқа тушунтуриш, кўрсатиб ўтиш, таркиби, мазмуни, аҳамияти, кимлар қайси ҳолларда фойдаланишлари мумкинлиги, кимлар учун эканлиги ҳақидаги кичик матн тушунилади.

Ҳар қандай адабиётнинг титул варағининг орқасида(кўп ҳолларда қуйида бўлади) мазкур асарнинг қисқача мазмуни, ғоявий йўналиши, қайси ёшдагиларга мўлжалланганлиги қайд этилади. Масалан, Ғ.Ғуломнинг ТАНЛАНГАН АСАРЛАР(Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2003) тўплами титул варағи орқасида “*Академик шоир, ўзбек адабиёт равнақида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Ғафур Ғулом ижоди ўзбек китобхонларининг бир неча авлодини тарбиялашга хизмат қилган. Шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан нашр этилган ушбу китобга жамланган асарлар ўзининг ғоявий руҳи билан мустақилликни қўлга киритган халқимизнинг комил инсонларни вояга етказиш йўлидаги курашида камарбаста бўлишига ишонамиз*”, деган аннотация бор.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ацарият адабиётларда аннотасиялар 2-бетда бўлади. Титулдан олдин муаллифнинг фотосурати берилган адабиётларда эса 4-саҳифадан ўрин олган бўлади.

Бундан ташқари аннотациялар янги дори-дармон маҳсулотларига ҳам ёзилади. Масалан:

“СИПРОДЕД– 250(500)–10 та таблетка, ҳар бири 250(500) мгдан иборат. Кенг таъсир доирасига эга антибактериал восита. Нафас йўллари инфекцияси, қорин бўшлиғи, бўғимлар, суяк ва тери яллиғланиши, кўриш органлари яллиғланиши ва инфекцион касалликларида кенг қўлланилади.”(“Сихат-саломатлик”. 2-сон. 2005 йил.)

Аннотация аҳолида нашр ҳисобланган ўқув қўлланма, дарслик ва монографияларга ҳам ёзилиши мумкин. Бунда унинг ҳажми нисбатан каттароқ бўлади. Лекин бир бетдан ошмайди. Шунингдек, у расмий хат матни сифатида сарлавҳа, матн шаклига эга бўлади. Матнни ёзган кишининг муаллифи кўрсатилмайди.

Н а м у н а :

*Ҳ.Умурувнинг “Адабиёт назарияси” (Т., Шарқ. 2002) дарслигининг
А Н Н О Т А Т С И Й А С И:*

Республика университетларининг Ўзбек 1филологияси йўналиши(факултетлар)ида “Адабиёт назарияси” бакалавриятнинг 4-курсиди ўрганилади. Унда адабиёт, бадиий асар, ижодий жараённинг муҳим қонуниятлари, адабий тур ва жанр, ижодий метод ва услуб муаммоларининг миҳияти, сўз ва сўзшуносликнинг сеҳру жозибаси ҳақида зарур назарий таълимот берилади.

Ушбу дарслик олий ўқув юр்தларининг филолог талаба-бакалаврлари, магистрлари, тадқиқотчилари, аспирантлари, докторантлари ва адабиётга қизиқувчи барча ижодкорларга мўлжалланган.

Мазкур аннотацияда дарсликнинг қисқача мазмуни, аҳамияти, кимларга мўлжаллаб ёзилгани ўз ифодасини топган.

Тақриз. Нутқий фаоиятда рецензия деб аталадиган муҳим ҳужжат ҳам мавжуд. “Рецензия” атамаси лотинча бўлиб, кўздан кечириш, кўриб чиқиш, текшириш деган маъноларни билдиради. Уни тақриз деб ҳам аталади.

Тақриз деганда, илмий ёки санъат(бадиий, кино, театр, ҳайкалтарошлик каби) асарларни танқидий нуқтаи назардан текшириб таҳлил қилинган мақола тушунилади.

У битирув-малакавий, номзодлик, докторлик ишларига, ўқув қўлланмалари, дарслик каби нашрларга ёзилади. Тақризда ҳимоя ёки нашрга тавсия этилаётган ишга атрофлича, батафсил муносабат билдирилади. Унинг ижобий ва салбий томонлари ҳолисона кўрсатилиб ўтилади, ҳимояга ёки нашрга тавсия этилиш-етилмаслик ҳақидаги муносабат аниқ баён этилади.

Диссертацион ишларга ҳимоясини ўтказувчи ихтисослашган кенгаш ёки асарни босиб чиқарувчи нашрёт бу каби тақирларда айтилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, ўз хулосаларини чиқаради. Тақризнинг таркибий қисми а) сарлавҳа; б) матн; ва в) имзодан иборат.

Сарлавҳада тақриз кимнинг, қандай диссертацион иши ёки нашрга тавсия этилаётган асари ҳақида эканлиги ёзилади. Сўнгра ҳужжат номи(тақриз) катта ҳарфлари билан янги қаторга ёзилади. Кейин асосий матн ёзилади. У ҳам кириш асосий қисм ва хулосадан ташкил топган бўлади. Киришда асар мавзусида ўртага қўйилган масаланинг долзарблик даражаси, ўрганилганлиги кўрсатилади. Асосий қисмда муаллиф масалага қанчалик ёндошганлиги ҳақида гапилади. Матндаги асосий ғоя қайси таниқли кишининг қайси фикри билан мос келиши, ситатлар келтириб ибботланади. Ситаталар қўштирноқ ичида берилади. Олинма махсус рақам билан белгиланиб, саҳифа охирида шу рақам тартибида қайс олимнинг, қайси асарининг, қайси саҳифасидан олинганлиги кўрсатилади. Жумладан интернет, электронпочта, электрон дарслик, мултимедияларнинг ҳам.

Хулосада тақриз ёзувчининг ишга берган баҳоси, нашрга ёки ҳимояга тавсияси аниқ кўрсатилади. Матндан сўнг тақриз ёзган кишининг лавозими, илмий даражаси ва унвони, исми, фамилияси, имзоси ҳамда ёзилган сана кўрсатилади. Имзо кадрлар бўлими томонидан тасдиқланади.

Н а м у н а :

*Фарғона давлат университети филология факултети ўзбек тилии йўналиши
14.432 гуруҳ талабаси Нилуфар Аҳмедова нинг “Ҳозирги ўзбек шеъриятида
ҳис-туйғу ва ғоя мутаносиблиги” номли битирув-малакавий ишига*

ТАҚРИЗ

Аввало шуни айтиши керакки, битирув - малакавий иши ушун долзарб мавзу танланган. Иш режа асосида, керак таркибий қисмларга риоя қилинган ҳолда ёзилган. Охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам берилган. Фақат рўйхат алифбо тартибида берилиши керак эди. Бу тамойилга амал қилинмаган. Ишда кафедра аъзоларининг ишларидан, жумладан, кафедра мудирининг филология фанлари доктори Й. Солижонив бошичилигида нашр этилган «Ўзбек адабиётишунослигининг долзарб масалалари» номли илмий мақолалар тўпламидан, филология фанлари номзоди М. Бобораҳимовнинг “Шеърининг асарларда конфликти” номли рисоласи ҳамда Й. Солижонов «Нутқ ва услуб» монографиясидан ўринли фойдаланилган. Керакли бетларда бу ҳақда маълумотлар берилган. Аммо, ишнинг кириш қисмида филология фанлари номзоди “А. Сабирдинов шеърининг асарининг шакли ва мазмун мутаносиблиги бўйича ўз фикрларини эълон қилган» дейи қайд этилади- ю, бироқ олимнинг қайси асарида айнан шу мавзуга тўхталганлиги келтирилмайди.

Ишга атрофлича ёндашишга ҳаракат қилинган. Бунинг учун режа тузиб иш олиб борилган. Режанинг биринчи банди кириш қисми бўлиб ишда масаланинг қўйилиши ва ўрганилиши ҳақида етарли даражада маълумотлар берилган.

Ишнинг иккинчи қисми асосий қисм бўлиб, у 3 бобдан иборат: 1) ўзбек шеърининг шакли ва мазмун мутаносиблиги масалалари; 2) ўзбек шеърининг йанги поетик аъёнларининг аҳамияти, 3) ўзбек шеърининг ҳис-туйғу ва ғоя мутаносиблиги масалаларига бағишланган.

Биринчи бобда, бадиий асар мазмуни хусусиятлари саналган ва шаклига хос белгилар кўрсатилган. Менимча, шу ўринда мазмуннинг таърифи ва хусусиятларини санаишга кўпроқ эътибор бериб юборилган. Аммо, шакли таърифи ва ўзига хос жиҳатларига камроқ диққат қаратилган. Ваҳоланки, дипломантизм шакли ва мазмун мутаносиб бўлиши керак, деб бир неча бор тақдорлаган. Шу ўринда имловий ва услубий хатоликларга йўл қўйилган. Гап катта тузилган. Илмий иш ушун муҳим бўлган ихшамлилик этишмайди.

Иккинчи бобда, йанги поетик аъёнлар ҳақида гапирилган, аммо етарли эмас. Бунинг устига конкрет фактлар этишмайди. Бу ерда поетик аъёнлар ҳақида кўпроқ маълумот берилиши керак эди.

Учинчи бобда бевосита мавзудаги масалани атрофлича очишга ҳаракат қилинган. Ҳар учала шоирларнинг ҳам шеърларидан парчалар келтирилган. Имкон даражада таҳлил қилинган. Аммо баъзи ўринларда илмийликдан чекинлиб, публицистик ва бадиий услубларига ўтиб қолинган.

Ишнинг охириги банди хулоса қисми бўлиб, унда ҳозирги ўзбек шеърининг ҳис-туйғу ва ғоя мутаносиблигининг шеърининг ривожидagi аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Аммо айнан мавзунинг шеърининг тараққиёти ва бадиий тафаккур ривожидagi ўрни ҳақида дейарли гапирилмаган.

Мазкур хато ва камчиликлар битирув-малакавий ишнинг умумий ҳолатига сезиларли таъсир этмайди. Иш талабга жавоб беради. Шунинг учун уни 63 балл билан баҳолашни тавсия этаман.

Расмий оппонент,
Филология фанлари номзоди:
2010 йил 12- май.

Ҳ. Иброҳимов.

Бундан ташқари иш юритишда “резюме” деб аталадиган ҳужжатдан ҳам фойдаланилади.

“Резюме” сўзи французча сўз бўлиб, бирор асар, ўқилган маъруза, меҳнат фаолиятининг моҳиятини очиқ берадиган қисқача хулоса, фикр-мулоҳаза деган маъноларда ишлатилади. Масалан, “Тафаккур” журнали охирида журналда эълон қилинган мақолаларнинг инглиз тилидаги резюмеси берилади. Ёки ҳимояга тавсия этилаётган илмий ишларнинг сўнггида матннинг ўзбек, рус ёхуд инглиз тилларида қисқача мазмуни баён қилинади. Ана шу резюменинг ўзиёқ иш билан танишишга улгурмаган кишига диссертация ҳақида асосий маълумотни беради.

Сирдарё Ўтамовнанинг “Алишер Навоий газаларидаги рангларнинг символикаси” мавзусидаги ўзбек мумтоз адабиёти мутахассислиги бўйича филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш бўйича диссертациясининг

РЕЗЮМЕ

Мумтоз адабиётида рангларнинг рамзий маъноси ва вазифасини ўрганиш адабиётшуносларимиз олдида турган муаммолардан биридир. Бу муаммо ҳақида М.Шайхзода, Ё.Исҳоқов, А.Ҳайитметов, И. Ҳаққулов каби навоийшунослар ўз тадқиқотларида фикр юритишган. Лекин Навоий лирикасидаги ранглар маъноси, маъно қирралари генезиси, халқ оғзаки ижоди билан узвийлиги ҳақида алоҳида тадқиқот битинчи марта амалга оширилди.

Ишнинг илмий янгилиги:

- ранглар генезиси символика даражасида тадқиқ қилинган;
- халқ оғзаки ижодидаги ранглар динамикаси ва Навоий лирикасидаги ранглар динамикаси биринчи марта қиёсий тадқиқ этилган;
- Навоий ижодида ранглар кенг қўламда илк бор системели тадқиқ этилган;
- Навоий ижодидаги ранглар символикасини қўллашдаги анъанаси ва мароҳати ҳар томонлама тадқиқ қилинган;
- Навоий қўллаган ранглар символикасини шоир замондошлари ва кенги авлод ижодкорлари ижодига таъсири ҳақида илк мулоҳазалар берилган.

Ишнинг умумий тавсифи, кириш, 3 бўлимга ажратилган 8 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатидан иборат.

Ишнинг асосий мазмуни 1 алоҳида нашр ва 8 та илмий мақолаларда ўз атини топган.

Илмий раҳбар:

И.Ҳаққулов.

2010 йил 9-сентябр.

Ҳозирда мамлакатимизда хорижликларга тегишли кўплаб ташкиотлар фаолият олиб бормоқда. Уларга ишга жойлашиш танлов асосида бўлиб, танловда қатнашчи бўлган киши ўз меҳнат фаолияти ҳақида резюме ёзиб топширади.

Хулоса қиладиган бўлсак, таъриф-мулоҳазали матнлар расмий-идоравий услубда ҳам кенг ишлатилади. Уларнинг тақриз, байнот, протест, шарҳ, резюме, аннотация каби турлари расмий услубнинг адабий тил нормасифа мос қўлланиши матнни ўқувчи тез ва осон тушунишини таъминлайди.

Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Таъриф-мулоҳаза мазмунли матнлар деганда нимани тушунаси?
2. Таъриф-мулоҳаза матнли ҳужжат турларини сананг.
3. Тақриз деганда қандай матнни тушунаси?

4. Такриз матни тайёрланг ва унда қандай тил бирликларини қўллагингиз? Нима учун?
5. Аннотация ҳақида тушунча беринг.
6. Аннотация матни тайёрланг ва уни таҳлил қилинг.
7. Матндаги тил воситаларининг таҳлил қилинг.

Асосий адабиётлар:

1. Мўминов С., Мамажонов М. . Нутқ маданияти. Маъруза матнлари.
2. Мўминов С., Нурмонова Д., Каримова О. Нутқ маданияти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.
3. Қўнғуров Р., Бегматов э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992 .
4. Каримов С.А., Маҳматмуродов Ш.М., Каримова О.Н. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2003 .
5. Маҳмудова Н., Рафиев А., Йўлдошев И.. Давлат тилида иш юритиш. Академик лицейлар учун дарслик. – Т.: ШАРҚ НМАК Бош таҳририяти. 2004.
6. Аминов М. ва б. Иш юритиш. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.

Қўшимча адабиётлар:

1. Қудратов Т. Нутқ маданиятлари асослари. – Т. : Ўқитувчи. 1993 .
2. Тожиев Ё., Ҳасанова Ҳ., Саидова Р. Нутқ маданиятлари ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1998.
3. Ўзбек тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. 1991 йил.
4. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. - Т.: Чўлпон, 2002 .